

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.24:338.45(575.1)**

ЭРНАЗАРОВ ОРТИҚ ЭШНАЗАРОВИЧ

**ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.03 – «Саноат иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Б.Т. Салимов
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Тошкент – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1. Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг иқтисодий аҳамияти ҳамда назарий ёндашувлар.....	13
1.2. Саноат ишлаб чиқариш тизимида инновация таснифи ва инновацион жараёнлар хусусиятлари.....	31
1.3. Саноат корхоналарида инновациялар самарадорлигини баҳолаш усуллари.....	48
I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА	61
II БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	63
2.1. Саноат корхоналарида инновацион фаолликни ошириш шарт-шароитлари ва омиллари.....	63
2.2. Саноат корхоналарида инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш тенденциялари ва устувор йўналишлари.....	80
2.3. Саноат корхоналарининг инновацион стратегияси шаклланиши ва лойиҳалардаги таваккалчиликни баҳолаш.....	96
II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА	107
III БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	109
3.1. Корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш.....	109
3.2. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш.....	121
3.3. Саноатнинг фан сиғими юқори тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг концептуал йўналишлари.....	130
III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА	143
ХУЛОСА	145
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	148
Иловалар	171

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда инновациялар кенг жорий этилиши халқаро миқёсдаги рақобатбардошликни ошириб, барқарор ривожланиш учун мустаҳкам замин яратади. Айниқса, саноат корхоналарида инновацион фаолиятнинг кенг йўлга қўйилиши тармоқ иқтисодий самарадорлиги ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат инновацион ривожланиш даражаси ҳамда саноат тармоғининг рақобатбардошлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик орқали ҳам яққол намоён бўлади.

Халқаро инновацион индексни баҳолаш натижаларига кўра, “иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар орасида Германия (2,26 балл), АҚШ (1,80 балл), Япония (1,79 балл) ва Швеция (1,64 балл) сингари мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Bloomberg Агентлигининг тадқиқотлари бўйича 2019 йилда жаҳоннинг инновацион иқтисодиёти рейтингида Жанубий Корея, Германия, Финляндия, Швейцария давлатлари энг юқори поғонани эгаллаб турибди”¹. Ўз навбатида, инновацияларнинг ривожланганлиги ушбу мамлакатлардаги саноат корхоналарининг юқори самарадорлигини ҳам таъминламоқда.

Жаҳонда инновацион омиллар ҳисобига барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасидаги тажрибалар асосида замонавий саноат тармоқларининг инновацион фаоллиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (иш, хизмат) рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми, ишлаб чиқариш тизимида инновация таснифи ва инновацион жараёнлар хусусиятлари, корхоналарнинг инновацион ривожланиш стратегияси ва инновацион лойиҳаларни баҳолаш усуллари, саноатнинг фан сиғими юқори тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг

¹<https://theworldonly.org/rejting-innovatsionnyh-ekonomik-2019/>

концептуал йўналишларини тадқиқ этиш бу борадаги муҳим илмий йўналишларни намоён этмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, жумладан, саноат тармоғини жадал ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Саноат корхоналарини юқори даражадаги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали инновацион иқтисодиётга ўтиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади»². Мазкур вазифаларни ҳал этишда саноат ишлаб чиқариши тизимида инновацион фаолликни ошириш, инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш тенденциялари ва устувор йўналишларини аниқлаш, инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш, корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш сингари йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш, унинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Солоу, Б.Санто, А.Смит, С.Кузнец, Й.Шумпетер, П.Сорокин, Ф.Арога ва А.Гамбарделла, К.Макконел, С.Брю, П.Дракер, Б.Твисс ва бошқаларнинг илмий асарларида атрофлича таҳлил қилинган³.

МДХ мамлакатлари олимлари А. Богатырев, Н.Кондратьев, Ю.Яковец, Туган-Барановский, О.Белокрылова, С.Фатхутдинов, С.Глазьев ва бошқалар томонидан инновацияга асосланган иқтисодийга ўтишнинг зарурлиги, моҳияти ва устувор йўналишлари тадқиқ этилган⁴.

³Solow R.M. On Theories of Unemployment. // American Economic Review. 1980. Vol. 70. P. 1-12; Санто Б. Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг. и доп. авт. / Общ. ред. и вступ. ст. Б.В. Сазонова. - М.: Прогресс, 1990. - 296 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз. 1962. С. 345; Simon Kuznetz, "Modern economic growth: Findings and reflections", Nobel lecture delivered in Stockholm, Sweden, December 1971 and published in the American Economic Review 63 (September 1973); Яковец Ю.В. «Эпохальные инновации 21 века». - М.: Экономика. - 2004. - С. 12; Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. - М.: Прогресс, 1983. - С. 278-285.; Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. Пер. санг. - М.: Астрель, 2006. - С. 1176.; Innovation Policy and the Economy, Volume 5, National Bureau of Economic Research, Adam B. Jaffe, Josh Lerner, and Scott Stern: The MIT Press, Cambridge, Massachusetts - 2005. - p. 59; Arora A. and Gambardella A: "Bridging the Gap". In A. Arora and A. Gambardella, eds., From Underdogs to Tigers: The Rise and Growth of the Software Industry in Some Emerging Economies. Oxford, UK: Oxford University Press. - 2005.; Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика: В 2 т.: Пер. с англ. 13-го изд.: Учеб. - Т. 1. - М.: ИНФРА - М, 2001. - 974 с.; Дракер П.Ф. Инновации и предпринимательство. - М., 1992. 234 с.; Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. Сокр. Пер. с англ. - М.: Экономика. - 1989. - 271 с.

⁴Богатырев А.Н. Агротехнополисы - эколого-экономические регионы устойчивого развития // Инженерная экология. - 1995. - № 5. - с. 9-19; Кондратьев Н.Д. Публикация в сборнике «Вопросы конъюнктуры». - М.: 1925, т. 1, вып. 1, 28-79 с.; 1997. Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия - 2050: стратегия инновационного прорыва. - М.: ЗАО Издательство Экономика, 2004. - 632 с.; Теория инновационной экономики. Ростов н/Д: Феникс, 2009, 376 с.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. - М.: Интел-Синтез, 2000. - 615 с.;

Миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишини таъминлашда, жумладан, инновацион омилларнинг айрим назарий жиҳатларини ўзбекистонлик олимлар А.В.Вахабов, Ҳ.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, Н.М.Махмудов, Д.Н.Акабирова, А.М.Қодиров, А.Т.Ахмедова, Н.Р.Алимова, А.Р.Ёқубжонов, З.Т.Гаибназарова, Ш.Э.Синдаров, У.А.Мадрахимов, О.Х.Хамираев ва бошқалар илмий асарларида тадқиқ этилган⁵.

Таъкидлаш керакки, ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида унинг самарадорлигини ошириш механизмлари тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганилмаган. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №РИ1-4 «Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб

Глазьев С.Ю. Новый технологический уклад в современной мировой экономике. Статья// Международная экономика, 2010, №5 – С. 5-2.

⁵Вахабов А.В. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – С. 200.; Абулқасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. Учебное пособие. – Т.: ТашГИВ, 2017. – С. 15-17.; Махмудов Н.М., Акабирова Д.Н. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики: Монография. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011.; Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш / ЎзФА, А.Ф. Расулевнинг тахрири остида. – Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR, 2011. – 408 б.; Қодиров А.М., Ахмедова А.Т., Алимова Н.Р. Стратегия инновационного развития и его влияние конкурентоспособность экономики Узбекистана. – Т.: Общественные науки Узбекистана. №1-2, 2010, С. – 20.; Ёқубжонов А.Р. Совершенствование институциональной среды инвестиционно-инновационного развития экономики Узбекистана. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2011, 28 б.; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2012, 25 б.; Синдаров Ш.Э. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010, 28 б.; Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017, 71 б.; Хамираев О.Х. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизмлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. -32 б.

чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожлантиришнинг инновацион усуллари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«инновация», «инновацион фаолият» категорияларининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларнинг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

саноат ишлаб чиқариш тизимида муайян белгиларига кўра инновация турларини таснифлаш ва инновацион жараёнлар хусусиятларини аниқлаш;

саноат корхоналарида инновацион фаолликни ошириш шарт-шароитлари ва омилларини аниқлаш;

саноат корхоналарида инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;

саноат корхоналарида инновациялар самарадорлигини баҳолаш усуллари таснифлаш;

саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш йўллари аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва лойиҳалардаги таваккалчиликни баҳолаш усуллари таснифлаш;

корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишни молиявий таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

саноатнинг фан сиғими юқори тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган саноат корхоналари иқтисодий фаолияти олинган.

Тадқиқот предмети иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, гуруҳлаштириш, индукция-дедукция, мантикий ва таққослама таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик ва қиёсий техник-иқтисодий таҳлил, эксперт баҳолаш, график-аналитик таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида инновациялар самарадорлигини баҳолашда уларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорларни қабул қилиш имконини берувчи асосий «таянч нуқталар» (интеграл самара, инновациялар рентабеллиги, харажатларни қоплаш даври)дан фойдаланиш таклифи асосланган;

корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлиги таҳлили ресурслар таъминоти, бошқарув жараёни ва инновацион салоҳиятдан иборат ички ҳамда контрагентлар, бозордаги рақобат, илм-фан ва инновацион инфратузилма ривожланиши каби ташқи омиллар таъсирини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

инновацион лойиҳани амалиётга жорий қилишнинг молиявий тўловга қодирлигини баҳолаш сарфланган капитал харажатлар ўрнини тўлдиришга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ вақт оралиғини ўрнатиш орқали такомиллаштирилган;

саноат тармоғидаги инновацион лойиҳалар портфелини шакллантиришда корхоналардаги инновацион фаолиятнинг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда мураккаблиги жиҳатидан турлича бўлган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга асосланган табақалашган ёндашувни қўллаш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда инновациялардан фойдаланиш мезонларини белгилашда муҳим аҳамият касб этувчи «инновация» ва «инновацион фаолият»га оид категорияларнинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарида инновациялардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш имконини берувчи инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизими иқтисодий ривожланиш босқичларига мос ҳолда дисконтланган ва дисконтланмаган кўрсаткичлар асосида қўлланилган;

саноат корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишни молиявий таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарида инновацияларни танлаш ва амалиётга жорий қилишда фан сифими юқори корхоналарда инновацион лойиҳаларни оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда танланган инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этишга йўналтирилган инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-методологик таклиф ва тавсиялар, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш, саноатнинг фан сифими юқори бўлган тармоқ корхоналарининг инновацион ривожланишига оид илмий аппаратни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат корхоналарида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш, корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш, саноатнинг фан сиғими юқори тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш концепциясини ишлаб чиқиш, тармоқ корхоналарини ривожлантиришга оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, «Саноат иқтисодиёти», «Инновацион иқтисодиёт», «Корхона иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини интеграл самара, инновациялар рентабеллиги, харажатларни қоплаш, янгиликларни ўзлаштириш харажатлари каби кўрсаткичлар асосида такомиллаштириш таклифидан «Ўзсаноатқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятида «Инновацияларни ривожлантириш дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 28 июлдаги 05/15-2390-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш татбиқ этилаётган кўрсаткичларни тизимлаштириш асосида инновацияларни жорий этишдан олинган иқтисодий самарадорликни 115,0 %гача ошириш имконини берган;

корхонанинг инновацион фаолиятини ресурслар таъминоти, бошқарув жараёни ва инновацион салоҳият билан боғлиқ ички ҳамда контрагентлар, бозордаги рақобат, илм-фан ва инновацион инфратузилма ривожланишининг ташқи омиллари таъсирини аниқлаш асосида такомиллаштириш таклифидан «Ўзсаноатқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятида «Инновацияларни ривожлантириш дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган

(«Ўзсаноатқурилишматериаллари» Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 28 июлдаги 05/15-2390-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш саноат корхоналарида инновацион фаолиятнинг ички ва ташқи омилларини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳаларни реализация қилиш жараёнини 1,2 коэффициентга оптималлаштириш имконини берган;

инновацион лойиҳани реализация қилишнинг молиявий тўловга қодирлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини корxonанинг рентабеллик кўрсаткичлари, инвестициялардан фойдаланиш ҳамда молиявий ҳолатни баҳолаш кўрсаткичлари асосида таснифлаш таклифидан «Ўзсаноатқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятида «Инновацияларни ривожлантириш дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 28 июлдаги 05/15-2390-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган молиявий ҳолатни баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш саноат корхонасида инновацион лойиҳани реализация қилишни молиявий тўловга қодирлигини баҳолашнинг иқтисодий асосланганлик даражасини 125,0 %га ошириш имконини берган;

инновацион лойиҳаларни реализация қилиш портфелини шакллантиришни назарда тутувчи ҳамда инновацион ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда замонавий саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган концепцияни шакллантириш таклифидан «Ўзсаноатқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятида «Инновацияларни ривожлантириш дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 28 июлдаги 05/15-2390-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш инновацион фаолиятга ажратилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминловчи қарорларни қабул қилишнинг амалий

воситаларини шакллантиришнинг иқтисодий асосланганлик даражасини 1,5 марта ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, республика миқёсидаги 12 та ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 175 бетни ташкил этган.

I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг иқтисодий аҳамияти ҳамда назарий ёндашувлар

Ҳозирги вақтда республикада иқтисодий ривожланишнинг анъанавий ресурсларга асосланган моделининг ягона муқобил варианты бўлиб, инсонларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш стратегияси ҳисобланади. Бунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда фан сифими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш, жаҳондаги глобаллашув жараёнлар таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи давлатлари тараққиёти учун саноат ривожланишидан кейинги босқич хос бўлиб, бу босқичда иқтисодий ўсиш омилларининг роли ва ўрни ўзгармоқда. Анъанавий ҳисобланган уч омилга, меҳнат, ер ва капиталга фан-техника тараққиёти омили ҳам қўшилди. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши муҳим ресурслари ҳисобланган ахборотлар ва билимлар алоҳида аҳамият касб этиб, бунда инсон салоҳияти ҳал қилувчи ролга эга бўлди.

Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва илмни кўп талаб қилувчи технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг устувор ривожланиши ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурий шarti инновацион фаоллик билан белгиланади. Инновацион фаоллик, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, унинг инновацияга оид сиёсати ва салоҳияти, шунингдек, жамиятнинг маънавий ҳолатига боғлиқ.

Инновация фаолияти умумий бошқаришнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 10-20 йилларида ажралиб чиқди. Бу давр товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг технологик ва техник базаси вужудга келиши билан тавсифланади. Дунёда глобал умумжаҳон бозори вужудга келди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибида янги илмий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улуши ошиб борди. Техник жиҳозлар кўпгина моделларининг (радио-тележиҳозлар, ҳисоблаш машиналари, автомобиллар ва ҳ.к) ҳаёт даври қисқарди.

Иқтисодиётда инновацион фаолият фан-техника тараққиёт йўналишлари, ижодий ва амалий ишланмалар ҳамда тадқиқот натижаларини бевосита амалиётга жорий қилишга йўналтирилган жараён сифатида намоён бўлади. Модомики, «инновация» категориясининг моҳияти ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув ва технологик жиҳатдан анча кенг тушунчадир. Инновацион фаолият ва йўналишлар соҳаси кенг кўламли бўлиб, нафақат илмий-техникавий, технологик янгиликлар ва ишланмалардан амалиётда фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки ишлаб чиқарилган товар-маҳсулот, меҳнат жараёни, маркетинг, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқарув жараёнидаги ўзгаришларни ҳам қамраб олади.

Илмий адабиётларда «инновация» терминига кўплаб турлича таърифлар келтирилган ва кенг ёритилган ҳамда ушбу ҳодиса билан боғлиқ жараёнларнинг кўп хусусиятли туркумланиши таклиф этилган бўлса-да, лекин ушбу соҳанинг умумий атамашунослиги ва таснифланишида умумий ёндашув мавжуд эмас.

Мавжуд адабиётларда «инновация» категориясининг моҳияти илмий назарий жиҳатдан атрофлича талқин қилинган бўлиб, бу жараён билан боғлиқ турли хил тавсифдаги жараёнлар изоҳи келтирилган. Улар куйидагилардан иборат (1.1-жадвал).

«Инновация» категориясини аниқлаш терминлари тавсифи⁶

Муаллифлар	«Инновация» категориясининг аниқланиши
И.Шумпетер	Инновация – тадбиркорлик руҳи билан мотивациялашган ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши (янги комбинациялар). Мақсади – янги кўринишдаги товарларни жорий этиш ва фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг янги усул ва услублари, хом ашёнинг янги манбалари, янги бозорларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари.
Б.Санто	Инновация – ижтимоий-иқтисодий жараён. Бунда ғоялар ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятлари бўйича энг яхши маҳсулотлар, технологиялар яратишга олиб келади ва агарда инновация иқтисодий самара, фойдага йўналтирилган бўлса, унинг бозорда пайдо бўлиши кўшимча даромад олиб келиши мумкин.
К.Найт	Инновация – бу ташкилот ёки уни бевосита қамраб олган муҳитга муносабат бўйича у ёки бу янғисини жорий этишдир.
Х.Барнет	Инновацияга «ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа» тегишли, у мавжуд шаклдан ўзининг сифат кўрсаткичи бўйича фарқида янги ҳисобланади.
А.И.Пригожий	Янгиликлар бошқа объектларда туғилиш, ўзлаштириш, диффузия босқичларига технологиялар, техника, бошқарувнинг ривожланишига олиб келади.
Б.Твисс	Инновация – жараён бўлиб, ихтиролар ва янги ғоялар иқтисодий мазмунга эга бўлади.
П.Н.Завлин, А.К.Казанцев, Л.Э.Миндели	Инновация – фаолият жараёни ёки унинг натижаларини такомиллаштиришга йўналтирилган у ёки бу ижтимоий соҳада интеллектуал (илмий-техник) натижаларидан фойдаланиш.
Фраскати рахбарияти	Инновация – бу амалий фаолият ёхуд ижтимоий хизматларга янғича ёндашув асосида фойдаланиладиган янги ва такомиллашган технологик жараён ҳамда янги ва такомиллашган кўринишда бозорда реализация қилинадиган инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир.
Р.А.Фатхутдинов	Инновация – иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ва бошқа кўринишда самара олиш ва бошқариш объектини ўзгартириш мақсадида янгиликларни жорий этишнинг якуний натижасидир.
Ф.Ф.Бездудный, Г.А.Смирнова, О.Д.Нечаева	Инновация – бозорда мавжуд талабни қондириш имконини берувчи ва иқтисодий самара келтирадиган ҳар қандай ҳаёт соҳаси ва инсон фаолиятида янги ғояларни реализация қилиш жараёнидир.
С.В.Ильдеменов, А.С.Ильдеменов, А.П.Воробьев	Инновация – корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи янги ғояларни яратиш ва улардан фойдаланишни оммалаштиришнинг комплекс жараёни ривожланишидир.
А.И.Анышш, А.А.Дагаев	Инновация – янги илмий-техник (технологик), ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ёки бошқа қарорларни дастлаб амалий қўллашдир.
В.Г.Зинов	Инновация – янги истеъмол қиймат кўринишида ижодий жараёнлар натижасидир.
П.Н.Машегов	- инновация кенг маънода – мақсадга йўналтирилган натижа ҳисобланувчи қандайдир ижобий ўзгариш; - инновация нисбий шаклланиш даражасида тизим шаклланишининг ички ва ташқи самарадорлиги ошишини таъминловчи алоҳида тизим-ўзгаришидир; - инновация шахс даражасида – жамият талаб этадиган интеллектуал фаолият натижасидир.
Инновацион менежмент	Инновация (янгилик) янги илмий-техник (технологик), ташкилий-иқтисодий, амалий ва бошқа қарорларни дастлаб амалий жорий этиш сифатида таснифланади.

⁶ Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш // Дисс. иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Самарқанд: СамИСИ, 2018. 164-б.

«Инновация» тушунчасини иқтисодий категория сифатида дастлабки тадқиқотини амалга оширган иқтисодчи олим Йозеф Алоиз Шумпетер бўлиб, унинг ёндашувига кўра, «инновацион фаолият – бу маҳсулотни такомиллаштириш ёки янгисини тайёрлашга интилиш, янги технологияни жорий этиш ёки сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш, таъминотнинг янги шакллари ва янги манбаларини эгаллаш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришдир»⁷. Иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида инновация ўзгариш жараёни ва омилининг муайян функцияси бўлиб ҳисобланади. Й.Шумпетер ёндашувига кўра, инновация такомиллаштириш жараёни эмас, балки ишлаб чиқариш функциясининг сезиларли даражада алмаштирилиши ҳисобланиб, меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларининг ўзаро янгича бирикишидир. Айтиш лозимки, Й.Шумпетерни авваламбор, инновацияларни жорий этиш натижасида унинг хўжалик фаолиятига таъсири қизиқтирган ва бу ҳолат мавжуд тайёр маҳсулотга янгича функцияни киритиш деб ҳисобланган. Пировардида фойда ўртача кўрсаткичдан нисбатан юқори даражани ташкил этади дейилган. Й.Шумпетернинг фикрича, инновациялар қўлланилиши, энг аввало, мавжуд ишлаб чиқариш омилларининг ошишини эмас, балки мавжуд омиллардан самарали фойдаланишнинг янги шарт-шароитларига мослаштирилишини назарда тутлади.

Й.Шумпетер инновацион соҳанинг функционал вазифаларини куйидагича тавсифлайди: инновациялар эҳтимолли истеъмолчиларининг тижорий таҳлили; истиқболли ғоялар, мавжудлик манбаларини қидириш; янгилик яратиш ва жорий этишни ташкил қилиш; кўпайтириш; таъминлаб туриш ва йўқ қилиш.

Инновацион соҳага янгиликларни яратувчи ва уни амалга татбиқ қилувчи олимлар, ихтирочилар, конструкторлик бўлимлари, венчур ва илмий-техник ташкилотлар, ниҳоят, таълим тизими киради. Инновацияга хос

⁷ Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия [Текст] / Й.Шумпетер: пер. с англ.; предисл. В.С. Автономова. - М.: ЭКСМО, 2007. - 864 с.

фаолиятнинг мавҳумлик ва таваккалчилик даражаси юқори бўлганлиги туфайли унинг натижаларини башорат қилишга оид тадқиқотни бажариш мураккаб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, бир қатор ғарб иқтисодчи олимлари (П.Друкер, Р.Фостер, Б.Твисс, К. Кристенсен, М. Рейнор) ҳам «инновация» тушунчасини ёритиб беришда бир-бирини тўлдирувчи таърифлар келтиришган. Й.Шумпетер иқтисодий ўсиш динамикаси назариясининг асосчисидир. Мазкур йўналишнинг асосий тамойиллари Н.Кондратьев⁸ томонидан узун тўлқинлар назарияси доирасида ишлаб чиқилган.

Инновациялар назарияси Г.Меншнинг тадқиқотида ривожлантирилиб, у икки назарий жиҳатни ажратиб кўрсатди: технологик туртки инновацион ўзгаришларнинг асоси бўлиб ҳисобланади, депрессия эса инновацион фаолликнинг «пастваб кўтарилувчи» ролида юзага келади⁹. У инновацияни асосий учта кўринишга ажратиб, иқтисодий ўсишнинг даврлари ва суръатлари билан инновацион фаолиятнинг интенсивлиги ва табиат ўртасидаги узвийликни таъминлашни таклиф этади: «базис, юксалувчи ва сохта янгилик»¹⁰. Муаллиф инновацион фаолиятни фаоллаштиришнинг муҳим драйвери сифатида корхоналар молиявий ҳолати ёмонлашиши деб ҳисоблайди, инновациялар эса инвестициялар самарадорлигини ошириш ва у кўрсатган «технологик пат» иқтисодий ривожланишдаги турғунликни бардош билан енгил учун муҳим восита сифатида аниқлайди¹¹.

Ҳозирги вақтда инновациялар назариясида иккита муҳим ёндашув асосий ҳисобланади, яъни «технологик туртки» ва «талабга таъсир этиш». Улар амалдаги тажрибага асосланган омилларни ҳар хил турланишидан фойдаланган ҳолда изоҳлайдилар ҳамда бошқарувнинг амалий масалаларини

⁸ Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. – М.: Экономика, 1989.

⁹ Mensh G. Stalemate in technology: innovation overcome the depression. – Cambridge (Massachusetts, USA), 1979.

¹⁰ Менш Г. Базисные инновации и инновации совершенствования [Текст] / Г. Менш // Журнал экономики предприятия. – 1972. - № 42. - С. 291-297.

¹¹ Менш Г. Технологический пат: инновации преодолевают депрессию [Текст] / Г.Менш. – М.: Экономика, 2001. – 211 с.

ёритишда турли хил воситаларни таклиф этадилар. Мазкур қарашлар мазмунига кўра циклик тавсифга эга бўлади ёки ижтимоий-иқтисодий тизимнинг аста-секин трансформациялашувини ифодалайди.

Илмий-услубий билиш воситаси сифатида тадрижий ривожланиш таълимоти дастлаб XX асрнинг 60-70-йилларида шакллана бошлади¹² ва у неоклассик назариянинг кўплаб дастлабки тамойилларини рад этди¹³.

Жараёнли ёндашув доирасидаги тадқиқотлар Б.Сантонинг асарларида ёритилган бўлиб, унда «инновация» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. «Инновация – бу маҳсулотлар, технологияларнинг ўз хусусиятлари бўйича энг яхшиларини яратишга йўналтирилган ғоялар ва кашфиётлардан амалда фойдаланишдаги ижтимоий-иқтисодий жараёндир ва агарда инновация иқтисодий самара (фойда)га йўналтирилган бўлса, унинг бозорда пайдо бўлиши қўшимча даромад келтириши мумкин»¹⁴, шунингдек, инновацион фаолиятнинг мақсади нафақат фойда, балки ижтимоий фаровонлик бўлиши мумкин.

У.Е.Саудер ва А.С.Нашар инновацияни бозор талабидан келиб чиқиб, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар, амалиётда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнлар, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган янги хизматлар ва янги ёки ёндашувларда мужассамлашган фаолият натижаси сифатида таърифлайдилар¹⁵.

П.Друкернинг фикрича, «инновацион фаолият – бу янги бизнесни очиш ва янги хизматларни кўрсатиш учун тадбиркорни ўзгаришлардан фойдаланиш ва уларнинг янги имкониятларини оширишни назарда тутувчи муҳим воситасидир». У муваффақиятли фаолиятнинг асосий тамойили сифатида мавжуд имкониятлар таҳлили ва мулоҳаза қилишнинг муҳимлигига

¹² Нестеренко А.Н. Возможен ли синтез эволюционной экономики и «Мейнстрим» // Эволюционная экономика «Мейнстрим». М.: Наука, 2000, с. 55-61.

¹³ Нельсон Р., Уинтер С. Эволюционная теория экономических изменений. – М.: Дело, 2002.

¹⁴ Санто Б. Инновация как средство экономического развития: учебник [Текст] / Б.Санто: пер. с венгер. -М.: Прогресс, 2005. – 376 с.

¹⁵ Саудер У.Е., Нашар А.С. Руководство по наилучшим методам трансфера технологий // Управление инновациями. – М.: Дело-лтд, 1995.

диққат-эътиборни қарата туриб, «инновацион фаолиятнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва тизимлилиги» асосий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди¹⁶. П.Друкер таъкидлайдики, «инновация – бу кўпроқ технологик эмас, балки иқтисодий термин ва корхоналарнинг бутун таркибий қисмини, унинг барча фаолият кўринишлари ва функцияларини камраб олади»¹⁷. Унинг таъкидлашича, «...ҳар бир тадбиркор ўзининг ишлаб чиқариш объектида инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Шу билан бирга, ихтисослашган инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектлар эса умуман тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларига, илм-фан ва техника тараққиётида қўлга киритган янгиликлари билан ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш усуллари ташкил қилиш асосида уларга хизмат қилади»¹⁸.

Б.Твисс инновацион фаолият тушунчасига қуйидаги йўналишларни киритади – «янги (ёки такомиллашган) маҳсулотдан тижоратда фойдаланиш ёки янги (ёки такомиллашган) ишлаб чиқариш жараёни ёки жиҳозлардан дастлабки тижоратда фойдаланишга йўналтирилган техник, ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолиятидир»¹⁹. Корхоналарнинг бу фаолиятини доимий зарурлигини таъкидлаб, тадқиқотчи «ғоялар ёки кашфиётларнинг иқтисодий мазмунини ўзлаштириш» сифатида унинг мақсадларини аниқлайди.

К.Кристенсен ва М.Рейнорлар инновацион фаолиятга қуйидагича таъриф берадилар: «инновацион фаолият – бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг номенклатурасини янгилаш ва сифатини ошириш, уни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш учун илмий тадқиқот натижалари ва ишланмаларидан фойдаланишга йўналтирилган фаолиятдир»²⁰. Муаллифлар инновацияларни икки турга ажратадилар: «қўллаб-қувватловчи» ва «портлатувчи». «Қўллаб-қувватловчи» инновация-

¹⁶ Друкер П. Бизнес и инновации [Текст] / П. Друкер: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2007. - 350 с.

¹⁷ Друкер П. Энциклопедия менеджмента [Текст] / П. Друкер. - М.: Вильямс, 2004. - 432 с.

¹⁸ Друкер П. Бизнес и инновации [Текст] / П. Друкер: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2007. – 350 с.

¹⁹ Твисс Б. Управление нововведениями [Текст] / Б. Твисс. – М.: Экономика, 2009. – 272 с.

²⁰ Кристенсен К. / Решение проблемы инноваций в бизнесе. Как создать растущий бизнес и успешно поддерживать его рост [Текст] / Кристенсен К., Рейнор М. - М.: Альпина Паблишер, 2014. - 290 с.

лар жорий истеъмол тавсифи доирасидаги мавжуд маҳсулотларни такомиллаштириш, «портлатувчи» эса янги маҳсулотлар туридан юқори даражада фарқ қилмайдиган, арзон ва фойдаланишда оддий бўлиши асосида яратилган мавжуд маҳсулотлар, технологиялар, тармоқлар ва бозорларни эгаллашга йўналтирилган фаолиятлардир²¹.

Р.А.Фатхутдинов инновацион фаолиятни стратегик маркетинг, илмий тадқиқот ишланмаларини амалиётга жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик тайёрлаш, янгиликларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш, уларни жорий этиш (ёки инновацияларга айлантириш) ва бошқа соҳаларда оммалаштириш жараёни сифатида таърифлайди²². Муаллифнинг фикрича, «инновацион фаолият – авваламбор, муайян технологиялар, бажариладиган иш тартиблари бўйича амалга ошириладиган аниқ ҳаракатлар мазмуни ва таркибини ифодалайди»²³.

И.Л.Туккель А.В.Сурина ва Н.Б.Культин билан биргаликда инновацион фаолиятни «экспериментал ишланмалар, илмий (илмий-тадқиқот) ва илмий-техник, ихтирочилик фаолиятига йўналтирилган фаолият сифатида аниқлайдилар: айнан янги ёки янги истеъмол хусусиятига эга маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва бозорда реализация қилиш; янгиларини яратиш ёки жорий қилиш ёки уни ишлаб чиқариш, оммалаштириш ва фойдаланишнинг мавжуд услублари (технологиялари)ни модернизация қилиш; харажатларни тежаш ёки бозорда талаб этилган маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотиш ҳажмини ўсиши асосида маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулдор, жараёнли, маркетинг, ташкилий инновация (янгилик)ларни жорий этиш»²⁴. Муаллифлар «инновацион дастурлар ва

²¹ Кристенсен К. Дилемма инноватора [Текст] / К. Кристенсен: пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2012. – 239 с.

²² Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. 6-е изд., испр. и доп. [Текст] / Р.А. Фатхутдинов. - СПб.: 2011. - 448 с.

²³ Ўша ерда. 335-б.

²⁴ Туккель И.Л. Управление инновационными проектами: учебник [Текст] / И.Л. Туккель, А.В. Сурина, Н.Б. Культин, под ред. И.Л. Туккеля. – СПб.: БХВ-Петербург, 2011. - 416 с.

лойихалар, инновацион маҳсулотлар»ни инновацион фаолиятнинг объекти сифатида аниқлаб, инновацион фаолиятни маҳсулот, жараёнли, маркетинг ва ташкилий йўналишларга ажратадилар.

Л.Н.Оголева инновацион фаолиятни «янгиликларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, жорий этиш, диффузияланиш ва тижоратлаштиришнинг мақсадга йўналтирилган тизими сифатида бу жараёни тизимлилик, комплекслилик, кўп вариантлилик ва муқобиллик» деб, талқин этади²⁵. Муаллиф инновацион фаолиятни «илмий ғояларни туғилишидан унинг тижоратлашишигача» бўлган инновацион фаолият чегараларини аниқлайди.

Ф.Ф.Бездудный Г.А.Смирнова ва О.Д.Нечайвалар билан ҳамкорликда инновация фақат эҳтимолий салбий оқибатлардан ташқари ижобий натижага эга бўлган, аксинча, у ўз мазмунини йўқотишини таъкидлаб, «инновация» ва «инновацион фаолият» тушунчаларини бозорда мавжуд талабни қондиришга қодир бўлган ва иқтисодий самара келтирадиган инсон ҳаёт фаолиятининг ҳар қандай соҳасидаги янги ғояларни жорий қилиш жараёни билан боғлайдилар²⁶.

Н.М.Цыцарова инновацион фаолиятни «инновацион ғояларни қидириш ва танлаш, уларга янгиликларнинг асосини ишлаб чиқиш, инновацияларни жорий этиш ва кўпайтиришни ўз ичига олувчи ишлар мажмуи» сифатида талқин этади. Муаллифнинг фикрича, «янгиликларни киритиш жараёни фаолиятнинг турли соҳаларини қамраб олади: яъни, илмий-техник, молиявий, ахборот, маркетинг ва унинг реализация қилинишида ташкилотлар ўртасида турли хил ўзаро муносабатга киришувчилар иштирок этади: илмий-тадқиқот институтлари, молиявий ва консалтинг ташкилотлари, венчур фирмалари, суғурта компаниялари»²⁷.

²⁵ Оголева Л.Н. Инновационный менеджмент: учеб. пособие [Текст] / Л.Н. Оголева - М.: Инфра-М, 2010. - 238 с.

²⁶ Бездудный Ф.Ф. Сущность понятия инновация и его классификация [Текст] / Ф.Ф. Бездудный, Г.А. Смирнова, О.Д. Нечаева // Инновации. - 1998. - № 2-3. - С. 3-13.

²⁷ Цыцарова Н.М. / Инновационный менеджмент: учебное пособие [Текст] / сост. Н.М.Цыцарова. - Ульяновск: УлГТУ, 2009. - 195 с.

И.Т.Балабанов инновацион фаолиятни «якуний илмий-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш ёхуд бозорда реализация қилинувчи янги ёки такомиллашган маҳсулотлардаги бошқа илмий-тадқиқот ютуқлари, амалий фаолиятда фойдаланиладиган такомиллашган технологик жараён ҳамда қўшимча илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг бу билан боғлиқлигига йўналтирилган жараён» сифатида изоҳлайди²⁸.

«Инновация» категориясининг ижтимоий соҳада оммалашishi унинг қўлланиш доирасини кенгайтди. П.Н.Завлиннинг²⁹ тадқиқотларида ва А.Е.Когут³⁰ таҳрири остида чоп этилган тўпламда «инновация» тушунчасини қўлланилиши инсон фаолиятининг исталган соҳасидаги янгиликни ифодалаш учун, яъни объектнинг мавжуд ҳолатидан фарқ қилишига олиб келувчи исталган ўзгаришга инновация деб қараш мумкинлиги таъкидланади. Иқтисодий адабиётларда мазкур қарашдан И.Б.Гурковнинг асарида келтирилган: «Инновация – ғоя (фикр) ёки амаллар тарзининг (тизим, дастур, қурилма, жараён, маҳсулот ёки хизмат) қабул қилиниши бўлиб, қўллашга қабул қилаётган ташкилот учун улар янгилик ҳисобланади»³¹. Мазкур ёндашувга кўра инновация деб, корхона, ташкилот даражасида турли хил фаолият соҳасидаги исталган ўзгариш тушунилади. Бизнинг фикримизча, «инновация» тушунчасининг бундай ёндашувини етарлича чегараланган деб айтиш мумкин. Шундай экан, «инновация» атамасини ёритиб бериш ва баҳолаш бўйича ягона услубий ёндашув ва тамойилларнинг мавжуд эмаслигини таъкидлаш мумкин.

В.И.Гуниннинг ишида инновацион фаолият ўз ичига инновацион жараён сифатида акс этувчи техник, технологик ва ташкилий-иқтисодий

²⁸ Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. [Текст] / И.Т. Балабанов. – СПб.: Питер, 2001. – 304 с.

²⁹ Завлин Г.Ш. Инновации в рыночной экономике // Гуманитарные науки. 1997, №3. с. 4-5.

³⁰ Преобразование научно-инновационной сферы в регионе: понятийный аппарат / РАН. Институт социально-экономических проблем, Сер. Теория и практика управлений научно-инновационной сферой в регионе / Под. ред. А.Е.Когута. – СПб., 1995, с. 6-8.

³¹ Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность. Очерки развития российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003. с. 8.

янгиликларни ишлаб чиқиш ва амалда ўзлаштиришни олиши таъкидланган³². Инновацион жараёнлардан ташқари у инновацион фаолиятга «маркетинг тадқиқотлари, ташкилий, ахборот, консалтинг, ижтимоий ва бошқа хизмат турлари»ни ҳам киритади.

И.Я.Лужинский ва М.П.Переверзев «инновацион фаолият»ни «илмий-техник ва инвестицион фаолиятни бир-бирига қўшиб, интеграциялашган тушунча сифатида» таърифлайди³³. Бунда муаллиф «инновацион фаолият» тушунчасини қараб чиқишда янги технологиялар ва товарларни яратиш ва фойдаланишнинг барча даврини қамраб олишини таъкидлаб ўтади.

«Инновацион фаолият»нинг муфассалроқ таърифи республикамиз ва халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида келтирилган.

Ҳозирги вақтда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти томонидан фан, технологиялар ва инновацияларга тегишли маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш вазифаларини ечиш мақсадида раҳбарият томонидан «инновация» тушунчасининг моҳияти ишлаб чиқилган. Унга кўра, инновация – бу бозорда жорий этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот кўринишида олинган, амалий фаолиятда фойдаланилаётган янги ёки такомиллашган технологик жараён ёхуд ижтимоий хизматларга янгича ёндашув бўйича инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир³⁴.

Ўзбекистонлик олимлардан Х.М.Абдусаттарованинг фикрича, «янгилик киритиш – бу бирон-бир фаолият соҳасида унинг самарадорлигини ошириш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг расмийлаштирилган натижасидир»³⁵.

Ф.Б.Шакированинг тадқиқот ишида «Инновация – инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизида яратилган, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган, айти вақтда, иқтисодий-ижтимоий самара келтираётган

³² Управление инновациями: 17-модульная программа для менеджеров. Управление развитием организации. Модуль 7 [Текст] / Гунин В. И. [и др.]. – Москва: ИНФРА-М, 1999. – 328 с.

³³ Лужинский, И. Я. / Инновационный менеджмент в малом бизнесе / И.Я.Лужинский, М. П. Переверзев, под ред. М.П. Переверзева. – Тула: Изд-во ТГПУ им. Л.Н.Толстого,1998. - 172 с.

³⁴ Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development.Frascati Manual [Text]. Sixth edition. – OECD, 2002.

³⁵ Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. Ўқув қўлланма - Т.: ТДИУ, 2011. 10-бет.

интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар ва янгича ёндашувлар мажмуасидир»³⁶, деган муаллифлик таърифи шакллантирилган. Агар инновацион ғоя яратилсада, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмаса, ўзининг иқтисодий нафлилигини исботламаса, инновация ҳисобланмайди. Яратилган инновациялар тижоратлаштирилиб, амалиётга тадбиқ этилиб, иқтисодий-ижтимоий самара бергандагина уларни инновациялар деб, ҳисоблаш мумкин. Ушбу таъриф мазмунига кўра, инновациялар ғоялар, ишланма, кашфиётлардан иборат бўлмай, балки инновациялар таркибига умумтараққиётга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва мулк объектларини самарали амалга оширишга оид ташкилий-бошқарув тавсифидаги мутлақо янгича инновацион ёндашув ва тамойилларни ўзида мужассам этади.

А.Ж.Қаххоровнинг ёндашувига кўра, маркетингни иқтисодий фаолияти сифатида олиб қаралганда унда қўлланилувчи янги восита ва усуллар ҳам инновацион фаолият ҳисобланади. Шунга кўра, муаллифнинг фикрича, «Инновацион маркетинг – янги ғояларни излаш, маҳсулотларни яратиш ва амалдаги маҳсулотни такомиллаштириб бориш ҳамда инновацион технологиялар ёрдамида тижоратлаштиришга йўналтирилган фаолият»³⁷, деб таъриф берилган.

Г.Б.Шаназарованинг ёндашувига кўра, инновацион салоҳиятни иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида илмий-техник салоҳият тушунчаси билан узвий алоқадор категория эканлигини эътироф этади. Унинг фикрича, «инновацион салоҳият – хўжалик юритувчи субъектнинг мансублиги, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий мақоми, ўлчамидан қатъий назар ихтиёрий хўжалик юритувчи субъектнинг янги ишланмаларни ишлаб чиқиш, кашфиёт, ихтироларни, фойдали моделларни

³⁶ Шакирова Ф.Б. «Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Т.: 2018 й. 13-14-бетлар.

³⁷ Қаххоров А.Ж. «Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Т.: 2018 й. 11-бет.

яратиш фаолиятида самарали кўллаш бўйича мавжуд интеллектуал, молиявий, кадр, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслари ҳамда имкониятлари йиғиндисидир»³⁸.

И.И.Эргашевнинг ёндашувига кўра, «инновация – бу муайян иқтисодий, ижтимоий, бошқарув ва бошқа турдаги самараларни келтирадиган, амалий фаолиятга жорий қилинган, маҳсулотни янгича ҳаётий даврини амалга оширувчи жараён сифатида бозорда реализация қилинадиган, янги иқтисодий маҳсулотда мужассамлашган билимлар ўзгаришининг натижаси ҳисобланади»³⁹.

Д.А.Рахмонов янги ғояларни инновациялар сифатида қабул қилиш учун инновациянинг ўлчов мезонини аниқлаш ва уни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Бу албатта инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш учун иқтисодий баҳолашга шарт-шароит яратади⁴⁰.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда «инновация» категориясининг моҳиятини ёритишда, биз, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратдик:

– инновация тушунчаси янги маҳсулотлар ёки хизматлар, уларни ишлаб чиқариш услублари, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа доиралардаги янгиликларни жорий қилиш, сарф-харажатларни тежаш имкониятини яратишни ўзида ифодалайди;

– турли кўринишдаги инновациялар учун умумий (базисли, амалиётга тадбиқ этилувчи, маҳсулотни диверсификациялаш, янги турдаги маҳсулотлар ва хизматлар) бўлган ишлаб чиқарувчи учун даромад келтириш ва истеъмолчиларга янги маҳсулотдан муваффақиятли фойдаланиш босқичини ўзида намоён этади. Мазкур босқичсиз инновация мавжуд эмас. Бу инновация тушунчасининг асосий мазмунидир.

³⁸ Шаназарова Г.Б. «Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) диссертацияси Автореферати. – Т.: 2018 й. 11-бет.

³⁹ Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш // Дисс. иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Самарқанд: СамИСИ, 2018. 25-б.

⁴⁰ Рахмонов Д.А. «Инновация: моҳияти ва уни молиялаштириш асослари» // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил.

Ушбу хусусиятлар инновациянинг бевосита хоссалари бўлиб, уларнинг янгилиги, уларни янги ишлаб чиқаришда қўллай олиниши, иқтисодий самара бериши ва унинг албатта, истеъмолчилар талабига жавоб бера олишидир.

Бизнинг фикримизча, инновация тушунчасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни қуйидагича талқин этамиз: «инновация – бу янги маҳсулотлар ёки хизматлар, уларни ишлаб чиқариш услублари, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа доиралардаги янгиликларни жорий қилиш, сарф-харажатларни тежаш имкониятини яратиш, маҳсулотни янги ҳаётий даврини амалга оширувчи жараён сифатида бозорда реализация қилиш, ишлаб чиқарувчи учун даромад келтириш ва истеъмолчиларга янги маҳсулотдан муваффақиятли фойдаланиш босқичини намоён этувчи фаолият натижасидир».

Ҳозирги вақтда инновацион фаолият замонавий саноат тармоқларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун биринчи навбатда инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар пайдо бўлади.

Саноатнинг фан сифими юқори бўлган тармоқларида инновацион фаолиятни ривожлантириш асослари МДХ ва хорижлик олимлардан: Г.Вульфен, И.Л.Туккель, С.Каплан, Н.П.Масленникова, Б.З.Мильнер, В.М.Мишин, И.Нонака, Г.Писано, А.А.Стрехи, Р.Фостер, Г.Чесбро, А.А.Чурсина кабиларнинг асарларида тадқиқ этилган. Улардан баъзиларнинг ёндашувларини қараб чиқамиз.

Г.Вульфен ўз асарида FORTH (қисқартма сўз бўлиб, Full Steam Ahead («Олга!)), Observe & Learn («Кузатиш ва хулосалар»), Raise Ideas («Ғояларни ишлаб чиқиш»), Test Ideas («Ғояларни синовдан ўтказиш») и Homcoming («Уйга қайтиш»)) усулини ишлаб чиқди⁴¹. Бу усул инновацион жараённинг ҳар бир босқичи учун аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини назарда тутуди ҳамда муаллифнинг фикрига кўра, янги маҳсулотлар ва хизматларни самарали

⁴¹ Вульфен Г. Запускаем инновации. Иллюстрированный путеводитель по методике FORTH [Текст] / Г. Вульфен: пер. с англ. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. - 256 с.

яратиш учун зарурий воситаларни ўз ичига олади. Ушбу муаллифнинг иши кўпроқ психологик йўналиш бўлиб, аниқ механизмларни яратишга нисбатан инноваторларнинг шахсий ўсишига йўналтирилган.

Г.Писано компанияларда инновацион стратегиялар ва бошқа фаолият ўртасида келишмовчилик сифатида инновацион фаолиятни бошқаришнинг асосий муаммолари, уларни молиялаштириш учун инновацион лойихалар ўртасида устуворликларни аниқлашнинг мураккаблиklarини аниқлайди. У кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш имконияти сифатида қуйидаги функционал воситаларни ишлаб чиқишни таклиф этади: «молиявий ресурсларни тақсимлашнинг ташкилий таркиби ва бажарилиш тартиби, жараёнлар, инновацион стратегиялар ўртасида мувофиқлик ва ўзаро алоқадорликни таъминлаш; барқарор рақобат устунлигини таъминлашга йўналтирилган компанияларнинг аниқ мақсадларининг шаклланиши; баҳони шакллантириш бўйича режаларни ишлаб чиқиш; турли кўринишдаги инновацияларни танлаш ва реализация қилишнинг параллел бажарилиш тартибини жорий қилиш; турли хил инновацион стратегиялар ўртасида балансни топиш»⁴².

Р.Фостер ва С.Капланларнинг фикрича, инновацион фаолиятнинг асосий муаммоси бўлиб, «инновацияларни олишнинг муқобил йўллари ҳисоби ва стратегик режалаштиришга ёндашув ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ҳал этишни таклиф этиб, ташқи муҳит шарт-шароитига боғлиқлиги» ҳисобланади⁴³.

Юқорида келтирилган фикрларни жамлаб айтиш мумкинки, инновацион фаолият – инновацион ғоя ва ишланмаларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг қўлланилиши ва амалга оширилишини таъминловчи фаолият.

⁴² Pisano G.P. You need an innovation strategy [Text] // Harvard business rev. – Boston, 2015. – Vol. 93, N 6. – P. 44-54.

⁴³ Фостер Р./Созидательное разрушение: Почему компании, «построенные навечно», показывают не лучшие результаты и что надо сделать, чтобы поднять их эффективность [Текст] / Фостер Р., Каплан. – М.: «Альпина Бизнес Букс» 2005 г. – 378 с.

В.П.Баранчеев, Н.П.Масленникова, В.М.Мишинларнинг нуқтаи назарига кўра, инновацион фаолиятни бошқаришнинг хусусиятлари «битта жойга тўпланган юқори малакали мутахассисларнинг олдинги билимига асосланган ҳолда юзага келадиган инновациялар ва инновацион маҳсулотларни ҳаётийлик даври бошқариш объекти бўлиб ҳисобланади»⁴⁴.

Кўпчилик таниқли олимлар инновацион фаолиятни амалга ошириш учун энг қулай бўлган инновацияларни пайдо бўлиш табиати ва корхоналарни ташкил этиш шакллари эритишга ҳаракат қилганлар. Ҳозирги вақтда инновацион жараёнларни тавсифловчи моделлар оммалашгани қуйидагиларда намоён бўлади:

– «технологик туртки» модели. Ушбу модел узок давр мобайнида классик ҳисобланиб, уни М.И.Туган-Барановский, Й.Шумпетер, Г.Менш каби олимлар ўзларининг тадқиқотларида ривожлантирдилар. Мазкур моделда инновациялар манбаи ролига фан ва техниканинг юқори даражадаги ютуқлари сифатида қаралади. «Технологик туртки» модели босқичларнинг чизиқли ва даврий кетма-кетлиги шаклида намоён бўлади. Бу модел асосида илмий тадқиқот ишланмаларига боғлиқ чизиқли-кетма-кет жараёнлар олинган;

– «талабни чақириш» модели (market pull). Бу модел тарафдорлари бўлиб, К.Фримен ва Д.Роман ҳисобланади. Ушбу модел доирасида муваффақиятли янгиликлар тижорати истеъмолчилар талабига фан сиғими юқори саноат тармоқларининг замонавий ва мос таъсири натижасида намоён бўлади. Инновацион жараёнлар асоси сифатида илмий тадқиқот конструкторлик ишланмалари йўналишини аниқлайдиган бозор талабини қараб чиқиш ҳисобланади. Инновацион жараёнлар таркиби босқичларининг кетма-кетлиги чизиқли ҳисобланади;

– инновацион фаолиятни бириктириш модели (coupling). Унинг асосида Р.Ротуэлла, Д.Мовери ва бошқаларнинг ишлари ётади. Ушбу модел

⁴⁴ Мишин В.М. Управление инновациями: учебник [Текст] / В.М.Мишин, Н.П.Масленникова, В.П.Баранчеев. – М.: Юрайт, 2014. – 720 с.

қўйидаги тавсифдаги мавжуд босқичларни ўзига бириктиради: кетма-кетлик, ўзаро муносабатлар, функционал алоҳидалик янгиликлар яратиш жараёнини чизикли эмаслигини кўрсатади. Моделнинг асосида инновацион фаолиятнинг ресурслар сиғими юқори бўлган босқичлари сифатида ишланмалар ва конструкциялар жараёнлари доирасида қурилади;

– инновацион жараёнларнинг интеграллашган модели. Ушбу моделнинг асосчиси бўлиб, М.Аоки ⁴⁵ ҳисобланади. У турли хил йўналишларда ишловчи бир гуруҳ мутахассисларнинг ғоялари яхлитлигига асосланади. Қулай ёндашув жараёни тезлаштиришга асосланади. Шундай экан, янги товарнинг бозорга кириши илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш, маркетинг, молия ва компанияларнинг бошқа бўлимларининг узвий ҳамкорлигида энг самарали ҳисобланди. Ушбу жараёни назорат қилиш учун тармоқлараро ишчи гуруҳ бўлиши зарур;

– стратегик тармоқлар моделида инновацион жараёнлар. Ушбу йўналиш намоёндалари бўлиб, Р.Купер ⁴⁶, К.Оппенлендер ⁴⁷ ҳисобланади. Олдинги моделлардан фарқи нафақат функционал, балки институционал ёки тармоқ тавсифига эга. Модел якуний мақсади инновация ҳисобланган ташқи агентликлар (таъминотчи, истеъмолчи, рақобатчилар) билан ўзаро таъсири қараб чиқилади.

Фан сиғими юқори тармоқларнинг шаклланиш хусусиятлари таҳлиliga кўплаб асарлар бағишланган, бироқ ушбу ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда фан сиғими юқори тармоқларни идентификациялаш (айнан ўхшатиш)ни назарда тутувчи ягона методология мавжуд эмас. Бунда фан сиғими юқори тармоқларга тегишли мезонларни асосий йўналишларини аниқлаш мумкин.

⁴⁵ Аоки М. Фирма в японской экономике. Информация, стимулирование и заключение сделок в японской экономике [Текст] / М. Аоки: пер. с англ. - СПб., 1995. - С. 314-315.

⁴⁶ Cooper R.G. Maximizing Productivity in Product Innovation [Text] / R.G.Cooper, S.J.Edgett // Research Technology Management. - 2008. - March-April. - P. 47-58.

⁴⁷ Оппенлендер К. Технический прогресс: воздействие, оценки, результаты [Текст] / К. Оппенлендер: пер. с англ. - М.: Экономика, 1981. - 176 с.

Шундай йўналишлардан бири илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларига харажатлар нисбати ва мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича фан сиғими юқори тармоқлар билан боғлиқликда алоқадордир. Шундай экан, А.Е.Варшавскийнинг фикрича, фан сиғими юқори тармоқларга тегишли ҳисобланди, агарда «тармоқ фаолиятининг натижавий кўрсаткичига илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларига харажатлар нисбати сифатида ҳисобланган фан сиғимини ифодаловчи кўрсаткич умумий даражада саноат учун ўзига хосликни ёки ўртачани оширади»⁴⁸. Фан сиғими юқори тармоқларга тегишлилик мезонини шаклланишида И.Э.Фролов ушбу тармоқларга «мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларига харажатлар нисбати ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноатида ўртача жаҳон кўрсаткичини 1,2-1,5 мартага оширади ва 3,5-4,5 %ни ташкил этади»⁴⁹.

Фан сиғими юқори тармоқлар таснифининг яна бир йўналиши бўлиб, корхоналарда кадрлар тавсифини баҳолаш ҳисобланади. Шунга кўра, В.Л.Макаров, А.Е.Варшавский ва Л.А.Федороваларнинг фикрича, фан сиғими юқори тармоқлар қуйидаги муносабатлар асосида аниқланади: «тармоқ персоналининг саноат ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи илмий фаолиятда банд бўлганлар сони; илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларига йўналтирилган саноат ишлаб чиқариш персоналига, тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш фондларига харажатлар»⁵⁰.

Ҳозирги вақтда юқори технологияларга қуйидаги иқтисодий фаолият кўринишлари тегишли: электрон ва радио электрон саноат, офис жиҳозлари ишлаб чиқариш ва ҳисоблаш техникаси, ҳисоблаш ва назорат воситалари, фармацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт буюмлари, ўчиш аппаратлари.

⁴⁸ Варшавский А.Е.Наукоемкие отрасли и высокие технологии: определение, показатели, техническая политика, удельный вес в структуре экономики России [Текст] / А.Е.Варшавский // Экономическая наука современной России. - 2000. - №2. - С.60-69.

⁴⁹ Фролов И.Э.Потенциал развития наукоемкого, высокотехнологичного сектора российской промышленности [Текст] / И.Э.Фролов // Проблемы прогнозирования. - 2004. - №1.

⁵⁰ Варшавский А.Е.Наукоемкие отрасли и высокие технологии: определение, показатели, техническая политика, удельный вес в структуре экономики России [Текст] / А.Е.Варшавский // Экономическая наука современной России. - 2000. - №2. - С. 146.

Билимларга асосланган янги иқтисодиёт шаклланишига юқори даражада таъсир кўрсатувчи ва хизматларни ишлаб чиқарувчи фан сиғими юқори иқтисодий фаолият кўринишларига қуйидагилар киради: таълим, соғлиқни сақлаш, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар.

1.2. Саноат ишлаб чиқариш тизимида инновация таснифи ва инновацион жараёнлар хусусиятлари

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва «ақлли» технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим. Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади.

Биз томонимиздан 1.1-параграфда кўриб чиқилган инновация тушунчаси тадқиқотининг кейинги босқичида унинг таснифи тўғрисида масалага ўтишни назарда тутлади.

Бизнинг фикримизча, инновацияларнинг икки асосий нуқтаи назардан иборат бўлган таснифи қуйидагилардан иборат:

1. Аниқлаш белгисига кўра, истеъмол қилувчи субъект тавсифини тақлиф этамиз. Агар инновациялар корхоналарда (ташкilotлар, давлат ташкilotлари, фирмалар ва б.) фойдаланилса, у холда улар технологик инновациялар ҳисобланади. Агар истеъмол қилувчи субъект алоҳида индивид бўлса, у холда мақсадга мувофиқ равишда истеъмол инновациялари тўғрисида гапириш мумкин. Бундай таснифлашнинг шартли эканлиги кўп миқдордаги янгиликлар билан ифодаланади ва уларни бир вақтнинг ўзида ҳам технологик, ҳам истеъмол инновацияларига киритиш мумкин. Аммо шунга қарамадан, бундай тасниф инновацияларнинг оммалашшига кўра, фойдали бўлиши мумкин.

Америкалик мутахассисларнинг фикрига кўра, технологик инновацияларнинг оммалашшига талаб шарт-шароитлари алоҳида таъсир кўрсатади, истеъмол инновацияларининг оммалашшига эса тақлиф шароит-шароитлари таъсир кўрсатади⁵¹.

2. Инновациялар техник ва ташкилий турларга бўлинади. Кейингиларига ижтимоий таркиб тизимининг ўзгаришини киритиш мумкин. Одатда техник инновациялар асосида янги маҳсулот, янги технология ёки янги хизматлар назарда тутилади. Баъзида муваффақиятли инновациялар бир вақтнинг ўзида маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлардаги ўзгаришлар самарасининг суммасига асосланади. Бироқ кўпчилик компаниялар ташкилий жиҳатларга эга бўлган ҳамда унга сарфланган маблағларни тезда оқлайдиган инновациялар кўринишида реализация қилинади. Масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасидаги инновациялар маркетинг ва

⁵¹ Industrial Innovation. P. 83-88, 219.

сотишнинг янги усуллари ҳам ўз ичига олади. Ривожланган мамлакатларда молиявий инновацияларнинг аҳамияти мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Бозор сегменти, чегаралари ва рақобат базаси ўзгариши натижасида стратегик ва таркибий тавсифдаги инновацияларнинг аҳамияти ошмоқда. Техник инновациялар нафақат асосий кўринишлари (янги маҳсулот, янги жараён, янги хизмат) бўйича таснифланиши, балки уларнинг фан сиғими ёки капитал сарфлар ва уларни коплаш муддатларига қараб ҳам гуруҳларга ажратилиши мумкин. Кўпчилик йирик компаниялар инновацияларнинг турли кўринишларини реализация қиладилар.

Бизнинг фикримизча, инновация кўринишлари ҳамда уларни жорий этиш босқичлари ва натижаларини реализация қилиш доирасида кўрсатилган фаолият кўринишлари билан инновацияларни амалга оширишнинг муҳим тавсифи ишлаб чиқилди. Инновацион жараёнлар турли босқичлар (илмий, техник, технологик, эксплуатацион)да амалга оширилиши мумкин. Барча кўринишдаги инновациялар (фундаментал тадқиқотлар босқичидан ташқари) ихтиро сифатида тижорат мақсадида фойдаланилади.

Бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур жараёнларни ташкил этувчи инновация тури устун ҳисобланади. Инновацияларни таҳлил қилишнинг муҳим босқичи бўлиб, бир қатор асосий белгилари бўйича таснифи ҳисобланади. Муаллиф томонидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида инновацияларнинг хусусиятларини тавсифловчи ва турли хилдаги инновацияларнинг хусусиятлари ва фарқли жиҳатларини ифодаловчи муайян белгилари бўйича алоҳида таснифи ишлаб чиқилди (1.2-жадвал).

Инновация турлари таснифи⁵²

№	Таснифлаш белгилари	Инновация турлари
1	Муҳимлигига кўра	Базисли, янгиланган, сохта инновациялар
2	Йўналишларига кўра	Ўрнини тўлдирувчи, рационал, кенгаювчи
3	Ҳаётийлик даврининг тармоқ тузилишига кўра	Истеъмол қилиш соҳаси, тадбиқ қилиш соҳаси, вужудга келиш соҳаси
4	Ўзгаришлар даражасига кўра	Бирламчи услубларни ўзгартириш (нолинчи тартиб), микдорни ўзгатириш (бирламчи тартиб), қайта гуруҳлаш (иккинчи тартиб), мослашиш ўзгаришлари (учинчи тартиб), янги вариант (тўртинчи тартиб), янги авлод (бешинчи тартиб), янги кўриниш (олтинчи тартиб), янги маҳсулот (еттинчи тартиб).
5	Инновацияларни ишлаб чиқишга муносабат бўйича	Корхона томонидан ишлаб чиқилган инновациялар, ташқи кучлар ёрдамида ишлаб чиқилган инновациялар.
6	Оммалаштириш кўламига кўра	Янги тармоқни яратиш учун, барча тармоқларда жорий қилиш учун.
7	Ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига кўра	Асосий (маҳсулдор ва технологик), қўшимча (маҳсулот ва технологик).
8	Эҳтиёжни кондириш тавсифига кўра	Янги эҳтиёжлар, мавжуд эҳтиёжлар.
9	Янгилик даражасига кўра	Илмий жиҳатдан яратилган янгилик, олдин мавжуд бўлганларига янги услубларни қўллаш асосида.
10	Бозорга чиқиш вақтига қараб	Етакчи лидер инновациялар, кейинчалик бўладиган инновациялар.
11	Вужудга келиш сабабларига кўра	Реактив, стратегик
12	Қўллаш предмети ва доирасига кўра	Озиқ-овқатлар, янги маҳсулотлар, янги материаллар, бозорлар, қўллашнинг янги соҳалари, янги бозорлар, жараёнлар, ишлаб чиқариш, бошқариш ва маъмурият, илмий-техник, ижтимоий-маданий.

Биз томонимиздан, инновациялар асосий 12 та таснифий белгиларга ажратилди. Уларнинг алоҳида белгиларига таснифи турли хил олимлар томонидан аниқланган ва тадқиқ этилган. Аналитик ва тизимли таҳлил йўли билан муаллиф томонидан 39 турдаги инновациялар аниқланди. Модомики, баъзи турдаги инновациялар кўпинча бир-бирини тўлдиради, алоҳида турдаги инновациялар эса баъзида бир-бирини такрорлайди. Шунга қарамасдан, яхлит ҳолда қараб чиқилган белгилар жами инновацияларни тизимли тавсифини аниқлашни назарда тутди.

⁵² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инновациялар таснифининг асосий белгиларини қараб чиқиб, инновациялар тизимининг элементлари ва унинг таркибини тадқиқ этамиз. Шундай қилиб, технологик инновациялар иқтисодий самарасига кўра, Г.Меншнинг белгиланган чизмасига мувофиқ таснифланади⁵³. Ушбу ёндашув доирасида у базисли, янгиланган, сохта инновацияларга ажратади. Базисли инновациялар (дастлабки) – бу янги бозорларни ташкил топиши ва янги саноат тармоқларини пайдо бўлиши учун асос яратадиган инновациялардир. Янгиланган инновациялар – бу янги товарлар ва технологияларни меъёрига етказиш жараёнида пайдо бўлувчи, уларнинг уларни бозор талабига максимал даражада мослаштирувчи инновациялардир. Сохта инновациялар – бу техник тараққиётга қараганда такомиллашиш, модификациялашиш билан бирлашувчи кўриниши ўзгарган ҳолда реализация қилинадиган инновациялардир.

Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш йўналишлари бўйича ўрнини тўлдирувчи, рационал ва кенгайиб борувчи инновацияларга бўлинади⁵⁴. Кенгайиб борувчи инновациялар базис инновациясига эга бўлган барча соҳаларга ва бозорга чуқур ўрнашиб олиш мақсадига мўлжалланган инновациялардир (масалан, оммавий тарзда шахсий компьютерлардан фойдаланишга ўтиш). Рационал мазмунига кўра ташқи кўриниши ўзгартирилган маҳсулотларга яқин туради. Ўрнини босувчи инновациялар шу функцияларни бажаришга асосланган бир маҳсулотнинг (олдингисини) ўрнини иккинчи маҳсулот (янгиси) эгаллашидир.

Ҳаётийлик даврининг тармоқ тузилишига кўра инновациялар истеъмол қилиш соҳаси, тадбиқ қилиш соҳаси, вужудга келиш соҳаси жараёнига қараб бўлинади.

Ўзгаришлар даражасига кўра инновациялар таснифи кўп ҳолларда юқорида кўриб чиқилган сабабларни ўз ичига олади. Аммо шунга қарамайдан, у кўриб чиқилаётган тармоқда мавжуд, чунки у кетма-кет паст даражадаги

⁵³ Mench G. Stalemate in technology. Cambridge (Mass). 1979.


⁵⁴ Длинные волны: научно-технический прогресс и социальное развитие / Глазьев С.Ю., Микерин Г.И., Тесля П.Н. и др. / - Новосибирск: Наука, 1991. – 224 с.

инновациялардан юқори инновацияларга ўтиш жараёнини кузатишга имкон беради ва ривожланиши бўйича бошқа белгиларга кўра таснифланади.

Нол тартибдаги инновациялар – тармоқнинг бирламчи хоссаларини қайта тиклаш бўлиб, унинг мавжуд функцияларини сақлаб қолиш ва янгилашдир. Биринчи тартибдаги инновациялар – тармоқнинг микдор хоссаларини ўзгартириш ҳисобланади. Иккинчи тартибдаги инновация – тармоқ фаолиятини яхшилаш мақсадида тармоқ таркибий қисмини қайтадан гуруҳлашни ўз ичига олади. Учинчи тартибдаги инновациялар – бир-бирига мослаштириш мақсадида ишлаб чиқариш тармоғи элементларини ўзгартириш жараёнидир. Тўртинчи тартибдаги инновациялар – янги вариант бўлиб, оддий мослашиш доирасидан ташқари чиқувчи сифат ўзгаришларидир, бунда тармоқнинг бирламчи белгилари ўзгармайди – уларнинг баъзи фойдали хоссалари ўзгариши мумкин. Бешинчи тартибдаги инновациялар – янги авлод бўлиб, тармоқнинг барча ёки кўп хоссалари ўзгаришини билдиради. Бунда асосий таркибий концепция ўзгармайди. Олтинчи тартибдаги инновациялар – янги кўриниш бўлиб, тизимни дастлабки хусусиятларининг сифат ўзгаришидир, унинг концепцияси функционал тамойилларнинг ўзгармаслигидир. Еттинчи тартибдаги инновациялар – янги тур бўлиб, тизимнинг функционал хоссаларини юқори ўзгаришларини ўз ичига олади.

Инновациялар манбаига кўра, истеъмолчилар учун уларни ички ва ташқига бўлиш мумкин. Инновацияларнинг кўпчилиги ташқига киритилади, чунки ривожланган ихтисослашган ишлаб чиқариш шароитида истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун янгиликлар ташқи манбалардан олинади.

Баъзи ҳолларда муваффақиятли инновациялар маҳсулотлар ва технологиялар ўзгаришидаги самарага асосланади (1.1-расм). Бунда маҳсулот инновациялари билан боғлиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) технологик жараёнлар ИТТКИга нисбатан ўртача тўрт барабар кўпроқ маблағ сарфланади (1.2-расм).




1.1-расм. Иқтисодий фаолиятни икки кўринишда ривожлантиришнинг

ИТТКИ йўналиши⁵⁵

⁵⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш жараёнида ўрни ва роли бўйича инновацияларни асосий ва қўшимча турларга ажратиш мумкин. Асосий маҳсулот инновациялари янги бозорларни яратади ва асосий янги тармоқда бўлади, қўшимча инновациялар мувофиқ соҳаларда бозорни кенгайтиради.



1.2-расм. Маҳсулот ва технологик инновацияларни яратиш билан боғлиқ ИТТКИ харажатлари нисбати⁵⁶

Мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, йирик корхоналар баъзида тайёрланаётган маҳсулотга харажатларни камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш технологияларига ёки озиқ-овқат дифференциациясига янгиликлар киритишга ихтисослашади. Бу вақтда кичик ва ўрта корхоналар озиқ-овқат


⁵⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маҳсулотлари бўйича янгиликларни бозорга жорий қилиш бўйича сиёсатни амалга оширадilar.

Иқтисодиётга энг кескин таъсир кўрсатадиган барча техник инновациялар тўлқинсимон таъсир кучига эга бўлган базис янгиликларни киритишни назарда тутди. Таъкидлаш керакки, ушбу белгилар бўйича тасниф бозор белгилари бўйича таснифга ўхшаб кетади. Эҳтиёжларни қондириш тавсифи бўйича инновациялар мавжуд истеъмолга ёки янгиларини яратишга йўналтирилиши мумкин.

Янгилик даражасига кўра, инновациялар янги очилганга асосланиши ёки очик жараёнга жорий этилувчи янги услуб асосида яратилиши мумкин.

Реактив (мослашувчан) инновация корхоналарда инновацияларни жорий қилишнинг даврийлиги билан фарқ қилади ва ўз мазмунига кўра, рақобатчининг ҳаракатига жавоб реакцияси бўлиб ҳисобланади (1.3-расм).




1.3-расм. Реактив (мослашувчан) инновация тавсифи⁵⁷

⁵⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тўғри бирлаштирувчи А нукта ва координата ўқининг нол нуктаси эски стандарт асосида корхона фаолиятининг бардош беришини ифодалайди. Рақобатчининг ҳаракатига корхонанинг жавоб реакциясидан кейин тўғри чизик А нуктадан В нукта (янги стандарт нуктаси)га ўтиши керак, бироқ бунга боғлиқ ҳолда корхона инновацияларни жорий қилишга қўшимча харажатларни амалга оширишга мажбур, А нуктадан, В нуктадан пастда жойлашган нуктага тўғри траекториянинг беҳосдан ўзгаришини тавсифловчи корхона фаолиятининг самарадорлиги пасаяди.

Стратегик инновация реактив кетма-кетлик ва корхоналарда инновацияларни жорий қилишнинг доимийлигидан фарқ қилади. Бунда эски стандартдан янгисига ўтиш харажатлари ва инновациялар самарадорлигини эгри ўзаро муносабатида тўсатдан четланиши мавжуд эмаслиги билан таснифланувчи корхоналар фаолияти натижадорлигига бевосита боғлиқлиги билан белгилаб қўйилади (1.4-расм).



1.4-расм. Стратегик инновация тавсифи⁵⁸

⁵⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инновацияларнинг танланган стратегиясига боғлиқ ҳолда бозорга чиқиш вақти бўйича етакчи лидер инновациялар, кейинчалик бўладиган инновацияларга бўлиш мумкин. Қўллаш предмети ва доирасига кўра, озиқ-овқат, янги маҳсулотлар, янги материаллар, бозорлар, қўллашнинг янги соҳалари, янги бозорлар, жараёнлар, ишлаб чиқариш, бошқариш ва маъмурият, илмий-техник, ижтимоий-маданий инновацияларга таснифланади.

Юқорида келтирилган белгилар асосида инновация турлари таснифидан ташқари асосий иқтисодий категориялар даромадлар ва реализация қилиш вақтига боғлиқ ҳолда уларни бешта тури бўйича таснифини ишлаб чиқдик (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Инновация турлари таснифи⁵⁹

Инновациялар	Реализация қилиш вақти	Ўрта муддатдаги истиқболда даромадлиги	Ресурслар кўринишлари бўйича хусусиятлари
Фундаментал	Узоқ муддатли	Ўзини қопламайди	Зарур: кўп миқдорда маблағ, узоқ муддатли кредитлаш, юқори илмий салоҳиятга эга кадрлар, технологик базанинг ривожланиши, фаннинг лаборатория базаси, ноёб билим.
Технологик	Ўрта ва узоқ муддатли	Нисбатан ёхуд баъзида ўзини қоплайди	Ўрта муддатли кредит, юқори малакали муҳандис кадрлар, саноат инфратузилмасининг ривожланиши, замонавий жамғармалар, технологияларни алмаштиришда ишлаб чиқариш имкониятлари эгилувчанлиги
Такомиллашувчи	Ўрта муддатли	Ўзини қоплайди	Қисқа ва ўрта муддатли кредитлар, малакали кадрлар, такомиллашишга эҳтиёж, бундай фаолият учун заҳира.
Ўхшаш	Қисқа муддатли	Тўлиқ ўзини қоплайди	Кўп бўлмаган миқдордаги маблағ, янги натижаларни қабул қилиш бўйича саноат тизими имкониятлари. Бунинг учун тайёрланган кадрлар ва жамғарма базаси.
Маҳсулот	Қисқа ва ўрта муддатли	Тўлиқ ёки асосан ўзини қоплайди	Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар, маҳсулотларга талаб, малакали муҳандис кадрлар, мазкур маҳсулотларни тайёрлашни назарда тутувчи жамғармалар.

⁵⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ўхшаш ва озиқ-овқат инновацияларининг қисқа ва ўрта муддатдаги рентабеллиги фундаментал ва технологик инновацияларнинг узок муддатли рентабеллигини оширади.

Бизнинг фикримизча, фундаментал ва технологик инновациялар ўхшаш ва маҳсулот инновацияларининг даражасини бериш хусусиятига эга. Бошқача айтганда, мувофиқ ресурслар ва даромадлилик имкониятлари билан биргаликда поғонанинг пастрок зинасида инновацияларни олиш имкониятлари, ютуқлари ва билимларини тез-тез кейинги босқичга ўзгартириш содир бўлади.

Шундай қилиб, инновацияларни реализация қилиш жараёнининг муҳим тавсифи бўйича таснифини аниқлаш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– корхоналар фаолиятининг у ёки бу кўринишдаги стратегиясига инновация турларини боғлиқлигини амалга ошириш. Бошқача айтганда, инновация стратегиясининг ҳар қандай даражаси инновациялар турига боғлиқдир;

– инновация турларига боғлиқ ҳолда бошқарувнинг ташкилий шакллари танлаш ва иқтисодий механизмини аниқлаш;

– инновацияларнинг фарқли жиҳатларига боғлиқ ҳолда уларнинг турли хил кўринишларини бозордаги сегменти даражасини аниқлаш.

Замонавий йирик саноат корхоналари тизимнинг барча тавсифига мўлжалланган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва илмий-техник тизимни ўзида намоён этади: кириш, чиқиш, жараён, мақсад, тескари алоқа ва бошқалар. Саноат корхоналари таъминотчилардан ресурслар (ёқилғи, энергия, жиҳозлар, материаллар, комплектловчи буюмлар)ни олади, ишлаб чиқариш жараёнида жамоанинг меҳнат фаолияти натижасида амалга оширади, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва истеъмолчиларга уларни жўнатади. Таъминотчилари ва истеъмолчиларидан ташқари корхонага муносабат бўйича ташқи муҳит омили сифатида юқори ташкилотлар ҳамда

таъминотчилар ва истеъмолчилар билан барча молиявий операцияларни амалга оширувчи банклар ҳисобланди.

Корхоналар ҳар қандай мураккаб тизим сифатида муайян функцияларни бажарувчи ўзаро муносабатга киришадиган кўпчилик таркибий тизимдан иборат, натижада ушбу мураккаб тизим янги хусусиятга эга бўлади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш-техник муносабатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (иш, хизматлар) турлари, уни тайёрлаш технологиялари ва ишлаб чиқариш ҳажми билан мувофиқликда миқдор ва кувватлар бўйича мутаносиб техник-технологик комплекслари, ишчи машиналари тизими ва механизмларини ўз ичига олади. Илмий-техник жиҳатидан бозорда рақобат устунлигини яратишга қодир, ноёб хусусиятларга эга, янги товарни ишлаб чиқаришга мўлжалланган ходимлар, машина ва механизмларнинг ўзаро муносабатини билдиради.

Энди лойиҳалар портфелини бошқариш доирасида йирик ишлаб чиқариш компанияларида содир бўладиган инновацион жараёнлар хусусиятларини қараб чиқамиз.

1. Қарорларни қабул қилиш учун директорлар кенгашида таклифларни киритиш ва инновацион фаолиятнинг муҳим йўналишларини аниқлаш, илмий-техник сиёсатни (ҳар бир ташкилий тузилма ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мураккаблигига қараб яратилади, бунда кенгаш қўмита ёки гуруҳга нисбатан муҳим рол ўйнайди) ишлаб чиқиш бўйича ихтисослашган бўлим, кенгаш ёки ишчи гуруҳни бошқаришнинг юқори даражасини яратиш. Уларнинг таркибига маркетинг хизмати раҳбарлари, ИТТКИ, молия, сотиш, ишлаб чиқаришни таъминлаш, марказий хизмат вакиллари, ишлаб чиқариш бошлиқлари киради.

2. Инновацион лойиҳаларни режалаштириш ва баҳолаш, ғояларни муҳокама қилиш йўли билан турли хил бўлимлар иштирокчиларининг инновацион фаолиятини келишуви ва мувофиқлигини амалга оширувчи ҳам

заводларда, ҳам бошқарув компанияларида янги маҳсулотларни ривожлантириш марказий хизматини яратиш.

3. Ҳоядан янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишгача инновацион жараёнларни комплекс амалга ошириш учун 10-15 киши таркибида мустақил хўжалик қисмларини – янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича марказлар ёки мақсадли лойиҳа гуруҳларини 2-3 йилдан 10 йил ва ундан кўпроқ муддатга ташкил этиш. Бундай гуруҳлар фирманинг бошқа бўлимлари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга мажбур эмас, хусусий мотивациялар тизимига эга ва янгилик киритишни молиялаштириш ва рентабеллик масалаларини ҳал қилишда фақатгина фирманинг юқори бошқарувига бўйсунди.

4. ИТТКИнинг бўлимлари родини ошириш: улар нафақат янги истиқболли ҳояларни қидириш ва ишлаб чиқишни, балки уларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичигача етказишни олиб борадилар. Бунда уларни молиялаштириш ҳажми маҳсулотларни сотиш ҳажмини 3 дан 10 фоизгача ошишини таъминлайди.

5. «Рискли капила»ни мустақил жамғармалари ва инновацияларни жорий этишни тезлаштириш мақсадида компания фойдасининг бир қисми ҳисобига инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг махсус жамғармаларини яратиш асосида венчур бўлимларини шакллантириш.

Ҳозирги вақтда инновация фаолиятини молиялаштириш мақсадида фойдаланиладиган маблағларнинг асосий манбаи сифатида: маҳаллий ва республика миқёсида ажратиладиган бюджет маблағлари; инновацион корхоналар (ИК) томонидан шакллантирилган махсус нобюджет ИТТКИни молиялаштириш фондлари маблағлари; корхоналарнинг шахсий маблағлари; турли турдаги тижорат тузилмалари (инвестиция компаниялари, тижорат банклари, суғурта жамиятлари, молия-саноат гуруҳлари)нинг молиявий ресурслари; тижорат банкларининг кредит ресурслари; хорижий

инвестициялар; миллий ва хорижий илмий фондларнинг маблағлари; аҳолининг шахсий жамғармалари хизмат қилиши мумкин⁶⁰.

Венчурли фонд фан сиғимкорлиги юқори бўлган янги ишланмаларга маблағ киритишга тайёр турган ягона инвестор деб айтиш мумкин. Ҳаттоки, риск ва ноаниқликлар даражаси жуда юқори бўлган ҳолатларда ҳам. Айнан мана шу ҳолатлар энг юқори (максимал) фойда олиш имконини юзага келтиради. Венчурли инвестициялар одатда 5-7 йил давомида фаолият кўрсатади⁶¹.

6. Тадқиқотчилар, раҳбарлар, функционал бўлимлар вакиллари таркибида маслаҳат ёки аналитик гуруҳни ташкил этиш. Уларнинг функциясига: янги маҳсулотга талаб ва янги технологиялар ривожланишини истиқболлаштириш, истиқболли ғояларни танлаш, тадқиқот мавзуларини аниқлаш, махсус лойиҳалар доирасида олимлар ва муҳандислар ишларини мувофиқлаштириш.

7. Янги технологияларни ўзлаштириш муаммолари бўйича махсус тармоқ лабораторияларини яратиш.

Ҳудудий илмий-техник ва ижтимоий дастурларни реализация қилиш илмий (университетлар), саноат ва молиявий ташкилотлар, турли хил илмий-саноат марказлари бирлашмаларини мувофиқ тарзда ташкил этиш билан боғлиқдир.

Инновацион лойиҳаларнинг таваккалчиликка асосланганлиги «венчур фондлари» кўринишида инвесторларнинг ташкилий шакллари ва янгиликларни яратувчи фирмаларнинг инновацион шакллари адекватлигини юзага келтиради. Кўп миқдордаги ресурсларни жалб қиладиган ва узок муддатга ҳисоб-китоб қилинадиган дастурларнинг жуда ҳам муҳимлиги илмий ва технологик парклар, технополисларни яратишни ўз ичига олади.

⁶⁰ Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодиёт ин-ти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. – 408 б.

⁶¹ Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш // Дисс. иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Самарқанд: СамИСИ, 2018. 125-б.

Халқаро илмий-техник ва савдо муносабатларининг ривожланиши меҳнатнинг тақсимланиши ва турли хил бирлашмаларни яратилиши ҳамда кўшма корхоналар билан боғлиқдир. Бу жараёни амалий мисоллар билан кўриб чиқамиз. Портфелнинг классик воситалари баҳоланувчи ва сараловчи моделлар ва масалаларни ўз ичига олади. Бу усуллар ҳам молиявий, ҳам молиявий бўлмаган ахборотлардан фойдаланиш йўли билан портфел қийматини максималлаштиради. Масалан, Англо-Хитой компанияси портфелнинг тижорат баҳосини максималлаштириш мақсадида кутилаётган тижорат қиймати усулидан фойдаланади. Бу усул лойиҳанинг техник ва потенциал тижорат муваффақиятининг ноаниқлигини тушунтириш мақсадида ечимлар дарахтидан фойдаланиш асосида лойиҳанинг кутилаётган молиявий харажатлари ва фойдасини баҳолайди. Бу усул ва бошқа молиявий моделлар баъзида лойиҳаларни танлашни оптималлаштиришга қодир эмаслиги ва молиявий маълумотларнинг ишончлилигини танқид остига қолдиради.

Бундай компаниялар Hoechst A.G. каби йирик кимёвий компания молиявий бўлмаган баҳолаш моделидан фойдаланади. Лойиҳалар бешта категориядаги аниқ мезонлар тўпламига асосланган ҳолда тартибланади:

1) Техник муваффақият эҳтимоллиги; 2) Тижорат муваффақияти эҳтимоллиги; 3) Мукофотлаш; 4) Бизнес стратегиясининг мувофиқлиги; 5) Стратегик дастак.

Ҳар бир категория учун баҳолаш рейтингнинг ягона тизимига келтирилади. Ушбу усул кўплаб кўрсаткичлар билан (масалан, бажаришга кетган вақт) мувофиқлаштирилиши мумкин, модомики, мезонлар миқдорий баҳоланади ва бу ўзаро боғлиқ ҳолда лойиҳалар жозибадорлигини хато кўрсатиши мумкин.

Саволнома ва баҳолаш мезонинг ўзгариши кўп омилли категорияларда кўпчилик мезонларда фойдаланилади, бироқ мезонларни баҳолашнинг биргаликда аниқланиши минимал даражадаги мақбул мезонларга асосланган ҳолда ҳа/йўқ жавобини беради. Алоҳида тарзда йўқ дейилса, лойиҳанинг рад

этилишини ифодалайди. Бу воситадан фойдаланган ҳолда аҳамиятсиз лойиҳалар тезда бартараф қилиниши мумкин. Бироқ саволномалар портфел ичида лойиҳаларни тартибга келтирмайди ва портфел ичида мувофиқликни баҳолай олмайди. Портфелни таққослаш воситалари мувофиқ портфелнинг кўргазмали тақдимоти учун график ва жадвал усуларидан фойдаланади. Хариталаш усули эркин диаграммада портфелнинг турли мезонларини кўшиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналари фаолиятининг натижаси бўлган маҳсулотлар ва хизматлар сифатининг ошиши инновацияларни жорий қилишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Одатда маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ва истеъмол тавсифи рақобатчиларнинг маҳсулотлар ва хизматлари билан таққослаш асосида аниқланади. Ушбу ҳақиқатни ҳисобга олиш керакки, рақобатчиларнинг маҳсулотлар ва хизматлари ривожланиши ҳам бир жойда тўхтаб турмайди, бунда муҳим жиҳат бўлиб, корхоналар маҳсулотлари ва хизматларининг бозорга чиқишида замонавийлиги эгаллайди. Бозорга маҳсулотлар ва хизматлар чиқишининг замонавийлиги ушбу маҳсулотлар билан боғлиқ инновацион лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари билан узвий ҳисобланади. Чунки инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ўз вақтида содир бўлиши зарур.

Ҳозирги вақтда саноат корхоналарида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тартиби қайта қуриш босқичидадир, шунинг учун инновацион лойиҳаларни бошқариш уларни амалиётга жорий қилиш бўйича қарорлар қабул қилишни методик таъминлашдаги камчилик бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, замонавий саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш зарур.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқаришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш қуйидаги тадбирларни амалга оширишдан иборат:

– замонавий саноат тармоқлари корхоналари фаолиятининг муҳим йўналишлари доирасида тадқиқотларни ўтказишга эътибор қаратиш;

- технологик йўл хариталарини яратиш асосида инновацион фаолият доирасида кичик ва ўрта корхоналарни жалб қилиш;
- саноат тармоғининг фан сиғими юқори бўлган корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион фаолият натижаларини харид қилиш ва сотиш;
- саноат тармоғининг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятининг молиявий самарадорлигини ошириш воситаларини қўллаш;
- саноат тармоғининг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятини жорий этиш доирасида ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш воситаларини қўллаш;
- инновацион фаолиятни амалга оширувчи шахслар ёки корхоналар томонидан аниқланадиган мезонлардан келиб чиқиб, фойдали бўлган инновацион лойиҳаларга ресурсларни йўналтириш.

1.3. Саноат корхоналарида инновациялар самарадорлигини баҳолаш усуллари

Инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг умумий иқтисодий тамойили бўлиб, ундан олинган самара (натижа) ва харажатларни солиштириш ҳисобланади. Самара ва харажатлар кўрсаткичлари ҳам натура кўринишида, ҳам қиймат ҳажмида ифодаланиши мумкин.

Иқтисодий самарани аниқлаш муаммоси ва энг афзал инновацияларни танлаш, бир томондан, уни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишга харажатларга нисбатан фойдаланиш натижасидаги натижаларнинг ошишини, иккинчи томондан, ушбу ҳолатдаги инновациялар учун бошқа имкониятларни жорий қилишдан кутилаётган самара билан харажатларни таққослашни талаб этади.

Саноат корхоналарида мавжуд машина ва жиҳозларни янгисига алмаштириш муддатини қисқаришини ифодаловчи тезлаштирилган

амортизация билан инновациялар самарадорлигини баҳолаш муаммосининг бирданига долзарблиги ортади.

Харажатлар билан натижаларни солиштиришга асосланган инновациялар самарадорлигини ҳисоблаш усули инновацияларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорларни қабул қилишни назарда тутди.

Одатда умумий иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун қуйидаги учта гуруҳ кўрсаткичларидан фойдаланилади: интеграл самара кўрсаткичлари; инновациялар рентабеллиги кўрсаткичлари; харажатларни коплаш даврининг кўрсаткичлари.

Ҳар бир гуруҳдан у ёки бу кўрсаткичнинг ҳисоблаш вариантларини келтирамиз:

1. Интеграл самара (E) дисконтлаш воситасида муайян даврга келтирилган ҳисобот даврига натижалар ва харажатлар фарқининг ҳажмини ўзида намоён этади. Бундай мезон асосидаги ҳисоб-китоб қуйидаги тарзда ифодаланади:

$$E = \sum_{t=0}^T (N_t - X_t) a_t, \quad (1.1)$$

бу ерда T – ҳисобот йили; N_t – t - йилдаги натижа; X_t – t - йилда инновацияга қилинган харажатлар; a_t – дисконтлаш коэффициентлари.

2. Инновациялар рентабеллиги (R_i) муайян давр учун олинган даромадларни харажатларга нисбатини ифодалайди. Рентабеллик қуйидагича аниқланади:

$$R_i = \sum_{t=0}^T D_t a_t / \sum_{t=0}^T K_t a_t, \quad (1.2)$$

бу ерда D_t – t - даврдаги даромад; K_t – t - даврдаги инновацияларга қилинган инвестициялар ҳажми.

Инновация рентабеллиги интеграл самара билан боғлиқдир. Агарда интеграл самара ижобий бўлса, рентабеллик 1 коэффициентдан юқори бўлади ва аксинча. Агарда рентабеллик 1 коэффициентдан кичик бўлса, у ҳолда инновацион лойиҳа амалиётга жорий қилинмайди.

Муайян давр учун инновациядан олинадиган даромад ҳажми ва зарурий инвестициялар ҳажми куйидаги формула асосида аниқланади:

$$D = \sum_{t=0}^T \frac{D_t}{(1+a)^t}, \quad (1.3)$$

$$K = \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1+a)^t}, \quad (1.4)$$

3. Харажатларни қоплаш даври (T) инновациялар самарадорлигини баҳолашда етарлича ахборот тарзидаги кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Одатда, харажатларни қоплаш муддати қанчалик узоқ бўлса, риск ҳам шунчалик юқори бўлади. Муайян (қисқа) даврда инновациялар ўзини қоплайди, белгиланган даврда олдинги инновациялар самарасини қоплаш имкониятига эга «қопловчи инновациялар» деб номланувчи инновациялар пайдо бўлиши мумкин. Улар қисқа муддатда инновацияларга қилинган харажатларни қоплайди. Айнан шу даврда бозор, нархлар, ИТТКИ ва технологиялар ўзгариши мумкин. ИТТКИ ва янги технологиялар ҳиссаси юқори бўлган иқтисодиёт секторларида бу самара муҳим аниқлик билан кузатилади.

Қачонки хўжалик фаолиятида риск юқори бўлса, харажатларни қоплаш даври инновацияларга нисбатан қарорларни қабул қилишда муҳим параметр бўлиб ҳисобланади. Модомики, риск қисқа муддат ичида ўзини-ўзи қоплашни компенсациялаши зарур. Бошқача айтганда, тезда лойиҳаларни амалга ошириш керак. Одатда, бундай лойиҳалар паст фан сиғимкорлигига эга бўлади, бироқ бу технологик инновацияларни имконсиз эканлигини ифодаламайди. Ўзини қоплаш даври ўрта йиллик пул даромадлари ҳажмини дисконтлашга инновацияларда дастлабки инвестициялар нисбатини назарда тутлади.

$$T = \frac{K}{D}, \quad (1.5)$$

бу ерда K – инновацияларга дастлабки инвестициялар; D – ўрта йиллик пул даромадларини дисконтлаш.

Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткич тўлиқ бўлмаган ўлчамда инновациялар самарадорлигини баҳолаш учун мос келади. Бу шу билан шартланганки, инновацияларни яратиш ва фойдаланишда кенг доирадаги агентларга таъсир кўрсатади. Инновацияларни яратишда инвесторлар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳа ташкилотлари, инновацион маҳсулотларни тайёрловчилар ва уни истеъмол қилувчилар жалб қилинади.

Бу билан бир каторда технологик инновацияларни реализация қилиш ўхшаши билан солиштирганда яхши натижаларга эришиш якуний мақсад ҳисобланади. Янги технологик жараёнлар, механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни жорий этишдан йиллик иқтисодий самара (C_{ii}) қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$C_{ii} = (\partial_{n1} - \partial_{n2}) \cdot M_2, \quad (1.6)$$

бу ерда ∂_{n1} ва ∂_{n2} – базис ва технология кўмагида мувофиқ равишда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш) бирлигига қилинган харажатлар салмоғи; M_2 – ҳисобот йилида натурал бирликда янги технологиялар кўмаги билан маҳсулот (иш) ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми.

Инновацияларга қилинган харажатлар самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланади: технологик инновацияларни ўзлаштиришга харажатлар; ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилишга умумий харажатлар; технологик инновацияларни жорий қилиш натижасида чиқарилган маҳсулот реализациясидан тушум; технологик инновацияларни жорий қилиш натижасида чиқарилган маҳсулот реализациясидан фойда; маҳсулот реализациясидан тушум; номоддий активлар қиймати; асосий фондлар қиймати; соф фойда; ўрта йиллик ишчилар сони.

Келтирилган кўрсаткичлар омилли индекс таҳлилни ўтказиш учун ўзаро боғлиқ кўпайтувчи омиллар тизимини қуришни назарда тутади: реализация ҳажми бирлигига харажатлар; маҳсулот реализациясидан фойда; соф фойда.

Янгиликларни ўзлаштиришга харажатлар самарадорлиги қуйидагича ифодаланади: маҳсулот таннархининг пасайиши; меҳнатнинг фондлар билан қуролланганлик даражасини ўсиши; меҳнат унумдорлигини ўсиши; маҳсулотларни реализация қилиш ҳажми ёки сотиш ҳажмининг ошиши; сотиш, ишлаб чиқариш ва бошқа молиявий кўрсаткичлар рентабеллигини ошиши.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошиши ҳисобига соф маҳсулот ўсишининг ҳиссаси ($D_{см}$) қуйидагича бўлади:

$$D_{см} = \left(1 - \frac{\Delta Y_u}{\Delta Y_{см}} \right) \cdot 100\% , \quad (1.7)$$


бу ерда ΔY_u – саноат корхоналарида ишчилар сонинг ўсиш суръати, %;

$\Delta Y_{см}$ – соф маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, %.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг инновацион секторининг ривожланиш самарадорлигини баҳолаш учун мақсадга мувофиқ равишда ҳар қандай иқтисодий тизим (корхона, йирик корпорация, иқтисодий ҳудуд, макроиқтисодиёт) ривожланишининг инновацион натижадорлигини ягона тизимини ўлчашни шакллантирувчи ҳамда ривожланишнинг инновацион модели мониторинги тизимида қўллашни назарда тутувчи қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур: ишлаб чиқариш ҳажмида инновациялар (янги маҳсулотлар) улуши; инновацияларга харажатлар ва уларнинг жами капитал харажатлар ҳажмидаги улуши; асосий капиталга инвестициялар ва уларнинг жами инвестициялардаги улуши; фондлар сиғими ва фондлар билан қуролланиш даражаси, иқтисодий тизимда энергия сиғими ва материал сиғим, технологик самарадорлик; ИТТКИининг жами фан сиғимидаги улуши, жами инвестициялар ҳажмида инновацияларга қилинган сарфлар ҳамда умумий бандлар сонидан ушбу соҳада бандлар улуши; ТАТ (turn around time – «тезлик билан бажаришга улгургин») бозорни янги товарлар билан тўлдириш вақтигача субъект томонидан тушуниб етилган ва ўрнатилган эҳтиёжларни пайдо бўлиши вақтида ўлчанадиган инновациянинг

умумий кўрсаткичидир. Мазмуни бўйича бу кўрсаткич рақобатчиларни таққослашнинг энг яхши тавсифи бўлиб ҳисобланади; битта ишчига тўғри келадиган илғор технологиялар сонини аниқловчи технологик интенсивлик кўрсаткичи.

Инновациялар самарадорлиги инновацион натижа турига боғлиқ ҳолда вақт бўйича аниқланади. Агар ажратадиган бўлсак, масалан, фундаментал кашфиётлардан бошланувчи инновациялар (А тур), техник ва технологик ўзгаришлар билан боғлиқ инновациялар (В тур), такомиллаштириш сифатидаги инновациялар (С тур), имитация (тақлид) маъносидаги (янги технологиялар билан боғлиқ бўлмаган) инновациялар (D тур) ва P – маҳсулот инновациялари. Буни самарадорлик ўлчовини вақтга боғлиқ ҳолда турли хил эгриликка эга мутлақ эгри чизиққа эга бўламиз (1.5-расм).




1.5-расм. Инновация кўринишларининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли самарадорлиги⁶²

Фундаментал кашфиётларга асосланган базис инновациялар самарадорлиги ниҳоятда қисқа, аксар ҳолларда умуман нол бўлган вақтнинг қисқа интервалида техника ва технологияларни жиддий равишда модернизациялаш билан боғлиқдир. Яхшиланиш (тузатиш киритиш) ва имитацион ҳамда маҳсулот (озиқ-овқат) инновациялари самарадорлиги энг юқори даражада

⁶² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзини қоплайди. Вақтнинг узок муддатли интервалда тескари ҳолатга эга бўлади. С ва D турдаги инновациялар одатда бундай интервалда мавжуд эмас, улар ўзларини анча аввалроқ батамом тамомлаб бўлади. Вақтнинг узок муддатли оралиғида уларнинг ҳар бири бўйича турли хил самарадорлик билан яхшиланиш (тузатиш киритиш) ва имитацион инновациялар бир эмас, балки бир неча марта содир бўлишга улгуради. Амалга ошириладиган инновацияларнинг капитал тизими миқдори ҳам «мойиллик» тизими инновацияларнинг қандайдир турига ёки унинг қулайроқ турига кучли таъсир кўрсатади. Агарда бу миқдор жуда улкан бўлса, уни аниқловчи ва бу миқдорга мувофиқ капиталдан фойдаланиш бўйича имкониятлар жуда ҳам кенг бўлади (1.6-расм).



1.6-расм. Тизим (корхона, капитал) ҳажмига боғлиқ ҳолда инновациялар миқдори⁶³

Шунингдек, инновациялар технологик тавсифга эга бўлади. Тескари ҳолатда маҳсулот (озиқ-овқат)га ишонч юқори бўлади, кичик корхоналар учун яхшиланиш (тузатиш киритиш) ва имитацион инновациялар мосдир. Шу билан бирга, кичик корхоналар ИТТКИ бозорида тўлиқ кўринишда пастки поғонани муваффақиятли эгаллаши мумкин, бироқ одатда бундай ҳолларда улар ишлаб чиқарилган технологияларни ёки янги буюмларни сотувчилари бўлади ва йирик партияларни ўзлаштириш имкониятига эга

⁶³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

эмас. Бошқа томондан, бундай йирик партиялардаги маҳсулотларга эҳтиёж бўлмаслиги мумкин.

Нативавий кўрсаткич сифатида маҳсулот таннархига технологик инновацияларни ўзлаштиришнинг таъсирини таҳлил этиш учун реализация хажми бирлигига харажатларни қабул қиламиз. Реализация хажми бирлигига янгиликларни ўзлаштиришга харажатлар таъсири омилли моделни таҳлил этишни назарда тутуди.

$$\frac{X}{T} = \frac{X_1}{T_1} \times \frac{X}{X_1} \times \frac{T_1}{T}, \quad (1.8)$$

бу ерда X – реализация қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга харажатлар; T – барча маҳсулотларни реализация қилишдан тушум; X_1 – инновацияларни ўзлаштиришга харажатлар; T_1 – инновацияларни қўллаш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясидан тушум.

Бироқ инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг тақдим этилган мезонлари инновациялар пайдо бўлишининг институционал шарт-шароитларини (сарфлар) ҳисобга олмайди. Шу билан бирга, самарадорлик инновацияларни буюмлашишининг тадрижий самарасини ҳисобга олмайди.


Инновацияларнинг институционал харажатлари салоҳиятини баҳолаш имконияти бўлиши асосидаги функцияни киритамиз. Ўзгартиришнинг институционал функцияси кўмагида корхоналар фаолиятини таҳлил этиш кўйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$Pi(t) = C(t), \quad (1.9)$$

$Pi(t)$ – i - корхонанинг институционал ўзгаришлар салоҳияти; $C(t)$ – экзоген қоидалар ва инновацион корхонанинг ички эскиришини ўзгартириш учун зарур бўлган харажатлар.

Ушбу функция нафақат инновацияларнинг институционал компонентларини, балки билимни олиш ҳамда билимнинг чуқур негизига эга кўникмаларга, бошқача айтганда, инновацияларни жорий этиш ва реализация қилиш ҳамда унинг трансформацияси бўйича тажрибаларни ўзлаштиришга олиб бориш зарур бўлган хулқ-атвор билан боғлиқ муайян харажатларни ҳам

ҳисобга олади. Инновацион натижаларнинг жами сарфлари инновациялар пайдо бўлишининг трансформацион ва трансакцион харажатларидан иборат бўлади, инновацион институтлар рентабеллиги эса инновацияларни институционаллашишнинг жами харажатларига корхонанинг ишлаб чиқариш муносабати тенг бўлади. Юқордагилардан келиб чиққан ҳолда, рентабеллик кўрсаткичининг ўзгариши 1.7-расмда келтирилган.



1.7-расм. Институционаллаштириш кўламига боғлиқ ҳолда инновациялар рентабеллиги⁶⁴

Шундай экан, бизнинг фикримизча, ташкилий эскиришни мустаҳкамланиши (консервация қилиниши) ҳам самарали, ҳам самарасиз институтлар ва прогрессив ва регрессив инновацияларни таъминловчи хулқ-атвор қоидалари пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, бир мартага улар паст самарадорликка эга ёки умуман самарасиз бўлган барқарор инновацияларни пайдо қилиши мумкин. Яъни янгиликлар ҳали таклиф этилаётган инновациялар самарадорлиги юқори эканлигини ифодаламайди.


Инновациялар фойдалилиги функцияси қуйидагича ифодаланади:

$$U(X) = 1 - e^{-kx}, \quad (1.10)$$

⁶⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бу ерда k – рискнинг хавфлиги коэффиценти (бу коэффицент қанча юқори бўлса, агент rischi шунча кам бўлади); x – агент капиталнинг мўлжалланган миқдори.

Бунда капиталнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда фойдалиликнинг ўзгаришини кўрсатиш мумкин. Рискнинг хавфлиги коэффиценти ўсишига агент кам ҳолларда таваккал қилишга тайёр, яъни у таваккал қилмайди ва бу фойдалилик даражаси билан инновацияларга тўғри келади. Шундай экан, мураккаб инновацияларнинг rischi юқори бўлади ва уларни реализация қилиш хоҳиши риск билан аниқланади (1.8-расм).



1.8-расм. Рискдан қутулиш, капитал ва инновациялар фойдалилигининг ўзаро боғлиқлиги чизмаси⁶⁵

1.8-расмда қайд этилган капитал даражаси учун инновациялар фойдалилигини ўзгариши мисол сифатида ифодаланган. Риск хатарининг ўсиши инновацияларнинг фойдалироқ эканлигига ва уларнинг юқори даражада мураккаблигига мувофиқ келади. Капитал қанча катта бўлса, тадбиркор мураккаб инновацияларга бориши мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолатда тармоқ, корхона, мураккаб иқтисодий тизим учун фойдалилик функцияси танланади. Капитал ҳажмида технологик инновациялар, капиталнинг хилма-хиллиги, жамғармаларга боғлиқ эмпирик маълумотлар инновацияларни реализация қилишда рискка мойиллиги ва капиталнинг таркибига боғлиқ ҳолда бундай функцияларни куриш учун таянч нуқта бўлиб ҳисобланади.

⁶⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳар бир инновация тури бўйича фойдалилик функцияси ўзига хос бўлиши мумкин.

Биз корхоналарда инновацион фаолликнинг аҳамиятини ошиб боришини эътиборга олган ҳолда, уни баҳолашни зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу кўрсаткичларнинг индикаторлари бўлиб, рақобатбардошлик даражаси ва барқарорлиги, корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги, инновацион инфратузилманинг ривожланиши кабилар ҳисобланади.

Шундай экан, корхоналарда инновациялар самарадорлигини баҳолаш тизими корхона фаолиятининг кўлами, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият йўналишларига боғлиқ бўлмаган катталиқдаги интеграл кўрсаткичлар базаси асосида тузилиши керак. Бунда унинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш зарур. Агарда корхонанинг интеллектуал салоҳиятини кўриб чиқиш вақти билан биргаликда инновациялар самарадорлиги кўрсаткичлари билан биргаликда комплекс кўриб чиқилса, у ҳолда ишнинг муайян даври учун баҳолашни таққослаш корхонанинг инновацион ривожланишининг реал динамикасини кўрсатади.

Интеллектуал салоҳиятнинг таркибий элементлари бўлиб, кадрлар таркибининг интеллекти (маълумот даражаси, эрудицияси, тажрибаси, ижодий қобилияти ва кўникмалари, малакаси, касбий даражаси) ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион соҳада бажариладиган ишларнинг асосий йўналишлари, ишнинг мақсади ва асосий мазмуни 1.4-жадвалда келтирилган.

Инновацион фаолиятнинг бу йўналиши ишлаб чиқариш корхоналарида инновация кўринишларини конкретлаштиради. Бу ерда инновацион фаолият ҳажмини нисбатан аниқлаш муҳим муаммо ҳисобланади. Иқтисодий синергетикада маълум бўлган тамойилга мувофиқ бошқарув параметрларининг ўзгариши тизим ҳолатининг ўзгаришига ва ҳаттоки, тартиб-интизомни бузилишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, инновациянинг келтирилган йўналишлари ҳар бири алоҳида корхона

фаолиятида муайян даражада мувозанатнинг бузилишига олиб келишга кодирдир ва сўзсиз, молиявий барқарорлик, тўловга лаёқатлилик параметрларини пасайтиради.

1.4-жадвал

Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолият йўналишлари⁶⁶

Инновацион фаолиятни бажаришдаги иш йўналишлари	Ишнинг мақсади	Асосий мазмуни
Маҳсулот таннарихининг пасайиши	Рақобатбардошлик таъминланиши ва фойданинг ўсиши	Янги технологиялар ва жиҳозларни жорий этиш; материал ва энергия сиғимининг пасайиши; меҳнат сиғимининг камайиши.
Бошқарув тизимини такомиллаштириш	Оперативлик, шартнома қоидаларига риоя қилиш, корпоратив маданият	Ташкилий таркибнинг ўзгариши, технологик занжирни оптималлаштириш, кадрлар, ташкилий тизим сифатини ошиши, меҳнатни мотивациялаш ва б.
Ташқи алоқалар кооперациясининг кенгайиши	Маҳсулотлар сифати, харажатларнинг пасайиши	Моддий-техник таъминот, логистика, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш.
Солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш	Молиявий барқарорлик	Инвестициялар, ҳисоб-китоб сиёсати, молиявий тизимни оптималлаштириш.
Корпоратив таркибнинг ўзгариши	Инвестициялар олиш	Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг ошиши.
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни модернизациялаш	Бозорни табақалаштириш	Янги материалларни жорий этиш, янгича сифатга эришиш.
Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш	Янги бозорларни ўзлаштириш	Янги йўналишлар бўйича ИТТКИни режалаштириш ва реализация қилиш. Янги кўринишдаги маҳсулотларни кидириш.

Кўпчилик йўналишларни амалга ошириш – шубҳасиз бундай натижани таъминлайди, яъни тизим дисфункциясининг ўсиб бориш эҳтимоли жиддий тарзда ошади. Бунга боғлиқ ҳолда биз қуйидагича хулосага келдик, инновацион фаолият ёхуд иложсизлик ҳолатини кучайтириши мумкин, қачонки корхона ҳеч нарса йўқотмаса ва у инновацияни жорий қилишнинг

⁶⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

катта рискига олиб келади ёки қачонки корxonанинг ташкилий-иқтисодий ҳолати корxonанинг тизимли тарзда яхшиланиш ҳолати ва унинг ўсишини таъминловчи инновацион жараёнларни аста-секин режалаштириш ва бошқаришни назарда тутди. Бу жиҳат ишлаб чиқариш воситалари (технологик жиҳозлар)ни яратувчи корxonалар учун жуда ҳам муҳимдир.

Барча ҳолларда эски технологияларни жорий этиш янги технологик жиҳозларни яратиш билан мустаҳкам боғлангандир. Яққол мисол бўлиб, махсус технологик жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корxonалар биргаликда вақти билан тармоқлар талаб этадиган электрон машинасозлик, вакуум, атом машинасозлиги кабилар учун хизмат қилиши мумкин. Корxonалар ва ташкилотларнинг бирлашиши уларнинг самарали реализацияси учун янги технологиялар ва махсус технологик жиҳозларни яратишга йўналтирилган фаол инновацион фаолият бўлиб ҳисобланди.

Турли мамлакатларда фан сиғим юқори технологияларнинг ривожланиши барча мавжуд фарқлар билан умумий салбий хусусиятга эга: бозор истиқболини ҳисобга олган ҳолда вақт бўйича нобарқарорлик, инновацияларга юқори харажатлар, оқибатларини олдиндан билмаслик. Одатда инновациялар юқори тижорат rischi ва кутилаётган натижаларни қайта баҳолашга олиб келади. Бундай инновацион бозорнинг намунавий мисоли бўлиб, махсус технологик жиҳозлар бозори ҳисобланади.

Замонавий махсус технологик жиҳозларни кашфиётчилари ва ишлаб чиқарувчилари учун ҳам худди шундай муаммолар юзага келади:

1. Махсус технологик жиҳозларни яратиш учун юқори технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларини танлаш.

2. Riskни камайтириш ва зарур молиявий натижаларга эришиш мақсадида корxonаларнинг инновацион-инвестицион фаолиятини оптималлаштириш йўллари қидириш.

3. Мавжуд қувватлар ва интеллектуал салоҳиятга эга иш юкламасининг тенг эмаслиги.

Бизнингча, юқоридаги муаммоларни самарали ечими қуйидагиларга боғлиқдир:

– юқори технологияларнинг (айнан фан сиғим юқори соҳаларда иш билан аҳамиятли даражада таъминлайди) ривожланиши даражаси мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигига бевосита боғлиқдир;

– пировардида уларни ҳал қилиниши якуний муваффақият эришишни таъминлайди ёхуд махсус технологик жиҳозлар бозорида рақобатчилар билан курашда корхоналарнинг ўзлари ютқзади.

Натижаларни тижоратлаштиришнинг ҳозирги шароитда келтирилган муаммоларини бартараф қилишга корхоналарни келгусидаги ривожланишини боғлиқлиги ва истиқболли қарорларни қабул қилишнинг тўғрилиги жуда ҳам оғир бўлади. Корхоналар энг яхши натижаларга олиб келадиган кафолатланган ривожланишнинг ягона тўғри йўлини танлашга мажбурдир.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Диссертацияда саноат корхоналари хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг муҳим мезони сифатида «инновация» ва «инновацион фаолият»га оид категорияларнинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Инновация – бу янги маҳсулотлар ёки хизматлар, уларни ишлаб чиқариш услублари, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа доиралардаги янгиликларни жорий қилиш, сарф-харажатларни тежаш имкониятини яратиш, маҳсулотни янгича ҳаётий даврини амалга оширувчи жараён сифатида бозорда реализация қилиш, ишлаб чиқарувчи учун даромад келтириш ва истеъмолчиларга янги маҳсулотдан муваффақиятли фойдаланиш босқичини намоён этувчи фаолият натижасидир. Инновацион фаолият – инновацион ғоя ва ишланмаларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг қўлланилиши ва амалга оширилишини таъминловчи фаолиятдир.

2. Инновация кўринишлари, уларни жорий этиш босқичлари ва натижаларини реализация қилиш доирасида кўрсатилган фаолият йўналишлари асосида инновацияларни амалга оширишнинг муҳим тавсифи ишлаб чиқилди. Унга кўра инновацион жараёнлар турли босқичларда амалга оширилади ва барча кўринишдаги инновациялар ихтиро сифатида тижорат мақсадида фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш йўналишлари, ҳаётийлик даврининг тармоқ тузилиши, ўзгаришлар даражаси, инновацион фаолиятни амалга ошириш манбаи, ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, эҳтиёжларни қондириш тавсифи, янгилик даражаси, бозорга чиқиш вақти, вужудга келиш сабаблари, қўллаш предмети ва кўламига кўра инновациялар таснифлаш белгилари бўйича турларга ажратилди.

3. Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими интеграл самара, инновациялар рентабеллиги, харажатларни қоплаш, янгиликларни ўзлаштиришга харажатларни ифодаловчи кўрсаткичлар асосида такомиллаштирилди.

II БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Саноат корхоналарида инновацион фаолликни ошириш шарт-шароитлари ва омиллари

Инновация уни амалга ошириш бўйича жами меҳнат жараёнларини ўзида намоён этувчи инновацион жараённинг натижаси ҳисобланади. Ўз навбатида инновацион фаолият ўз моҳиятига кўра, муайян корхона доирасида турли хилдаги инновацияларни амалга оширишда инновацион жараён босқичларидаги ишни ташкил этишни ифодалайди. Келгусида ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлиги бугунги кундаги инновацион фаолиятни амалга ошириш йўналишлари ва натижадорлиги билан аниқланади⁶⁷. Шунингдек, инновацион фаолиятни фаоллаштириш корхоналарнинг эгаллаб турган бозоридаги барқарор ҳолати ва ривожланиш динамикасини таъминлашнинг шарт-шароити ҳамда унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилли ҳисобланади. Қуйилган мақсадга эришиш корхонанинг инновацион фаолиятини тизимли таҳлилисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу жараёнда муҳим жиҳат бўлиб, корхона фаолиятида илмий-техник ютуқлардан фойдаланиш ва узлуксиз ривожланишни таъминловчи юқори самарали механизмни яратишга қодир, инновацион фаолликни ошириш имконини берувчи илмий асосланган усуллар ҳисобланади.

Инновацион соҳадаги мавжуд «уйқу» ҳолати кўпинча инновацион фаолиятнинг фаоллиги ва натижадорлигини ошириш бўйича мақсадга йўналтирилган ишларнинг мавжуд эмаслигидадир. Бунга боғлиқ ҳолда корхонанинг инновацион фаоллик заҳирасини аниқлаш ва ундан фойдаланиш имкониятлари муҳим аҳамиятга эга.

⁶⁷ Иванов В.В. Инновационная политика при переходе к экономике знаний // Экономическая наука современной России, № 1, 2006.

Муайян давлатнинг инновацион фаоллиги мамлакатдаги мавжуд инновацион конъюнктура ва инновацион жозибадорлик билан белгиланади. 2.1-жадвалда жаҳондаги Глобал инновацион индекс рейтинги келтирилган бўлиб, Швейцария (67,24 %), Швеция (63,65 %), АҚШ (61,73 %), Голландия (61,44 %) каби мамлакатлар юқори рейтингга эга. Глобал инновацион индекс рейтингида Ўзбекистон 2015 йилда 122-ўринни эгаллаган.

2.1-жадвал

Жаҳондаги Глобал инновацион индекс рейтинги⁶⁸

№	Мамлакатлар	2015 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		Индекс хисоби %	Рейтинг	Индекс хисоби %	Рейтинг	Индекс хисоби %	Рейтинг	Индекс хисоби %	Рейтинг
1.	Швейцария	68,30	1	67,69	1	68,4	1	67,24	1
2.	Швеция	62,40	3	63,82	2	63,08	3	63,65	2
3.	АҚШ	60,10	5	61,40	4	59,81	6	61,73	3
4.	Голландия	61,58	4	63,36	3	63,32	2	61,44	4
5.	Бирлашган Қироллик	62,42	2	60,89	5	60,13	4	61,30	5
6.	Финляндия	59,97	6	58,49	8	59,63	7	59,83	6
7.	Дания	57,70	10	58,70	6	58,39	8	58,44	7
8.	Сингапур	59,36	7	58,69	7	59,83	5	58,37	8
9.	Германия	57,05	12	58,39	9	58,03	9	58,19	9
10.	Исроил	53,54	22	53,88	17	56,79	11	57,43	10
11.	Россия Федерацияси	39,32	48	38,76	45	37,90	46	37,62	46
12.	Украина	36,45	64	37,62	50	38,52	43	37,40	47
13.	Арманистон	37,31	61	35,65	59	32,81	68	33,98	64
14.	Беларуссия	38,23	53	29,98	88	29,35	86	32,07	72
15.	Қозоғистон	31,25	82	31,50	78	31,42	74	31,03	79
16.	Озарбайжон	30,10	93	30,58	82	30,20	82	30,21	84
17.	Ўзбекистон	25,89	122	–	–	–	–	–	–

Ҳар бир алоҳида корхона доирасида инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёни турли хилдаги инновацион жараёнлар босқичларини босиб ўтиши мумкин, фақат ундан иккитаси: инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш даври ўзгармай қолади. Шундан келиб чиқиб, корхонанинг инновацион фаоллигини ошириш имкониятларини инновацион жараён босқичларига бўлиб таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

⁶⁸ <https://ru.wikipedia.org/w/index.php>.

Бундай таснифлаш корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишда – умумий мақсадга эришишда, ҳар бир инновацион жараён босқичи натижадорлигига фаол таъсир қилувчи омиллар ва хусусиятларни ҳисобга олишга ёрдам беради. Лекин бу, бизнинг назаримизда, мавжуд жиҳатнинг тўлиқ эканлиги ҳақида гапирганда замонавий корхоналарнинг инновацион фаоллигига таъсир қилувчи бир қатор омилларни ҳисобга олмаган.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг инновацион фаоллигини яхлит ҳолда кўриб чиққанда, моддий харажатлар, натижадорлик ва вақт омилларидан фойдаланишнинг умумий таъсир даражасини ҳисобга олиш зарур. Бу шу билан изоҳланадиги, корхоналарда инновацион фаолиятнинг узлуксизлиги кўринишида бир қанча инновацияларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш билан амалга оширилади. Ўз навбатида, натижадорлик кўрсаткичи инновациялар нуқтаи назаридан, самаранинг умумий ҳажмини инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш нисбати бўйича фақатгина муваффақиятли лойиҳалар улушини ифодалайди. Бу корхоналар олдида турган мақсадларни ўтказилган инновацион фаолиятга мос келиши даражасини аниқлайди.

Фойдаланиш муддати бўйича инновацион фаолликни ошириш имкониятлари таснифи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу белги бўйича уларни жорий ва истиқболли инновацияларга бўлиш мумкин. Жорий имкониятлар корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятларини у ёки бу сабаблари бўйича фойдаланилмаётганини акс эттиради, уларни жорий қилиш эса қисқа муддат ва кам миқдордаги молиявий сарфлар билан амалга оширилади. Истиқболли имкониятлар ҳам муайян молиявий харажатларни, ҳам уларни реализация қилишнинг вақт бўйича давомийлигини талаб этади. Инновацион фаолликни ошириш имкониятларининг бундай кўринишда бўлиши, корхонанинг инновацион механизмини такомиллаштириш ишдаги режалиликни таъминловчи биринчи навбатдаги ва кейинги масалаларни аниқлаш имконини беради.

Муайян илмий қизиқиш инновацион фаолликни ошириш имкониятларини намоён бўлиш шаклига қараб ошкора ва яширин турларга бўлишга чақиради. Бундай кўринишдаги гуруҳлаш туридан фойдаланишда корхонанинг инновацион фаолияти хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Шундай экан, агарда имкониятларни ошириш асосида ўрнатилган меъёрлардан ўзиб кетиш тушунилса, инновацион соҳада, айниқса, инновацион фаолият юритишнинг бошланғич босқичида меъёрларни ўрнатиш ҳаддан ташқари мушкул ҳисобланади. Шунинг учун ошкора имкониятлар дейилганда алоҳида натижаларга эришиш учун сарф қилинган харажатлар даражасидаги очиқ ойдин кўришиб турган фарқларни тушуниш керак. Шунга мувофиқ, яширин имкониятлар уларни юзага чиқариш учун кўшимча харажатларни талаб қилади⁶⁹.

Шундай экан, имкониятларни кенгайтириш тизими орқали корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишнинг муҳим иқтисодий ва институционал шарт-шароитлари бўлиб, ташқи рақобат муҳити, илм-фан ва таълим тизими ҳамда қонунчилик базаси ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, яхлит ҳолда инновацион фаоллик асосан қуйидагиларга мўлжалланган бўлиши мумкин:

- лицензион келишувлар асосида интеллектуал мулк объектлари (патентлар, ноу-хау ва бошқалар);
- тарафдор ташкилотлар билан инновацион фаолиятни амалга ошириш учун шартномалар тузиш;
- ҳамкорликдаги тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш (барча қатнашчилар учун долзарб бўлган масалаларни ҳал қилишда бир қанча саноат корхоналари кучларининг бирлашиши);
- истиқболли натижаларни олувчи, бироқ улардан фойдаланиш учун етарлича молиявий ресурсларга эга бўлмаган венчур фирмаларига ўз маблағларини киритиш.

⁶⁹ Криворучко Н.Ю. Методические подходы по оценке научно-технологического потенциала региона / Н.Ю.Криворучко // Власть и управление на востоке России. – 2005. - № 1. – С. 64-70.

Бизнинг фикримизча, инновацион фаолиятни амалга оширганда корхонанинг ташқи муҳит билан ўзаро фаол муносабати туфайли натижаларга эришиш мумкинлигини ҳисобга олиш керак, бу эса:

- корхона фаолиятида ихтиро (техник ишланмалар, ғоялар)ларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш;

- уларни ўзлаштириш учун кетадиган вақтни қисқартириш;

- ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишни оптималлаштириш;

- инновацион фаолиятни амалга оширишдаги мавжуд таваккалчиликни камайтиришга ёрдам беради.

Корхоналар ташқи муҳит билан инновацияларни ташкил қилиш босқичини йўлга қўйиш даврида афзалликлар билан бир қаторда эътиборга олиш керак бўлган бир қанча муаммолар ҳам пайдо бўлади. Биринчидан, корхонанинг асосий муаммоси унинг илмий салоҳиятини сақлаб қолишдир. Шундай экан, бошқа корхоналарнинг инновацион фаолиятини амалга ошириш ёки тайёр натижалардан фойдаланишда уни тўлиқ ўтказиш кераклигини йўққа чиқаради. Иккинчи муаммо рақобатнинг кучайиши, товарларнинг яшаш даврining қисқариши ва фойдали ишлаб чиқариш имкониятларини қисқартирувчи бошқа бир қатор салбий тенденциялар оқибатида юзага келади.

Бундай вазиятда корхона билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабатлар, фақатгина, корхоналарга кейинги авлод янгиликларини жорий қилиш учун мутахассисларни жалб қилишда фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, корхонанинг ташқи муҳитда маҳсулот ва технологияларда кўзда тутилган ўзгаришларни аниқлайдиган, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усуллари ҳамда вазиятдан максимал фойдаланишни назарда тутувчи, уларнинг ривожланишини истиқболлаштириш ва ўз вақтида керакли чораларни қўллашга имкон берадиган ахборот кузатиш ишларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Шундай экан, ташқи рақобат муҳити янги технологияларни излаш ва уни тадбиқ қилишга рағбатлантиради, чунки корхонанинг фаолият самарадорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ошиши ва унинг таннархи пасайиши шунга боғлиқдир.

Бундан ташқари, замонавий ишлаб чиқаришнинг инновацион фаоллигини «инсон капитали» ва келгуси инновацияларга жорий қилиши мумкин бўлган унинг билимидан фойдаланмай туриб амалга ошириш мумкин эмас. Инновацион фаолият босқичларининг натижадорлиги кўпгина ҳолларда унда банд бўлган ишчиларнинг ижодий фаоллиги билан боғлиқ, шунга кўра, фақатгина меҳнатнинг илмий ташкил қилинганлиги ва оқилона бошқарув билан уни ошириб бўлмайди. Шунга кўра, маълум сифатларга эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш тўғри бўлади. Р.Уотермен таъкидлаганидек, «муваффақият калити – бу энг яхши ишчиларни танлаб олишда, бунда вақт ўтиши билан мутахассисларнинг бир қисми ўзининг малакасини йўқотиши мумкин деган ҳақиқатни эътиборга олиш керак»⁷⁰.

Бундан келиб чиқиб, аниқ вақт оралиғида инновацион фаолият билан шуғулланувчи ишчиларни юксак илмий-таълим марказларида аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш керак. Бу, ўз навбатида, ходимлар малакасини зарур даражада ушлаб туриш ва инновацияларни ташкил қилиш босқичи самарадорлигини ошириш шароитларини яратишга ёрдам беради. Бунинг учун корхонада инновацион фаолиятни амалга ошириш учун ходимларни саралаш, тайёрлаш ва қайта тайёраш ҳамда уларнинг малака даражасини назорат қилувчи услублари ишлаб чиқилган бўлиши зарур.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришга илмий ишланмаларни тадбиқ қилиш ва ходимлар малакасини ошириш корхонанинг инновацион фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Табиий шароитда корхонанинг инновацион фаоллиги иерархия тамойили асосида юқоридан пастга ва пастдан юқорига қараб ривожланиши

⁷⁰ Уотермен Р. Фактор обновления. Как сохраняют конкурентоспособность лучшие компании / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1999.

керак. Шундай бўлсада, ҳозирги шароитда ташаббус ҳам миллий даражага, ҳам ҳудудий даражага тегишлидир. Инновацион оқимнинг юқори босқичида (илмий соҳада бошқаришнинг миллий ва ҳудудий даражаси) унинг фаолиятини режалаштириш асосида доимий турадиган ишлаб чиқариш талаблари яхши аниқланган бўлиши керак. Бу барча даражаларда ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш ва инновацион фаолликни ошириш бўйича рағбатлар тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиши керак.

Бунга боғлиқ ҳолда, корxonанинг инновацион фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари нафақат инновацион жараёни амалга оширувчиларнинг бевосита фаолиятини фаоллаштиришга, балки мазкур жараёни фаоллаштиришга қаратилган маълум давлат тадбирлари тизимига асосланади.

Демак, давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий шакли бўлиб, яхлит иқтисодиёт ва корxonаларнинг инновацион ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда меъёрий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш ҳисобланади. Бу иш инновацияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни ўз ичига олиши керак:

– ягона давлат инновацион сиёсатини шакллантириш мақсадидаги қонунчилик, илмий-техник ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, шу билан бирга, уни рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратиш;


– муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш, уни хўжалик фаолиятига жалб қилиш;

– инновацион фаолиятни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчиликни меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашни меъёрий- ҳуқуқий таъминлаш.

Рақобатдош бўлмаган бозор шу билан шартланганки, бунда харидор ишлаб чиқарувчидан рақобатбардошлиги юқорироқ товарни олишга ҳаракат

қилади ва ҳам бозор учун, ҳам сотувчи учун унда инновациянинг ўзига хос турини ташаббускори ва шакллантирувчиси бўлган сотувчи учун хусусий буюртмани шакллантиради. Замонавий рақобат бозорида янги турдаги маҳсулотни реализация қилиш жараёнининг кетма-кетлиги маркетинг фаолиятини амалга оширишдан уни бозорга чиқишигача бўлган босқичларни ўз ичига олади (2.1-расм).



КХ ва ТХ – конструкторлик ва технологик ҳужжатлаштириш
 ИТТ – ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш

2.1-расм. Рақобат бозорида янги турдаги маҳсулотни реализация қилиш жараёни кетма-кетлиги⁷¹

Бундан ташқари, илмий-техник ютуқларга эришаётган корхоналарни бюджет ҳисобидан интеллектуал мулк ҳуқуқини бериш йўли билан қизиқишини ошириш керак. Шу билан бирга, бюджет ҳисобига яратилган интеллектуал мулкка ҳуқуқни уларга бериш йўли билан илғор фан ва техника

⁷¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йотуқларини ишлаб чиқувчи корхоналарнинг манфаатдорлигини оширишни назарда тутди. Шунингдек, мақсадга мувофиқ тарзда ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини хорижий патентлашда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг улушли тартибини ишлаб чиқиш зарур.

Илмий техник ва инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш шакл ва усулларини танлаш долзарб ҳисобланади. Бюджет маблағлари асосан радикал (кескин) бўлган, янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, инновацион инфратузилмани шакллантиришни ўз ичига олувчи фан ва инновацион бизнесни ривожлантириш учун қулай муҳитни яратишга йўналтирилиши керак. Бюджетдан молиявий қўллаб-қувватлашни қандайдир бошқасига нисбатан иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлган инновацион фаолият учун шарт-шароитларни яратишга қаратиш зарур. Бунинг учун инновацион ва илмий-техник фаолият қатнашчиларини рағбатлантирувчи давлат тизимини яратиш керак. У қатнашчиларга турли хилдаги имтиёзлар ва енгилликларни, шу билан бирга, солиқ имтиёзларини ва ер ва бинолар ижараси учун имтиёзларни бериши керак. Рағбатлантириш тизими инновацияларни ўзлаштираётган корхоналар учун имтиёзлар киритиши керак. Бусиз инновацион фаолият ривожланмайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди⁷².

Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга,

⁷² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //Lex.uz

шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим.

Қўйилган мақсадларга республикамизни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни кенг жорий этиш борасида маъмурий ислохотлар концепциясини амалда рўёбга чиқариш бўйича муҳим кадам сифатида қараш мумкин.

Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шакллари амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди.

Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди. Вазирлик давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси бўлади, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Инновацион технологиялар ҳисобига ривожланишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқувчи, шартли равишда «келажак вазирликлари» деб номланувчи ихтисослаштирилган идораларни ташкил қилиш бўйича жаҳон тенденциясини қайд этиб ўтиш лозим.

Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши инновацион ва илмий-техникавий ривожланиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган. Янги идора инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рўёбга чиқариш учун бюджет маблағларидан оқилона фойдаланган ҳолда мавжуд ресурс ва маблағларнинг сафарбар этилишини таъминлайди.

Пировард натижада, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион йўли иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мамлакат барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг омили бўлиши лозим.

Иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш учун мукамал инфратузилма керак бўлади. У ўзига шартли равишда қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин бўлган жуда кўп корхона ва ташкилотларни олиши керак:

- инновацион фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштириш органлари;
- иқтисодиётнинг муайян секторига инновацияларни киритиш ва ўзлаштиришга ихтисослашган инновацион корхоналар;

– инновацион фаолият катнашчиларига молиявий, эксперт-маслаҳат, ҳуқуқий, патент, ахборот, реклама, лойиҳа-конструкторлик, ишлаб чиқариш, таълим ва бошқа хизматларни кўрсатувчи хизмат кўрсатиш корхоналари.

Лекин ҳар қандай инфратузилмани яратиш ўзоқ вақтни ва кўп маблағни талаб қилади. Шунинг учун инновацион инфратузилмани аста-секинлик, мамлакатнинг мавжуд заҳираларидан фойдаланган ҳолда, тежамкорлик билан ишлаб чиқилган кўп қиррали илмий инновацион ривожланиш прогнозлари асосида кейинги кўйиладиган қадамни пухта ўйлаб яратиш керак.

Таҳлилий маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатда инновацион фаолиятнинг асосий кўрсаткичларига мувофиқ, ушбу фаолиятни рағбатлантириш дастурларининг кенг кўламда амалда жорий қилиниши натижасида сўнгги йилларда иқтисодиёт секторларида инновация соҳасига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми мунтазам равишда ошмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджет маблағларидан тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишида инновацион инфратузилмани яратиш ва ривожлантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Лекин бундай сармояларни давлат ва тадбиркорлар жамиятининг ресурсларини бирлаштирган ҳолда, давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга ошириш керак.

Кейинги йилларда республикамизда инновацион фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолликни баҳолаш бўйича корхоналарнинг статистик ҳисоботлари ҳамда экспресс баҳолаш асосида инновацион фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил этилди.

Таҳлилий маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, республикамизда инновацион фаолиятнинг институционал асосларини такомиллаштириш ва унинг рағбатлантирувчи тизимини ривожлантириш натижасида корхоналарда инновацион фаолликни оширишга мотивация ҳам ўзгармоқда (2.2-жадвал).

**Саноат корхоналарида инновацион фаолиятнинг асосий
кўрсаткичлари, %⁷³**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2010	2015	2016	2017	2019
1.	Корхонанинг инновацион фаоллиги (ҳисобот даврида технологик, ташкилий, маркетинг инновацияларини амалга оширувчи корхоналарнинг текширув ўтказилган корхоналарни умумий сонидаги солиштира салмоғи)	8,4	8,5	8,6	9,1	9,5
2.	Ҳисобот даврида технологик инновацияларни амалга оширувчи корхоналарнинг текширув ўтказилган корхоналарни умумий сонидаги солиштира салмоғи	6,5	6,8	6,8	7,5	7,8
3.	Инновацион товарлар, ишлар ва хизматларнинг жами товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлардаги солиштира салмоғи	4,1	4,5	4,6	5,8	6,3
4.	Технологик инновацияларга қилинган харажатларни жами товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлардаги солиштира салмоғи	1,0	1,2	1,2	1,5	1,9
5.	Ҳисобот даврида ташкилий инновацияларни амалга оширувчи корхоналарнинг текширув ўтказилган корхоналарни умумий сонидаги солиштира салмоғи	1,1	1,2	1,3	1,7	1,9
6.	Ҳисобот даврида маркетинг инновацияларини амалга оширувчи корхоналарнинг текширув ўтказилган корхоналар умумий сонидаги солиштира салмоғи	2,2	2,3	2,3	2,5	2,5

Инновацион инфратузилма қисмлари ичида илмий-техника ютуқларини ўзлаштиришга ихтисослашган инновацион корхоналар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун инновацияларни оммавий тадбиқ қилиш ҳақида гап борганда, шундай корхоналар тармоқларини пайдо бўлишига кўмаклашадиган инновацион сиёсатни амалга оширишни талаб қилади.

Лекин корхоналар инновацион фаолиятда ютуқларга эришиши, айниқса, жаҳон миқёсида ютуқларга эришиши учун у бир қатор мезонларга

⁷³ Муаллиф томонидан Самарқанд вилояти саноат корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари билан экспресс баҳолаш (танланма) орқали олинган маълумотлар ҳамда корхоналарнинг статистик ҳисоботлари асосида тузилди.

мос келиши керак. Инновацион корхоналарда илмий техниканинг илғор ютуқлари, тадбиқ қилиш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассис ва олимлари, шу билан бирга замонавий, илмий, тажриба, муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлиши керак.

Инновацион фаолиятнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири молиявий инфратузилмани, айниқса, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланадиган жамғармаларни ташкил қилиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тижорат банклари ўзоқ муддатли, радикал инновацион лойиҳаларни молиялаштирмайди, чунки банклар ва сармоядорлар инновацион фаолият билан боғлиқ бўлган таваккалчиликдан хавфсирайдилар. Ривожланган давлатларда бу камчиликни инновацияларни молиялаштирадиган венчур фондлар тўлдирди. Кўпинча буларни ўзлаштириш бундай жамғармаларга фақат зарар келтирди, муваффақиятли инновациялар ҳисобига улар ўзларига яхши фойда олишади.


Инновацион фаолиятни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш тегишли кадрлар таъминотини талаб қилади. Бунинг учун инновацион фаолиятни бошқариш ва иқтисодиёт соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил қилиш лозим. Бу ишга мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасаларини жалб қилиш керак.

Илмий-техник ва инновацион фаолиятни нуфузини кўтариш давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яна бир шакли ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органлари барча соҳаларда инновацион фаолият иштирокчиларининг барчасига, айниқса, кичик ва ўрта бизнес илмий-техник ва инновацион корхоналарига ҳуқуқий, реклама, ахборот ва консалтинг ёрдамини амалга ошириш шарт-шароитларини яратиши керак.

Давлат томонидан инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг барча шакллари амалга ошириш ўз навбатида сезиларли бюджет маблағларини зарурат этади. Аммо ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай фаолият учун керакли шарт-шароитларни яратиш учун кетган харажатлар тезда ўзини қоплайди.

Корхона инновацион фаолиятини бошқариш тизими шартли равишда ички ва ташқи омиллар гуруҳига таснифланиши мумкин бўлган инновацион фаолиятни амалга оширишдан иқтисодий фаолиятга таъсир этишга қодир кўпчилик омилларни ҳисобга олиш зарур (2.2-расм).



2.2-расм. Корхона инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар⁷⁴

Бизнинг фикримизча, корхоналар инновацион жараёнларига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга: ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин. Шундай экан, корхоналар инновацион фаолиятини бошқариш тизимининг кировчи ахборотлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– ўлчовли ёки мантиқий катталиқда ифодаланган корхоналар инновацион фаолиятини бошқариш мезонлари;

⁷⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– корхона инновацион фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар тавсифи ҳамда мувофиқ тарихийлик ёндашуви асосида статистик ахборотлар таҳлили;

– корхона инновацион фаолиятига таъсир этувчи ички омиллар тавсифи ҳамда мувофиқ тарихийлик ёндашуви асосида статистик ахборотлар таҳлили;

– инновацион ривожланиш натижаларининг муваффақиятлиги даражасини ифодаловчи ўзгаришлар тавсифи тўплами.

Корхона инновацион фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар гуруҳига корхона раҳбарияти томонидан таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган, фақатгина бундай омилларни мониторинг ва таҳлил қилиш мумкин бўлган омиллар тегишлидир. Бундай омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– давлатнинг инновацион инфратузилмаси ҳолати;

– маҳсулотлар ва хизматларга маҳаллий ва жаҳон бозорларида мавжуд талаб;

– мамлакат миқёсида илмий муҳитнинг ҳолати кўрсаткичлари ва таълим сифати;

– инновацион ишланмалар бозорида яратилган янгиликлар, ихтиролар ва инновацион технологиялар кабиларга талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатнинг шаклланиши.

Корхона инновацион фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички омиллар гуруҳига корхонани бошқариш доирасида таъсир кўрсатиш имкониятига эга омиллар киради. Мазкур омилларга қуйидагилар тегишли:

– корхона инновацион фаолиятини ўз вақтида бажарилиши ва молиялаштириш ҳажми;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш учун корхона моддий-техник базасининг мавжудлиги;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш учун корхоналарда малакали меҳнат ресурслари мавжудлиги.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган риск (хавф) қуйидагилардан иборат:

– инновацион лойиҳани танлашда унинг оптималлигини таъминлаш билан боғлиқ рисклар;

– инновацион лойиҳаларни етарлича даражада молиялаштиришни таъминлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ рисклар;

– инновацион лойиҳани амалга ошириш учун зарурий ресурсларни жорий таъминоти билан боғлиқ маркетинг рисклари;

– инновацион лойиҳа натижаларини реализация қилиш билан боғлиқ маркетинг рисклари;

– хўжалик шартномалари бажарилмаслиги билан боғлиқ рисклар;

– кўзда тутилмаган харажатларнинг юзага келиши ва даромадлар пасайиши билан боғлиқ рисклар;

– бозорда рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ рисклар;

– инновацион лойиҳага мулкчилик ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ рисклар.

Юқорида келтирилган рискларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: диққатни ошириш билан боғлиқ рисклар ва инновацион лойиҳаларни паст даражада реализация қилиш билан боғлиқ рисклар. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш жараёнини амалга оширишда ушбу гуруҳ рискларини минималлаштириш учун инновацион фаолиятни бошқариш воситаларини киритиш зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

– инновацион фаолият ички ва ташқи омилларини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш воситалари;

– инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш воситалари;

– саноатнинг фан сифими юқори тармоқлари корхоналарида инновацион лойиҳалар реализациясини оптималлаштириш воситалари.

Келтирилган воситаларни ишлаб чиқиш ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимида уларни жорий этиш масалаларини тадқиқ этишда ҳар бир гуруҳ омиллари учун тавсифлар ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш кўрсаткичлари 1-иловада келтирилган.

2.2. Саноат корхоналарида инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш тенденциялари ва устувор йўналишлари

Бугунги кунда жаҳонда инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши тез суръатлар билан намоён бўлмоқда. Инновацион иқтисодиётнинг динамик ривожланиш тенденцияси истеъмолчилар талабини тўлиқроқ қондириш ва иқтисодиётнинг замонавий тармоқларида меҳнат унумдорлигини юқори даражада ошириш имконини беради. Шунга кўра, республикамиз иқтисодиётини самарали ривожлантиришда унинг анъанавий ресурсларга асосланган моделининг муҳим муқобил варианты сифатида техника ва технологиялар, илм-фаннинг охириги натижалари ҳамда яхлит ҳолда жамият ҳаётини узлуксиз юксалишини таъминлаш мақсадида инсон капиталидан самарали фойдаланишга йўналтирилган инновацион ривожланиш стратегиясига ўтиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Замонавий ахборот ва фан сифимига эга бўлган инновацион иқтисодиётга – эгилувчан, динамик, самарали, доимий янгиланиб турадиган, янгича мазмун ва кўринишга эга бўлган инновацион ривожланиш стратегияси мос келади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон глобаллашув жараёнларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу ҳолат

бевосита саноат тармоқларини, хусусан, замонавий тармоқларни ривожлантиришга ҳам тегишлидир.

Ҳозирги вақтда миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлаш мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг асосий мезони ҳисобланади. Бу мақсад мамлакат иқтисодиётини изчил равишда ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш орқалигина таъминланиши мумкинлигини илғор давлатлар тажрибаси кўрсатиб турибди.


Сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги саноат маҳсулотлари турларини ўзлаштиришга катта миқдордаги инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш орқалигина эришилади.

Республикамиз иқтисодиётининг ривожланишида эришилаётган ижобий натижалар, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш асосида замонавий саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар турларининг кўпайиб, уларнинг рақобатбардошлиги халқаро бозорлардаги талабга мувофиқлаштирилиб борилмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва унинг замонавий тармоқларини модернизациялаш жараёни унинг субъектлари иқтисодий фаолиятининг моддий-техника базасини ривожланиш даражасига боғлиқдир, чунки корхоналар ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишни таъминлаш ва барқарорликка эришишнинг шарт-шароити ва асосий омили ҳисобланади.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан 2000 йилда – 3,8 %, 2018 йилда – 5,1 %) республикамиз барча соҳаларида кузатилди. Жумладан, ҳудудлар иқтисодиёти барча соҳа ва тармоқларида

олиб борилаётган ислохотлар кейинги йилларда ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ўтган йилга нисбатан 2000 йилда 104,2 %ни, 2018 йилда эса 114,4 %ни ташкил этди. Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2012 йилда 24,0 %ни ташкил этган ҳолда, 2018 йилда 26,3 %га ошган. Шунингдек, саноат маҳсулоти экспортининг мамлакат экспортидаги улуши ҳам мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга (2.3-расм).



2.3-расм. Ўзбекистон Республикаси саноатини 2012-2019 йилларга қадар ривожлантириш параметрлари⁷⁵

Мамлакатимизнинг стратегик ривожланишида макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳудудларнинг мувофиқ равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ассиметрик фарқнинг мавжудлиги, потенциал иқтисодий-ресурс

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ҳудудларнинг мутаносиб иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишни тақозо қилади. Бунда ҳудудий молиявий-инвестицион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва бошқариш негизида инновацион-инвестицион фаолликни янада жонлантириш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш алоҳида долзарб ҳисобланади.

Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида келтирилган «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари»да⁷⁶ ўрта муддатли истиқболда «инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш» вазифаларини амалга ошириш белгилаб кўйилган. Шунингдек, биринчи даражада бажарилиши лозим бўлган устувор йўналишдаги вазифалар сифатида қуйидагилар ҳам белгилаб олинган:

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-ҳом ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

– янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //Lex.uz

маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

– саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

– саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Юқоридаги устувор йўналишлар бўйича ҳудудий иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш яқин истиқболда ҳудудий инвестицион сиёсатнинг стратегик йўналишларини белгилаб олишнинг амалий асосларини ташкил қилади.

Республикамиз ҳудудлари бўйича инвестицион фаолиятнинг асосий натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатда асосий капиталга инвестициялар номинал мазмунда 28694,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич изчил ўсиш суръатига эга бўлган ва 2017 йилга келиб 60719,2 млрд. сўмга етган. Демак, ушбу йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг номинал мазмундаги ўсиши 2,1 баробарга ўсган.

Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар 2013 йилда 1915,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3,0 мартага ошган. Кейинги 5 йил мобайнида асосий капиталга инвестицияларни жалб қилишда Самарқанд вилояти республика бўйича ўртача кўрсаткичдан нисбатан паст даражада бўлган (2.3-жадвал).

**Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ва уларни ҳудудлар
бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот⁷⁷, млрд. сўм**

Ҳудудлар (вилоятлар) номи	Йиллар							2013- 2019 й.й.да ўсиш, марта
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Республика бўйича жами	28694,6	35233,3	41670,5	49770,6	60719,2	107333,0	189924,4	6,6
Қорақалпоғистон Республикаси	2361,9	3917,8	5925,7	3718,9	2235,0	6046,4	8434,6	3,6
Андижон	1287,8	1423,0	1661,0	1987,3	2236,0	4055,9	8183,7	6,4
Бухоро	2871,6	3408,3	3866,1	5756,7	11008,9	7846,1	9867,0	3,4
Жиззах	1017,9	1038,5	1101,1	1247	1436,7	3169,2	7919,3	7,8
Қашқадарё	3498,8	4483,2	5590,5	7048,8	10181,9	15321,1	25525,3	7,3
Навоий	1622,6	1653	1685,4	2846,8	2784,5	10059,1	17775,3	11
Наманган	1059,3	1618,7	1966,4	2566,7	3052,0	7131,0	12187,0	11,5
Самарқанд	1915,0	2247,8	2854,0	3321,4	3307,1	5746,9	9798,6	5,1
Сурхондарё	1246,8	1339,5	1633,4	2005,2	2949,1	6111,0	12232,4	9,8
Сирдарё	804,7	927,2	1000,2	1240,9	1349,4	2154,6	6129,2	7,6
Тошкент	2982,9	3741,9	4055,7	3959,9	4301,8	9351,4	16935,1	5,7
Фарғона	1899,7	1998,4	2133	2404,5	2473,8	4978,4	9164,2	4,8
Хоразм	1148,5	1466,5	1343,4	1445,4	1877,1	2980,0	5566,8	4,8
Тошкент шаҳри	4977,1	5969,5	6854,6	10221,1	11525,9	21861,5	41497,9	8,3

Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларни 2013 йилга нисбатан 2019 йилдаги ўсиши 6,6 мартани ташкил қилган. Юқори ўсиш суръати Андижон (6,4 марта), Жиззах (7,8 марта), Қашқадарё (7,3 марта), Навоий (11 марта) Наманган (11,5 марта), Сурхондарё (9,8 марта), Тошкент (5,7 марта) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (8,3 марта) кузатилмоқда.

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳамияти юқоридир. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятини қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:


– асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши юқори технологик ривожланиш ҳамда интенсив иқтисодий ўсишининг омили сифатида ЯХМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатади;

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

– иқтисодиётнинг замонавий саноат тармоқларини диверсификация қилиш, таркибий ислохотларни амалга ошириш натижасида импортнинг ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти яратилади;

– мавжуд инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш асосида тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг яратилиши орқали аҳолининг турмуш даражасини оширишга эришилади. Натижада аҳоли даромадларининг мунтазам ортиши ҳисобига иқтисодиётдаги ялпи талабнинг кенгайиши ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2.4-расмда келтирилган.



2.4-расм. Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, %⁷⁸

Маълумки, республика ҳудудлари иқтисодиётига киритилган инвестициялар яқин ва ўрта истиқболда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатига ижобий таъсир этади. Шунинг учун ялпи ҳудудий маҳсулот ва инвестицион фаолият кўрсаткичлари ўзгариши ўртасида тўғри корреляцион боғлиқликни кўришимиз мумкин.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

ICOR (incremental capital output) ўтган йилги ялпи инвестицияларни ЯИМнинг ўсишига таъсирини кўрсатувчи кўрсаткич ҳисобланади. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$ICOR = \frac{I_{n-1}}{\Delta GDP_n}, \quad (2.1)$$

бу ерда I_{n-1} – ҳисобот йилидан олдинги йилдаги ялпи инвестицияларнинг ЯХМдаги салмоғи;

ΔGDP_n – n - йилдаги ялпи ҳудудий маҳсулотни ўтган йилга нисбатан реал ўсишининг номинал миқдори.

Ушбу кўрсаткичнинг ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишга инвестицион фаолликнинг таъсири контекстида таҳлилни кўриб чиқамиз.

2.4-жадвал

**Самарқанд вилоятида 2013-2018 йилларда ЯХМнинг ўсишига
инвестицияларнинг таъсири⁷⁹**

Йиллар	ЯХМ, млрд. сўм	Асосий капиталга инвести- циялар, млрд. сўм	ЯХМ нинг ўтган йилга нисбатан реал ўсиши	Инвести- цияларнинг ЯХМдаги улуши, фоизда	ICOR	Республика бўйича ўртача ICOR
2013	7370,9	1915	8,9	25,98	-	3,2
2014	9198,1	2185,6	9,8	23,76	2,3	3,2
2015	11248,8	2854,0	10,5	25,37	2,9	3,4
2016	14060,4	3321,4	8,7	23,62	2,9	3,2
2017	18319,5	3307,1	2,5	18,05	9,4	4,7
2018	20600,1	3882,4	8,9	18,85	2,0	4,7
2019	37593,9	9798,6	4,1	26,1		

2.4-жадвал маълумотларга кўра, 2014 йилда ҳудуд иқтисодиётига киритилган инвестициялар 2,3 бирликни ташкил қилганда ЯХМни 1 бирлик ўсиши таъминланган. 2015 ва 2016 йилларда ҳудуд иқтисодиётига 2,9 бирлик киритилган инвестициялар ЯХМни 1 бирлик ўсишига олиб келган. 2017 йилда эса инвестицияларнинг ЯХМнинг ўсишидаги самарасида кескин

⁷⁹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

пасайиш кузатилган. Демак, Самарқанд вилоятига киритилган инвестициялар 2014-2016 йилларда республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан самарали ҳисобланган.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар номинал миқдорининг жами республика бўйича ўртача кўрсаткичи орқали ҳар бир ҳудуднинг инвестицион фаоллигини аниқлаш мумкин бўлади.

2.5-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори⁸⁰, минг сўмда

Ҳудудлар (вилоятлар) номи	Йиллар						
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Республика бўйича жами	948,8	1145,5	1331,4	1562,8	1874,8	3256,9	5655,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1370,0	2239,0	3334,5	2061,1	1221,4	3257,7	4476,7
Андижон	463,1	502,6	575,9	676,8	748,5	1334,5	2642,3
Бухоро	1647,4	1924,6	2147,4	3146,8	5929,3	4162,9	5167,3
Жиззах	832,9	838,5	871,7	967,8	1094,3	2367,6	5792,3
Кашқадарё	1222,0	1531,6	1868,3	2305,7	3265,0	4816,6	7246,1
Навоий	1813,4	1822,1	1830,7	3043,7	2930,2	10411,0	17985,7
Наманган	426,9	640,0	762,5	976,7	1140,6	2615,8	4380,8
Самарқанд	561,0	645,9	804,1	918,1	897,3	1528,7	2647,4
Сурхондарё	545,8	574,1	684,9	822,8	1185,5	2404,2	4705,5
Сирдарё	1062,9	1203,5	1276,1	1557,3	1636,3	2618,6	7312,4
Тошкент	1100,4	1364,6	1460,9	1408,4	1511,9	3247,1	5799,9
Фарғона	565,7	585,1	613,8	680,2	661,8	1363,3	2465,1
Хоразм	688,2	862,7	776,0	820,4	936,6	1637,2	3007,2
Тошкент шаҳри	2120,7	2527,2	2877,4	4243,4	4714,3	8787,5	16332,0

Энди аҳоли жон бошига нисбатан асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши таҳлилини кўриб чиқамиз.

2.5-жадвал маълумотларидан кўриниб тўрибдики, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори республика бўйича 2013 йилда ўртача 948,8 минг сўмни, 2019 йилда эса ушбу кўрсаткич 5655,8 минг сўмни ташкил қилган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар кўрсаткичи бўйича 2013 йилда Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил қилган. 2018 йилга келиб эса Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг улуши ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил қилган. Самарқанд вилоятида 2013 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар 561,0 минг сўмни, 2019 йилга келиб эса, 2647,4 минг сўмни ташкил этган. Буни аҳоли жон бошига киритилган асосий капиталга инвестицияларни республика бўйича ўртача индексини ҳисоблаганда яққолроқ кўриш мумкин.

2.6-жадвал

**Аҳоли жон бошига киритилган асосий капиталга инвестицияларни
республика бўйича ўртача индекси⁸¹**

(республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан бирликда)

Худудлар (вилоятлар) номи	Йиллар					
	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Республика бўйича жами	1	1	1	1	1	1
Қорақалпоғистон Республикаси	1,4	2,0	2,5	1,3	0,7	1,0
Андижон	0,5	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4
Бухоро	1,7	1,7	1,6	2,0	3,2	1,3
Жиззах	0,9	0,7	0,7	0,6	0,6	0,7
Қашқадарё	1,3	1,3	1,4	1,5	1,7	1,5
Навоий	1,9	1,6	1,4	1,9	1,6	3,2
Наманган	0,4	0,6	0,6	0,6	0,6	0,8
Самарқанд	0,6	0,6	0,6	0,6	0,5	0,5
Сурхондарё	0,6	0,5	0,5	0,5	0,6	0,7
Сирдарё	1,1	1,1	1,0	1,0	0,9	0,8
Тошкент	1,2	1,2	1,1	0,9	0,8	1,0
Фарғона	0,6	0,5	0,5	0,4	0,4	0,4
Хоразм	0,7	0,8	0,6	0,5	0,5	0,5
Тошкент шаҳри	2,2	2,2	2,2	2,7	2,5	2,7

*Изоҳ: 2019 йил январь ҳолатига кўра.

2.6-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2018 йилда Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар республика бўйича ўртача кўрсаткичдан 2,5 баробар юқори бўлмоқда. Шунингдек, Бухоро (3,2) Қашқадарё (1,7), Навоий (1,6)

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

вилоятларида ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда. Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига киритилган асосий капиталга инвестициялар республика бўйича ўртача индексга нисбатан 2013 йилда 0,6 коэффицентни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йилга келиб, 0,6 коэффицентни ташкил этмоқда. Демак, 2019 йилда вилоятда асосий капиталга киритилган инвестициялар республика бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баробар паст кўрсаткични ташкил қилмоқда (2.6-жадвал).


Инвестицияларнинг номинал миқдори ва ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми республика бўйича ўртача қийматга нисбатан тафовутнинг юқорилиги асосан улардаги инвестицион жозибадорлик ва инвестицион сиёсат самарадорлиги билан изоҳланади. Маълумки, асосий капиталга киритилаётган инвестициялар умумлаштирилган ҳолда икки манба ҳисобига шаклланади. Булар марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестициялар миқдоридир.

Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар манбаига кўра, 2013-2019 йилларда марказлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,1 мартага ошган бўлса, марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажми 50 мартага ортган. Вилоятда марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажмининг бундай кескин ўсиши асосан 2019 йилга тўғри келиб, ушбу йилда корхоналарнинг ўз маблағлари (маҳаллий бюджет маблағларини қўшган ҳолда) – 1653,1 млрд. сўмга, аҳоли маблағларини – 1608,2 млрд. сўмга, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни – 242,6 млрд. сўмга ҳамда тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағларини – 1400,5 млрд. сўмга ошиши ҳисобига шундай ўсиш тенденциясига эга бўлган (2.7-жадвал).

**Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар
манбаи, млрд. сўм⁸²**

Кўрсаткичлар	Йиллар							2013-2019 й.й.да ўсиш, марга
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Асосий капиталга киритилган марказлаштирилган инвестициялар	318,9	365,9	388,4	469,1	502,1	842,4	2271,8	7,1
Асосий капиталга киритилган марказлаштирилмаган инвестициялар	159,6	188,2	246,5	285,2	280,5	4904,5	7994,9	50

Вилоятда 2015 йилда саноат маҳсулотининг ЯҲМга нисбатан 54,2 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 42,4 % бўлган. Бундай тенденциянинг қарор топиши асосан бир қатор омиллар, яъни хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига устун даражада эътиборлиги саноат ишлаб чиқаришидаги экстенсив омилларга қаратилаётган эътиборнинг юқорилиги билан белгиланади (2.5-расм).



**2.5-расм. Самарқанд вилояти ривожланишининг асосий
кўрсаткичлари⁸³, млрд. сўм**

⁸² Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Самарқанд вилоятида иқтисодий соҳа ва тармоқларида банд бўлганлар сони бўйича таҳлилий маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, 2014-2018 йилларда саноат тармоғида банд бўлганлар жами бандларга нисбатан бироз ўсган. Бу даврда иш билан бандлар сони асосан хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари ҳиссасига тўғри келади (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

Самарқанд вилоятида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида банд бўлганлар сони⁸⁴ (минг киши)

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2014-2019 й.да ўсиш, %
Жами иш билан бандлар сони	1402,5	1443,9	1485,1	1523,1	1463,3	1455,8	103,8
Шундан:							
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3528,9	3601,7	36446,7	3671,3	3680,2	1008,8	28,6
Саноат	1736,5	1768,7	1802,4	1826,8	1852,1	9237,2	531,9
Қурилиш	1183,3	1222,2	1263,6	1290,0	1310,0	2182,8	184,5
Савдо	1378,3	1413,8	1452,4	1480,2	1490,3	1716,3	124,5
Ташиш ва сақлаш	592,1	614,7	638,2	654,9	674,1	1508,3	254,7
Уй жой ва овқатланиш бўйича хизматлар	286,8	297,3	308,0	313,3	330,1	423,5	147,7
Ахборот ва алоқа	59,8	61,7	63,6	64,3	65,2	1917,3	3206,2
Молия ва суғурта фаолияти	70,0	69,8	66,5	72,0	80,0	4201,1	6001,6
Таълим	1104,7	1105,5	1105,6	1106,6	1108,6	1784,7	161,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	600,8	601,5	601,6	602,6	603,1	1500,3	249,7
Санъат, кўнгили очар ва дам олиш	64,9	65,0	65,1	65,3	65,8	1477,8	2277,0
бошқа соҳалар	2212,3	2236,6	2284,7	2373,0	2410	1904,0	86,1

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ижобий динамикаси аҳолининг ўсиш суръатлари, миграцион жараёнларни оптималлаштириш, ҳудудий ривожланиш тенденциялари билан

⁸³ Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁴ Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

инвестицияларни ўсиши динамикаси ўртасидаги мувофиқлик каби омиллар билан белгиланади.

2.9-жадвал

Самарқанд вилояти қайта ишлаш саноати корхоналарида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми⁸⁵ (млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2015 й.		2018 й.		2019 й.	
		Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	Ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	Ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	Ўсиш, %
1.	Қайта ишлаш саноати	5493,0	114,7	12941,7	116,5	15096,8	106,0
2.	Озиқ-овқат, салқин ичимлик ва тамаки маҳсулотлари и/ч	3000,9	128,9	5328,6	111,8	5 614,9	102,8
3.	Тўқимачилик, чарм маҳсулотлари и/ч	1104,9	133,3	2652,4	140,9	2862,8	93,8
4.	Ёғоч, пробка, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш (мебелдан ташқари)	69,8	153,3	250,8	150,1	144,1	110,8
5.	Ёзув материалларини босиш ва қайтадан ёзиш	27,0	94,8	29,3	72,2	21,8	70,7
6.	Кокс ва қайта ишланган нефт маҳсулотлари и/ч	0,6	168,2	5,9	191,0	3,5	28,3
7.	Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	36,0	166,1	154,5	139,0	199,2	91,6
8.	Асосий фармацевтик маҳсулотлар ва препаратлар и/ч	39,4	112,3	57,7	102,4	69,9	19,9
9.	Резина ва пластмасса маҳсулотлари и/ч	99,1	153,1	306,9	154,4	264,4	82,4
10.	Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар и/ч	112,9	191,0	520,2	152,5	732,8	124,3
11.	Металлургия саноати	53,4	141,8	489,9	154,4	768,0	74,1
12.	Тайёр металл маҳсулотлари и/ч (машина ва жиҳозлардан ташқари)	111,6	91,7	98,4	78,2	227,6	201,2
13.	Компьютер, электрон ва оптик маҳсулотлар, электр жиҳозлари, машина ва жиҳозлар и/ч.	28,6	75,4	18,4	74,3	339,8	146,9
14.	Автотранспорт воситалари, трейлер ва ярим тиркачалар, бошқа транспорт жиҳозлари	879,8	170,9	2695,8	118,2	3664,4	132,6
15.	Мебел ишлаб чиқариш	26,0	153,5	138,3	157,8	151,9	56,8
16.	Бошқа тайёр маҳсулотлар и/ч, таъмирлаш, машина ва жиҳозларни ўрнатиш	11,3	163,2	61,1	2,1 марта	31,8	76,1

⁸⁵ Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.9-жадвалда Самарқанд вилояти қайта ишлаш саноати тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 5493,0 млрд. сўмни, 2019 йилда эса 15096,8 млрд. сўмни ташкил этган. 2019 йилда юқори ўсиш суръатларига эга бўлган тармоқлар асосан, ёғоч, пробка, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш (мебелдан ташқари) (110,8 %), бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (124,3 %), бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, таъмирлаш, машина ва жиҳозларни ўрнатиш (2,1 марта) тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

2.10-жадвал

**Самарқанд вилояти ҳудудлари кесимида саноат маҳсулотлари
(иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми⁸⁶ (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар	2015 й.		2018 й.		2019 й.	
		Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	ўсиш, %
I	Жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6 095,5	113,1	13 488,1	116,7	15783,6	105,6
1.	Самарқанд ш.	2 840,0	111,2	5 852,1	111,8	6827,1	110,5
2.	Каттақўрғон ш.	147,4	112,4	199,4	101,3	298,1	120,5
	Туманлар						
3.	Оқдарё	126,6	123,6	192,5	100,1	200,5	108,3
4.	Булунғур	168,7	121,2	517,2	98,3	566,9	106,8
5.	Жомбой	560,7	100,3	1 980,9	119,7	2588,2	142,8
6.	Иштихон	125,7	121,9	148,4	109,8	229,3	106,9
7.	Каттақўрғон	125,2	118,3	250,5	117,4	267,4	98,9
8.	Қўшрабод	58,9	127,6	25,5	101,6	51,7	128,1
9.	Нарпай	187,9	112,6	223,6	101,4	388,0	117,7
10.	Пойарик	149,9	107,0	177,4	107,6	218,1	112,2
11.	Пастдарғом	227,3	109,6	396,0	117,8	509,3	101,7
12.	Пахтачи	104,2	116,1	158,5	115,0	206,7	110,6
13.	Самарқанд	401,7	113,4	1 030,3	112,3	1450,3	124,5
14.	Нуробод	46,3	128,6	39,5	135,0	173,6	114,5
15.	Ургут	630,3	134,8	1 039,1	113,0	1381,7	111,2
16.	Тайлоқ	194,8	108,5	1 257,2	2,2 марта	426,7	42,7

2.10-жадвалда Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида саноат маҳсулотлари (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича маълумотлар

⁸⁶ Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

келтирилган. Вилоятнинг ҳудудлари кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда ўтган йилга нисбатан Тайлоқ туманидан (42,7 %) бошқа барча шаҳар ва туманларда ўсиш тенденциясига эга. Энг юқори ўсиш суръати Жомбой тумани (142,8 %) ҳиссасига тўғри келади.

Самарқанд вилоятида таҳлил этилаётган йиллар мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 17 %га ошган. Нодавлат секторида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 2019 йилда 4595,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 24,9 %га ўсган. Ҳудудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми таҳлил этилаётган йиллар мобайнида 14,1 %га ошган. Саноат корхоналари сони ҳам 2018-2019 йиллар оралиғида 4923 тага кўпайган (2.11-жадвал).

2.11-жадвал

Самарқанд вилоятида асосий кўринишдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси⁸⁷

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2018 йилга нисбатан, %
1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн. сўм	13488,1	15783,6	117,0
1.1.	Нодавлат секторида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	млрд. сўм	3680,4	4595,3	124,9
	Ҳудудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	млрд. сўм	9807,7	11188,3	114,1
1.2.	Саноат корхоналари сони	бирлик	1425	6348	445,5
	шундан фаолият кўрсатаётгани	бирлик	1350	5976	442,7
	шу жумладан,	бирлик	X	X	X
	Йирик саноат корхоналари	бирлик	17	35	205,9
	шундан фаолият кўрсатаётгани	бирлик	17	35	205,9
	Кичик корхоналар	бирлик	1408	6313	448,4
	шундан фаолият кўрсатаётгани	бирлик	1333	5941	445,7
	Фаолият кўрсатаётган саноат корхоналаридаги ишчилар сони	минг киши	26787	31964	119,3

⁸⁷ Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.3. Саноат корхоналарининг инновацион стратегияси шаклланиши ва лойиҳалардаги таваккалчиликни баҳолаш

Иқтисодийнинг инновацион ривожланиши шароитида корхоналар бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларга етарлича эга бўлмаганлиги сабабали ривожланиши ва рақобатчилардан орқада қолиб кетмаслиги учун инновацияларни режалаштириши ва жорий этиши зарур.

Бизнинг фикримизча, корхоналарнинг стратегик ривожланиши учун улар ривожланишнинг истиқболли мақсадларидан бирини танлаши керак: инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида бозорга кириб бориши ёки ўхшаш товарларни таклиф этувчи рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқариш; технологик инновацияларни жорий этиш йўли билан бозордаги ўрнини сақлаши ва ривожлантириши; маҳсулотларнинг барқарор талабидан фойдаланиш ва рентабелли ишлаб чиқаришга ихтисослашиши асосида истиқболли бўлмаган бозорлардан чиқиб кетиши.

Корхоналарда технологик инновацияларни фаол жорий қилиш бозорда ўзининг рақобат вазиятини яхшилаш имконини беради. Инновацион фаолиятни фаоллаштириш корхонанинг барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда технологик инновациялардан фойдаланиш имконини берувчи фаолиятнинг стратегик йўналишларининг бир қисмини ишлаб чиқишни назарда тутишни ўзида намоён этади⁸⁸.

Саноат корхоналарининг инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ташқи ва ички муҳит ҳолати ва хусусиятлари, стратегияни ишлаб чиқиш жараёнини ташкил этиш, инновацион муаммоларни ишлаб чиқиш воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш билан алоқадор унинг шаклланиш концепциясига асосланади. Корхоналарнинг инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш маҳсулот яшаш даври, корхонанинг бозордаги ўрни ва ихтисослашуви,

⁸⁸ Демин С.С. Технологические и организационно-экономические усовершенствования как основа инновационной модернизации производства. В кн.: Научные доклады I Международной научно-практической конференции «Проблемы современной экономики». – Новосибирск. Центр развития научного сотрудничества, 2010.

улар томонидан ўтказилган илмий-техник сиёсат базасида тузилиши зарур. Корхонанинг инновацион стратегияси шаклланиши ва танлаш жараёнини ифодаловчи чизма ишлаб чиқилди (2.6-расм).



2.6-расм. Саноат корхоналарида инновацион стратегияни танлаш жараёни⁸⁹

⁸⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, корхона инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда унинг қуйидаги таркибий элементларини эътиборга олиш зарур:

– маҳсулот таннархини пасайтириш стратегияси – уни реализация қилиш учун рағбат бўлиб, ишлаб чиқариш миқёсида тежаш ва истеъмолчиларни жалб қилиш ҳисобланади. Бу стратегияни амалга ошириш нафақат ресурсларни тежовчи инновацион технологияларни, балки ишлаб чиқариш технологиясини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва маҳсулотларни реализация қилишда фойдаланишни талаб этади;

– истеъмолчиларнинг талабига мувофиқ маҳсулотлар табақалашини стратегияси қудратли корхоналар билан нарх рақобатидан қочиш имкониятини берувчи маҳсулотларга чегараланган талабдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга кучни тўплашни назарда тутди;

– маҳсулотларни сотиш бозорини сегментлаш технологик инновациялардан фойдаланиш асосида бозорнинг ягона сегментига рақобат устунлигини олиш имкониятини беради. Рақобатчилар устидан устунлик маҳсулотларни табақалашини ёхуд бозор сегментига хизмат қилишда харажатларни минималлаштириш асосида эришилади;

– ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш технологияси принципал жиҳатдан янги, самарали технологияларни қидириш, янги кўринишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишга инновацион усулларни жорий этиш ва маҳсулотларни реализация қилишга кучларни қаратишни назарда тутди.

Корхона инновацион фаолияти асосий таркибий элементларидан бири бўлиб, инновацион лойиҳаларни бошқариш ҳисобланади. Лойиҳа чегараланган бюджетга эга бўлган ва ўрнатилган давр мобайнида қўйилган вазифаларга эришиш учун мўлжалланган илмий-тадқиқот, лойиҳа-технологик ва ташкилий-иқтисодий тавсифдаги комплекс ўзаро боғлиқ тадбирларни ўзида намоён этади.

Аниқки, ички ва ташқи меъёрлар ўрнатилиши, катнашчилар учун янгича ролга эга бўлиш, ишларнинг стандарт тартиблари жорий этилиши инновацион лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичида уларни заифроқ бўлишига олиб келади. Бунда вақти билан ўрнатилган тартиб корхона одатига айланади ва барқарор такрор ишлаб чиқаришга эга бўлади. Бунинг натижасида фаолиятнинг қолоқлигини тугатишга сарфланиши зарур бўлган ресурсларни тежаш даври бошланади. Бунга боғлиқ ҳолда «инновацияларни жорий этишга сарфлар» – ноишлаб чиқаришнинг муҳим синфига оид харажатларни аниқлаш ва шакллантиришни назарда тутувчи «тадрижий-харажатли» контекстда ташкилий инновацияларни қараб чиқиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Шундай экан, инновацияларни жорий этиш салоҳиятини баҳолаш мақсадида «инновацияларни жорий этишга сарфлар» функциясини киритамиз:

$$P_i(t) = C_i(t), \quad (2.2)$$

бу ерда $P_i(t)$ – i - корхонада институционал ўзгаришлар потенциали; $C_i(t)$ – i - корхонанинг инновацияларини ички жорий этиш ва экзоген коидалар ўзгариши учун талаб этиладиган харажатлар.

Инновацияларни жорий этиш потенциалини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$R_i(t) = F(P_{ti}(t), P_{bi}(t)), \quad (2.3)$$

бу ерда $R_i(t)$ – i - корхонада инновацияни жорий этиш даражаси; $P_{ti}(t)$ – институционал ислохотлар потенциали; $P_{bi}(t)$ – фаолиятнинг хулқ-атвор чизмасини қайта ташкил этиш потенциали.

Ўз навбатида,


$$P_{ti}(t) = IC_i(t), \quad (2.4)$$

$$P_{bi}(t) = BC_i(t), \quad (2.5)$$

бу ерда $IC_i(t)$ – i - корхонада институционал шаклланиш ва ўзгаришларга харажатлар;

$BCi(t) - i$ - корхонада хулқ-атвор чизмаси андозасининг шаклланиши ва ўзгаришига харажатлар.

Ушбу функция нафақат инновацияларни жорий қилишнинг институционал компонентларини, балки чуқур негизга эга кўникмалар мавжуд бўлган ақлларни эгаллашга корхона томонидан қилиниши зарур бўлган маълум харажатларни, хулқ-атворни ҳисобга олади. Бу жараён инновацияларни жорий этиш ва реализация қилиш бўйича тажрибаларни ўзлаштириш ва унинг трансформациялашишини назарда тутди. Янгиликни киритишга жами харажатлар ўз ичига трансформацион ва трансакцион харажатларни олади. Инновацияларни жорий қилиш рентабеллиги эса, корхона ишлаб чиқаришидан олинган фойдани инновацияларни жорий қилишга қилинган жами харажатларга нисбати асосида аниқланади. У ҳолда рентабеллик кўрсаткичи ўзгаришини график кўринишида мисол сифатида келтириш мумкин (2.7-расм).




2.7-расм. Инновацияларни жорий қилиш рентабеллиги⁹⁰

Келтирилган ёндашув технологик инновациянинг самарасизлигини аниқлаш имконини беради. Шундай бўлсада айтиш керакки, инновациялар ўзига хос ички хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ўзига хос фундаменталлиги, ҳам самарасизлиги, ҳам самаралилиги қатъий тарзда вақт билан аниқланади. Бошқача айтганда, ўзини қоплаш муддатининг ҳисоб-китоби рентабелликни

⁹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

баҳолашнинг бир маъноли ҳисоб-китобида ҳам аниқ инновация айтайлик, лойиҳани амалга оширишнинг 3-4-йилида самарали бўлиши мумкин, бироқ дастлабки йилларда эса рентабеллик салбий бўлиши мумкин. Шунинг учун танлов аниқ ҳисоб-китобларга таяниши керак.

Бизнинг фикримизча, инновацияларни жорий этиш бўйича корхона фаолияти самарадорлиги таҳлилини ўтказишда асосий эътиборни чиқарилаётган маҳсулот таннархига инновациянинг таъсирини аниқлашга қаратиш зарур. Таннархнинг пасайиши бошқа омиллар ҳисобига қарзни камайтирувчи улкан резервга эгадир. Ушбу омиллар нейтраллашиши маҳсулот таннархини пасайтириш, фойда ўсиши ва дисконтлашга асосланган кўрсаткичларни ошириш ҳамда инновацион фаолият соҳасида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ахборот-аналитик базасини яратиш учун баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради (2.8-расм).



2.8-расм. Саноат корхоналарида инновациялар жорий қилиш асосида унинг фаолияти самарадорлигини таҳлил этиш алгоритми⁹¹

⁹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналари стратегик ривожланиши куйидагиларни назарда тутди:

- бозор талабига мувофиқ корхона мақсадлари ва стратегик ривожланишига доимий тузатишлар киритиш;
- стратегик бизнес режани реализация қилиш натижаларини таҳлил қилиш асосида унинг самарали бажарилиши учун таклифлар ишлаб чиқиш;
- устувор ўзгаришларни амалга ошириш;
- тижорат ва молиявий хизматлар билан ўзаро алоқадорликда режалар ишлаб чиқиш, тузатиш киритиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш;
- персонални стратегик ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бизнинг фикримизча, корхоналарда инновацион фаолликни ошириш лойиҳалар таваккалчилигини баҳолашга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқлиги асосида уларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий натижа бериши мумкин бўлган инновацион лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва реализация қилишни назарда тутди.

Таваккалчиликни таҳлил этиш ва баҳолаш усулларини миқдор ва сифат жиҳатдан таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Таваккалчиликни миқдорий таҳлили алоҳида рисклар ҳажмини ва яхлит лойиҳа рискини аниқлаши зарур. Рисклар назариясида қабул қилинган миқдорий рисклар таъсирчанлик таҳлилинини тўғридан-тўғри, тескари вазифалар ва усулларга таснифлаш мақсадга мувофиқдир⁹². Рискни баҳолаш унинг даражаси билан боғлиқ бўлиб, тўғридан-тўғри вазифаларда маълум ахборотларни далилсиз асосда намоён бўлишидир. Тескари вазифалар қулай риск даражасида чегараланган маълумотларни текшириш мақсадида бир ёки бир неча лойиҳавий параметрлар доирасида аниқланади. Дастлабки ахборотларнинг

⁹² Риск-анализа инвестиционного проекта: Учебник для вузов / Под ред. М.В.Грачевой. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 351 с.

ноаниқлигидан қочиш билан боғлиқ зарурий таъсирчанлик тадқиқоти усулининг асосий ғояси моделларнинг ўзгаришига муносабат бўйича рискнинг натижавий, мезонли кўрсаткичларининг ўзгариш даражаси таҳлилидан иборатдир. Ўхшаш тадқиқотлар натижаси риск-таҳлилда олинган натижаларнинг ишончлилиги даражасини ифодалайди.

Рискни таҳлил қилишнинг оддий усулларида бири тескари вазифалар синфига тегишли бўлган – таъсирчанлик таҳлили ҳисобланади. Ушбу ҳолатда омилли кўрсаткичлар ўзгаришига жавоб тариқасида инновацион лойиҳалар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ўзгариши баҳоланади. Одатда ўзгарувчан омиллар сифатида инфляция, сотишнинг жисмоний ҳажми, нарх ва унинг ўзгариш тенденциялари, даврий харажатлар ва уларнинг ўзгариш тенденциялари, доимий харажатлар ва уларнинг ўзгариш тенденциялари, инвестицияларнинг талаб этилган ҳажми, шароитга боғлиқ ҳолда жалб қилинган капитал қиймати ва унинг шаклланиш манбалари кўрсаткичлари қабул қилинган. Таъсирчанлик таҳлили жараёнида ҳар бир ўзгарувчининг кетма-кетликда алоҳида ўзгариш содир бўлади: ўзгарувчилардан фақат биттаси фоизларнинг прогноз даврига ўзининг қийматини алмаштиради ва ушбу асосда фойдаланилаётган мезоннинг янги қиймати қайта ҳисобланади. Кейин барча омиллар учун риск омилини бир фоизга ўзгаришида мезонли кўрсаткич қийматини қанча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи эластик қиймати ҳисоб-китоб қилинади. Коэффициентнинг эластиклик қиймати қанча катта бўлса, тадқиқ этилаётган риск омилига лойиҳанинг таъсирчанлиги шунча юқори бўлади.

Таъсирчанлик таҳлили кўмагида лойиҳа самарали бўлиб қолиши доирасида ўзининг дастлабки қийматида лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичини четлашиш чегараси аниқланади ҳамда лойиҳа қабул қилиниши тўғрисида қарор қабул қилиш ўзгартириш мумкин бўлган доирадан чиқувчи ҳар бир омилнинг критик нўқтаси учун ўрнатиш имконияти юзага келади. Бошланғич қийматдан критик нўқтанинг нисбий четланиши мос кўрсаткич учун хавфсизлик чегараси тўғрисида тасаввурни беради. Агарда ишонччилик

етарли даражага эга бўлса, барча омиллар мумкин қадар хавфсизлик чегараси доирасида таъсир кўрсатишни давом эттириши мумкин. Бунда қараб чиқиладиган лойиҳа кам рискли бўлиб, барча омиллар ҳам хавфсиз ҳисобланмаслиги мумкин. Шундай экан, таъсирчанлик таҳлили усулини қўллаш натижасида рискнинг миқдорий қиймати аниқланмайди, бироқ қарор қабул қилувчи шахснинг ички ҳиссиётлари лойиҳа хатарлилигининг сифат тавсифи учун ахборот базасини яратади.

Кўпинча таъсирчанлик таҳлили рискларни баҳолашнинг бошланғич босқичида ўтказилади, худди шундай лойиҳага аҳамиятли таъсир кўрсатувчи омиллар ҳар бир деталини кетма-кетликда ўрганиш учун ажратишни назарда тутаяди ва бунинг акси аҳамиятли бўлмаган параметрларни чиқариб ташлайди. Шундай экан, таъсирчанлик таҳлили усули лойиҳа rischi пасайишини таъминлайди ва уларни баҳолаш бўйича келгусидаги шундай ишларни енгиллаштиради.

Таъсирчанлик таҳлили усулининг ривожланиши сценарийлар усулида ўз ифодасини топади, бир вақтнинг ўзида қарама-қарши бўлмаган ўзгаришлар доирасида рискка текшириладиган ўзгарувчан лойиҳалар барча гуруҳлари муҳокама қилинади. Усулнинг муҳим устунлиги бўлиб, параметрлар четланиши уларнинг корреляцион боғлиқлиги асосида ҳисобланади. Сценарийлар таҳлили лойиҳани амалга оширишнинг пессимистик, оптимистик ва эҳтимолли вариантларини қуришни ҳамда ҳар бир вариантга мувофиқ лойиҳа мезонларининг янги қийматлари ҳисоб-китобини назарда тутаяди. Бу кўрсаткичлар базис қийматлар билан таққосланади ва охирида зарурий тавсиялар шакллантирилади.

Юқорида келтирилганидек, тескари вазифаларни ечиш натижасида лойиҳа рисклилиги фақатгина билвосита баҳоланиши мумкин. Лойиҳа riskини баҳолашни билвосита ҳисоб-китоби тўғридан-тўғри вазифаларни ечишда амалга оширилади. Riskни бундай баҳолаш усуллари билан бири балл асосида баҳолаш ҳисобланади. Ушбу усул миқдорий кўринишда эмас, балки сифат кўринишидаги қўйиладиган лойиҳалар таҳлили учун қўлланилади.

Лойиҳанинг ҳар бир таркибий қисми балл тизимида баҳоланувчи унинг хатарлилигини субъектив тавсифини ўзлаштиради. Кейин тартибни кўлланилиши билан лойиҳа хатарлилигининг интеграл тавсифи ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ушбу усулнинг чекланганлиги шу билан ифодаланадики, балли баҳоланишнинг жорий қилиниши лойиҳа тўғрисида аниқ бўлмаган ахборотларнинг аҳамиятли қисмини йўқотади. Бу вақтда усулнинг рад этиб бўлмайдиган устунлиги бўлиб, амалиётда уни енгил жорий қилинишини берувчи ҳисоб-китобларнинг оддийлиги ҳисобланади.

Қачонки лойиҳа модели миқдорий шаклда, хусусан, пул оқимлари прогнози кўринишида берилган бўлса, лойиҳа рискин баҳоланишнинг эҳтимолий усулидан фойдаланиш анча оммалашган. Улар лойиҳага кириш параметрларига боғлиқ ҳолда мумкин бўлган оқибатларнинг кўп вариантли картинасини ўрганишни назарда тутди. Авваламбор, риск билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган омиллар аниқланади ҳамда улар қиймати ўзгаришининг мумкин бўлган вариантлари аниқланади. Бу қийматга эришиш эҳтимоли аниқланади, ундан кейин барча омиллар қийматлари кўшилиб, йиғинди эҳтимолиги ҳисобланади. Одатда риск кўплаб компонентлар билан боғлиқдир, шунинг учун кутилаётган даромад ҳажми математик моделлаштиришни қўллаш билан аниқланади.

Инновацион лойиҳалар таҳлилида рискларни баҳоланиш кўллаш самарадорлик кўрсаткичи (CK)ни эҳтимолий тақсимланиши асосида аниқланувчи риск даражасини миқдорий тавсифи ҳисоб-китоби назарда тутилади. Бундай тавсиф сифатида бир қанча муқобил лойиҳаларни рисклилигини тақослаш зарур бўлган ҳолларда фойдали бўлган дисперсия, стандарт четланиш ва вариация коэффициентида тез-тез фойдаланилади.

Дисперсиянинг (σ^2) аниқланиши қуйидаги ифолада келтирилган:

$$\sigma^2 = \sum_{i=1}^m P_i (CK_i - CK_{exp})^2, \quad (2.6)$$

бу ерда CK_{exp} – самарадорлик кўрсаткичининг кутилаётган қиймати;
 CK_i – i -вариант бошланишидаги лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичи;

P_i – i - вариантнинг бошланиш эҳтимоли;

m – киритилаётган вариантлар сони.

$\sigma = \sqrt{\sigma^2}$ ифоданинг стандарт четланиши лойиҳа бўйича мумкин натижаларни ёйиш даражаси, шунингдек, риск даражаси кўрсаткичи.

Стандарт четланиш самарадорлик кўрсаткичининг кутилаётган қиймати атрофида ёйилишини ўлчайди. Стандарт четланиш қиймати қанча кичик бўлса, инновацион лойиҳа rischi шунча кам бўлади. Стандарт четланиш қиймати қанча катта бўлса, кутилаётган даромад атрофида тарқоқлик шунча катта бўлади ҳамда ноаниқлик ва риск юқори бўлади.

Самарадорлик кўрсаткичи ва таққосланаётган лойиҳа бўйича стандарт четланиш бир-биридан жиддий фарқ қилади. Масалан, турли хил кўламга эга лойиҳалар ва лойиҳанинг рисклилигини баҳолаш учун нисбий кўрсаткич стандарт четланишни самарадорлик кўрсаткичининг кутилаётган қийматига нисбати сифатида аниқланувчи вариация коэффициентидан фойдаланилади. Вариация коэффициенти қанча кичик бўлса, нисбий риск ўлчами ҳам шунча паст бўлади.

Келтирилган кўрсаткичларнинг камчилиги уларнинг кутилаётган қийматдан самарадорлик мезонини ҳам ижобий, ҳам салбий четланишини ҳисобга олади. Бу вақтда салбий четланиш салбий натижани ўзида ифода этади ва риск юқори бўлиши мумкин. Самарадорлик кўрсаткичининг критик қиймати унинг қийматини самарали ва самарасизга ажратиш соҳасида кутилаётган қиймат билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

Оқибатда вариация кўрсаткичи лойиҳа натижаларининг ноаниқлигини ифода этади, бироқ ўзида риск тавсифини аниқ намоён этмайди. Айнан шунинг учун тобора оммалашиши салбий натижа эҳтимоллиги сифатида ўлчовга эга бўлади ва қуйидагича аниқланади:

$$P(CK < CK_{кк}) = \frac{n}{m}, \quad (2.7)$$

бу ерда $CK_{кк}$ – самарадорлик кўрсаткичининг критик нўқтаси;

n–лойиҳани амалга ошириш сони, бунда самарадорлик кўрсаткичининг қиймати критик қийматдан паст бўлади;

m – ўтказилган тажрибалар сони.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, лойиҳа рискинни баҳолашда фойдаланиладиган ноаниқликни моделлаштиришнинг турли хил ёндашувлари қўлланилади. Шунга кўра, ёш ўлчови бўйича ноаниқлик инновацион лойиҳалар ҳар хил турларга ажратилди. Уларнинг ҳар бири учун ноаниқликнинг мумкин бўлган кўринишлари аниқланди ва уни ҳисобга олган ҳолда лойиҳани баҳолашни назарда тутувчи модели кўрсатилди. Бундай умумий хулоса 2-иловада келтирилган.

Шундай экан, тоқ сонлар тўплами аппаратида фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилиш шундай ҳолатларда асосланиши мумкин, қачонки моделлаштириш объекти тўғрисида ахборотлар тасодифий тавсифга эга бўлмайди ёки сифат тавсифини намоён этади.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Корхонанинг инновацион фаоллигини яхлит ҳолда кўриб чиққанда, моддий харажатлар, натижадорлик ва вақт омилларидан фойдаланишнинг умумий таъсир даражасини ҳисобга олиш зарур. Шунга кўра, корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишнинг муҳим иқтисодий ва институционал шарт-шароитлари сифатида ташқи рақобат муҳити, илм-фан ва таълим тизимининг ривожланиши ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштириш йўналишлари илмий-услубий жиҳатдан асосланди.

Корхонанинг инновацион фаолияти ресурслар таъминоти, бошқарув жараёни ва инновацион салоҳият билан боғлиқ ички ҳамда контрагентлар, бозордаги рақобат, илм-фан ва инновацион инфратузилма ривожланишининг ташқи омиллари таъсирини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

2. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши юқори технологик ривожланиш ҳамда интенсив иқтисодий ўсишнинг омили сифатида ЯҲМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунга кўра, асосий капиталга киритилган ялпи инвестициялар ҳажмини ЯИМнинг ўсишига таъсирини аниқловчи ICOR (incremental capital output) кўрсаткичи аниқланди.

3. Саноат корхонасининг инновацион ривожланиш муаммосини аниқлаш, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил этиш, инновацион ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, инновацион салоҳиятни баҳолаш, унинг истиқболли йўналишларини аниқлашга йўналтирилган инновацион стратегияни танлаш жараёнининг алгоритми ишлаб чиқилди.

III БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Корхоналарда инновацион фаолиятни амалга оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш

Корхоналарда инновацион лойиҳанинг молиявий механизмини тадқиқ этиш жараёнида уни баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими ва молиявий ликвидлик масалалари таҳлил этилади.

Инновацион лойиҳаларнинг молиявий ҳолатини аниқлашда ҳал этиладиган асосий вазифа – бу ўз вақтида корхонанинг тўловга лаёқатини назарда тутган ҳолда унинг ликвидлигини баҳолаш ва молиявий мажбуриятларга эгаллиги бўйича тўлиқ ҳажмда жавоб бериш (айниқса, унинг маблағларини инвестициялаш давридаги чора-тадбирлар)дан иборатдир.

Корхонанинг ликвидлиги объектнинг яратилиши ва эксплуатация қилинишининг барча муддати мобайнида корхонага тушум ва тўловлар балансининг ижобий сальдосини ифодалайди. Қандайдир вақт оралиғида корхона маблағларини қоплаш учун маблағларнинг етишмаслиги банкротлик хавфини солади ва мувофиқ лойиҳани реал амалга ошириш муаммосини келтириб чиқаради.

Белгиланган лойиҳани амалга оширишда корхонанинг молиявий тўловга қодирлигини текшириш натижалари шундай ҳолатда ижобий бўладики, агарда унинг хусусий ва жалб қилинган маблағлари бўйича мавжуд имкониятлари қарзни тўлаш жадвалининг муддатларига мувофиқ келса ва миқдори бўйича етарлича бўлса.

Лойиҳанинг тўловга қодирлиги молиявий ҳисоботнинг учта шаклига асосланади. Корхона молиявий ҳолатини (инновацион лойиҳаси) истиқболлаштириш режаси молиявий баҳолашнинг базис шакли деб номланувчи ҳисобот шакллари бўйича тузилади.

Молиявий ҳолатнинг келгусидаги режаси қуйидагиларни ўз ичига олади: фойда режаси (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот асосида тузилади); пул маблағлари ҳаракати режаси (пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот асосида тузилади); режали баланс (баланс ҳисоботи шакли бўйича).

Учта ҳужжатнинг ҳаммаси умумий бошланғич маълумотларга асосланади ва шунинг учун улар бир-бири билан мослаштирилади. Ушбу шаклларнинг ҳар бири ҳар томондан лойиҳанинг истиқболи тўғрисида ахборотга эга бўлиб, унинг ишончлилиги ва самарадорлиги ҳақида умумий хулоса чиқариш имконини беради. Бунда лойиҳани реализацияси иштирокчилари у тўғрисида ахборотларни турлича қабул қилади. Корхона жамоаси ва унинг акционерлари учун энг катта қизиқиш фойда режасидир, банклар (кредиторлар) учун эса – пул маблағлари ҳаракати режаси ҳисобланади.

Фойда режасида у ёки бу давр мобайнида корхона даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатнинг намунаси ишлаб чиқилади. Даромадлар ва харажатлар ҳажмининг таҳлили лойиҳани амалиётга жорий этишга уларни қўйиш учун заҳира маблағларини баҳолаш имконини беради. Бу режа тузилиш шакли солиқ тўловлари ва дивидендлар олинишини ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг мутаносиб ўзгаришида тўғридан-тўғри харажатларга таннархни ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига муайян чегарада сезилмас шартли-доимий қўшимча харажатларни тақсимлашни таъминлайди.

Режалаштириш даври мос равишда бир йилга қабул қилинади. Режалаштириш умумий интервали лойиҳани амалиётга жорий қилиш харажатларини тўлиқ қоплаш учун корхонага зарур бўлган лойиҳалаштириш, қурилиш, объект қувватини ўзлаштириш вақти, йиллар сонини ўз ичига олиши керак.

Бу умумий тавсиялар режалаштиришнинг қандайдир аниқ давомийлиги тўғрисида гапиришга имкон бермайди. Ҳар бир лойиҳа учун у бошқача бўлади.

Амалиётда барча ҳолатларда режа тузилишининг вақтинчалик имконият доираси уни ишлаб чиқиш жараёнида аниқланади ва инвестицион харажатларни қоплаш вақти бошланишини ифодалайди.

Корхона фойдаси режасини ишлаб чиқишда солиқ қонунчилиги, корхона ҳуқуқий мақоми, йўналишлари ва фаолият кўринишлари каби хусусиятлари ҳисобга олинishi керак. Бир вақтда олинадиган ахборотлар лойиҳанинг тўловга қодирлигини баҳолашда навбатдаги муҳим қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Кейинги босқичда лойиҳани молиялаштириш (пул маблағлари ҳаракати режаси) манбаларининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш режаси ишлаб чиқилади. Аҳамиятли даражада асосланган бу босқичнинг маълумотлари лойиҳаларнинг молиявий тўловга қодирлиги тўғрисида якуний хулосага яқинлашиш имконини беради.

Фойда бўйича режада келтирилган даромадлар ва харажатлар тушунчаси пул маблағларининг ҳақиқатда ҳаракатини ифодаламайди. Шундай экан, реализация қилинадиган маҳсулотларга тушум ҳар доим ҳам уни юклашда амалга ошириладиган даврга тегишли эмас. Корхонанинг бошқа йўналишлардаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар (масалан, молиявий ва инвестицион фаолияти тўғрисида) ҳисобга олинмайди.

Корхона фойдасидан ташқари лойиҳани амалга оширишга маблағлар манбаи сифатида янги акцияларни эмиссия қилиш ҳисобига хусусий жамғарма ошиши, янги заёмларни олиши ёки облигациялар чиқариши сабабли мажбуриятларнинг ошиши, янги қуриладиган объект маҳсулотларини ишлаб чиқиш натижасидаги тушум ва бошқа даромадлар қараб чиқилиши мумкин.

Маблағлардан фойдаланиш асосий йўналишлари доимий активларга ва айланма маблағларни тўлдирилишига инвестициялар, жорий ишлаб чиқариш фаолиятига харажатлар, ташқи қарздорликка хизмат кўрсатиш (кредитларни узиш ва фоизлар тўлаш), бюджет билан ҳисоб-китоблар, дивидендлар тўлаш ва ҳ.к.

Шундай ҳолат муҳим бўлиб, кўриб чиқиладиган шаклни тайёрлашда маблағлар оқими сифатида корхонада жорий харажатларнинг ҳаммаси эмас, балки фақатгина операцион харажатлар ва фоиз тўловлари ҳисобга олинади. Амортизация ажратмалари лойиҳани амалга оширишни молиялаштириш манбаси сифатида таснифланади. Шунинг учун корхонанинг лойиҳани амалга оширишга йўналтирилиши мумкин бўлган бўш пул маблағларининг умумий ҳажми қараб чиқиладиган давр оралиғида соф фойда ва амортизация ажратмаси суммасига тенгдир.

Бошқа томондан, шуни эътиборга олиш керакки, ташқи қарзларни нафақат фойда ҳисобига, балки амортизацияни ҳисобга олган ҳолда ҳар қандай бўш пул маблағлари ҳисобига ҳам тўлаш имконияти бор.

Учинчи яқунловчи босқичда асосланган ҳолда анъанавий бухгалтерия баланси тузилади, бироқ зарурат мавжуд бўлмаганлиги сабабли ва уни ишлаб чиқиш имкониятлари алоҳидалашган, яхлит шаклда (аналитик, синтетик баланс) олиб борилади. Балансни ишлаб чиқиш мақсади – реализация қилинадиган лойиҳани молиявий манбалари (пассив) ва мол-мулк таркиби (актив) ўзгариши динамикасининг намунаси ҳисобланади.

Бунда корхона молиявий ҳолатининг маълум кўрсаткичларини аниқлаш имконияти юзага келади: умумий ва жорий ликвидликни баҳолаш, айланиш тезлиги коэффициенти, умумий тўловга лаёқатлилиқ ва бошқалар. Асосий диққат эътибор лойиҳанинг айланма маблағлар таъминотиغا берилади.

Лойиҳани амалга оширишни режалаштиришда ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлигини таъминлаш ва айланма маблағларни ҳисобга олиш учун айланма маблағларга эҳтиёжни алоҳида қараб чиқиш керак.

Ишчи капитал (лойиҳанинг нормал реализацияси ва унинг шаклланиши учун зарур) ҳисоби учун жорий активларнинг у ёки бу бўлимни танлашда ажратиб турадиган белгилар ўрнатилган айланиш даври ёки айланувчанлик коэффициентида келиб чиқиб, унинг миқдорини меъёрлаштириш имконияти бўлиши зарур. Меъёрлаштириладиган жорий активларга

«Омборда хом ашё ва материаллар захираси», «Тугалланмаган маҳсулот», «Тайёр маҳсулот», «Товарлар» ва «Пул маблағлари захираси» каби моддалар тегишли. Қолган айланма активлар бўлимлари меъёрлаштирилмайди.

Меъёрлаштириладиган жорий пассив бўлимига «Иш ҳақи ҳисоби», «Бюджет билан ҳисоб-китоблар», «Персонал билан ҳисоб-китоблар» кабилар тегишли.

Меъёрлашган жорий активлар ва меъёрлашган жорий пассивлар ўртасидаги фарқ айланувчанлик меъёри ва лойиҳа хусусиятларини аниқловчи миқдорни, айланма капиталдаги минимал эҳтиёжларни намоён этади. Биз, «айланма капиталга эҳтиёж» ва «соф айланма капитал» терминларига асосий эътиборимизни қаратамиз.

Бухгалтерия ҳисобида келгуси давр харажатларини аниқлашда уларга маҳсулот таннархига тегишли бўлмаган бухгалтерия балансини тузиш жараёнидаги харажатларни қамраб олади. Бундай харажатларга, масалан, бир йил олдин тўланадиган ижара тўловлари ҳамда илмий-тадқиқот ишланмаларига харажатлар киради. Йиллик ижара тўловлари аста-секин таннархга ўтказиб борилади. Илмий тадқиқот ишланмаларига харажатлар корхонанинг хусусий маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Уларнинг натижасига боғлиқ ҳолда ишни яқунлаш бўйича эса, ё барча харажатлар зарар сифатида ҳисобдан чиқарилади ёки уларнинг кейинги амортизацияси билан олинган патентлар, ноу-хау, бошқа тадқиқот натижалари номоддий активлар қийматида киритилиши ҳисобига асосий фондлар ошиши имконияти пайдо бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, қанчалик даражада у ёки бу лойиҳа корхона мақсадларига (капитал харажатлар ҳисобга олинадиган мувофиқ фойда, корхона молиявий ҳолатининг барақарорлигини қўллаб-қувватлаш) эришишни назарда тутди. Бунда лойиҳанинг оптималлигини баҳолаш учун оптимал кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Жаҳон амалиётида инвестициялаш самарадорлигини иқтисодий асослаш амалиётида корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими уч гуруҳга бўлинади (3.1-жадвал):

- рентабеллик кўрсаткичлари;
- инвестициялар (капитал кўйилмалар)дан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- корхона молиявий ҳолати кўрсаткичлари.

3.1-жадвал

Лойиҳани амалга оширишнинг молиявий тўловга қодирлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими*⁹³

Кўрсаткичлар номи	Ҳисоблаш формуласи
Рентабеллик кўрсаткичлари	
Умумий активлар рентабеллиги	$R_{ua} = \frac{F_c}{K}$
Инвестицияланган капитал рентабеллиги	$R_{ik} = \frac{F_c}{IK}$
Акционерлик капитали рентабеллиги	$R_{ak} = \frac{F_c}{AK}$
Сотиш рентабеллиги	$R_c = \frac{F_c}{CTT}$
Сотиш баҳоси	$CB = \frac{MT}{CTT}$
Инвестициялардан фойдаланишни баҳолаш	
Активлар қайтими	$Q_a = \frac{CCT}{K}$
Доимий капитал қайтими	$Q_{ak} = \frac{CCT}{DK}$
Акционерлик капитали қайтими	$Q_{AK} = \frac{CCT}{AK}$
Айланма капитал қайтими	$Q_{ok} = \frac{CCT}{OK}$
Молиявий ҳолатни баҳолаш	
Умумий ликвидлик коэффициенти	$K_{ul} = \frac{JA}{JP}$
Лаҳзалик ликвидлик коэффициенти	$K_{ll} = \frac{YLA}{JP}$
Умумий тўлова лаёқатлилики коэффициенти	$K_{ul} = \frac{AK + KJ}{JP}$

* Изоҳ: F_c – соф фойда; K – капитал; IK – инвестицияланган капитал; AK – акционерлик капитали; CTT – маҳсулот сотишдан тушган тушим; MT – маҳсулот таннархи; CCT – маҳсулот сотишдан соф тушум; DK – доимий капитал; OK – айланма капитал; JA – жорий активлар; JP – жорий пассивлар; YLA – юқори ликвидли активлар; KJ – корхона жамғармаси.

⁹³ Муаллиф томонидан тузилган.

3.1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар рўйхати кўрсатмавий тавсифга эга эмас. Зарурат бўлган бу кўрсаткичлар яна кенгайтирилиши ёки кўшилиши мумкин.

Барқарор иқтисодиётда кредитлар бўйича фоизлар акционерлик капиталига тўланадиган дивидендларга нисбатан етарлича паст бўлади. Бу ҳолатда акционерлик капиталнинг солиштирма салмоғи минимал имкониятга эга бўлади, бироқ ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларнинг барқарорлигининг кафолатланганлигини кейинга қолдирилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Республикамизнинг ҳозирги иқтисодий ривожланиши шароитида кредит фоиз ставкалари юқори ҳамда акционерлар олдидаги дивидендлар бўйича мажбуриятлар ва улар ҳуқуқининг ҳимояланганлиги шу қадар нореал бўлиб, мантқиққа зид бўлган ҳолатни юзага келтирмоқда.

Ушбу параграфда комплекс бажарилган иқтисодий асосномалар капитал харажатларни ўрнини тўлдириш давридаги ҳисоб-китобларни назарда тутувчи соф фойда ва амортизация ажратмаларининг йиллик миқдорини аниқлайди.

Лойиҳада капитал қуйилмаларнинг ўрнини тўлдириш даврини аниқлаш мақсади – капитал харажатларни ўрнини тўлдиришга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ вақт оралиғини ўрнатиш. Бунда ҳисоб-китобни амалга ошириш жараёнида жами соф фойда ва амортизация ажратмалари инвестицион капиталнинг қайтимига йўналтирилади.

Ўрнини тўлдириш даврини (T) аниқлашнинг мазмуни лойиҳани реализация қилинишининг устун ва заиф томонлари тўғрисида умумий ахборотларни тўлдирувчи аниқ кўрсаткичдан ташкил топади. Ўрнини тўлдириш кўрсаткичи яхлит ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$T_v = \frac{UA}{F_c + AA}, \quad (3.1)$$

бу ерда T_v – ўрнини тўлдириш даври; UA – умумий активлар қиймати;

F_c – яратилган объектнинг ўзлаштирилган қуввати бўйича олинган йиллик соф фойда; AA – йиллик амортизация ажратмаси.

Ҳисоблашнинг аниқроқ усули шундан иборатки, капитал қўйилмаларнинг умумий суммасидан босқичма-босқич кейинги йил учун соф фойда ва амортизация ажратмалари суммаси ҳисоблаб чиқилади. Қолдиқ сумма салбий миқдор бўлиб, лойиҳани қоплаш даврини бошланишини ифодалайди.

Кейинги йилда уни чораклар (ойлар)га бўлиб, капитал харажатлар ва ўрнини тўлдириш суммаси тенглигининг мувофиқлигида капитал харажатларни тўлиқ ўрнини тўлдиришни ҳар бир чорак (ой)да мутлақ эканлигини аниқлаб ҳисоб-китобларни ўрнатиш мумкин.

Шундай экан, капитал қўйилмаларни қайтариш даври тенгликнинг бошланиш вақтига мувофиқдир:

$$K = (F_c + a_1)_1 + (F_c + a)_2 + \dots + (F_c + a)_{T_6}, \quad (3.2)$$

Бу боғлиқликни ихчамроқ ифодада келтириш мумкин:

$$\sum_{t=1}^{T_6} (F_{ct} + a_t) = K, \quad (3.3)$$

Бу кўрсаткичнинг харажатларни қоплаш кўрсаткичидан фарқи шундан иборатки, нафақат харажатларни қоплаш муддати кўрсаткичида назарда тутилادиган фойда ҳисобига, балки биринчи навбатда амортизация ажратмалари ҳисобига амалга ошириладиган инвестицияларни қайтариш ҳисобга олинади. Инвестицияларни қайтариш даври харажатларни қоплаш муддатига қараганда бир йўла уларнинг ўрнини тўлдириш тўғрисида тўлиқ тасаввурни олиш имконини беради. Шунинг учун 3.2-жадвалда келтирилган инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида унинг ўрни алмаштирилади. Бундан ташқари мазкур жадвалда лойиҳани амалга оширилишини аниқловчи кўрсаткичлар қўшилган.

Инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизими⁹⁴

Самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар меъёри	Барқарор иқтисодий ривожланиш шароитида кўрсаткичлардан фойдаланиш даражаси
I. Дисконтланган кўрсаткичлар*		
Соф дисконтланган даромад (СДД): $СДД = \sum_{t=1}^T \frac{H_t - X_t}{(1+E)^t}$	$СДД > 0$	Самарали
Даромадлилик индекси (ДИ): $ДИ = \frac{СДД}{ИДС} = \sum_{t=0}^T \frac{H_t - X_t}{(1+E)^t} \div \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1+E)^t}$	$ДИ > 1$	Самарали
Даромадлилик ички нормаси (ДИН): $\sum_{t=0}^T \frac{H_t - X_t}{(1+E_{ИН})^t} = \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1+E_{ИН})^t}$	$t \leq 3$ йил	Самарали
II. Дисконтланмаган кўрсаткичлар*		
Фойданинг йиллик нормаси: $E_a = \frac{F_c + X_p}{K} \cdot 100\% \geq E$	$E_a > E$	Самарали
Капитал кўйилмаларни ўрнини тўлдириш даври: $\sum_{t=1}^{T_b} (F_{ct} + a_t) = K$	Инновация жорий этилганидан кейин 2-3 йил	Самарали
Йиллик келтирилган харажатлар $C + EK \rightarrow \min$		Самарали
Лойиҳани молиявий амалга ошириш шартлари: Умумий ликвидлик коэффициенти: $K_{ул} = \frac{JA}{JP} \geq 2$; Жорий ликвидлик коэффициенти: $K_{л} = \frac{YLA}{JP} \geq 0,5$. бу ерда, JA – жорий активлар; JP – жорий пассивлар; YLA – юқори ликвидли активлар.		

* Изох: H_t – натижа; X_t – харажат; T – инновацион лойиҳани ишлаш муддати; K_t – t -йилдаги инновацион лойиҳага йўналтирилган капитал; E – дисконт норма (Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси); F_c – соф фойда; X_p – лойиҳани ривожлантириш харажати; F_{ct} – t -йилдаги соф фойда; $СДД$ – соф дисконтланган даромад; $ИДС$ – инвестицияларни дисконтлаш суммаси.

Самарадорликни баҳолаш ва инновацион лойиҳани амалга оширишнинг молиявий шароитлари кўрсаткичлари ўртасида жиддий фарқ мавжуддир. Биринчилари лойиҳанинг прогрессивлиги, унинг юқори сифат

⁹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

параметрларини аниқлайди. Кейингилари лойиҳани амалга ошириш жараёнида пул маблағларига энг юқори талаб билан лойиҳани потенциал истеъмолчисини молиявий имкониятларини қўлга киритишни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда республикамиз иқтисодиёти учун мувофиқ келадиган инновацион конъюнктура саноат корхоналари учун ташқи омил сифатида инновациялар жозибдорлигини ифодалайди. Инновацион конъюнктурани шаклланиш ҳолатини баҳолаш бир қатор параметрлар ёки кўрсаткичларга асосланади. Ушбу параметрлар муайян мамлакатнинг инновацияларни яратиш ва жорий этиш салоҳияти ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ рискинни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Уларнинг энг муҳимлари сифатида: макроиқтисодий барқарорлик; инновацион инфратузилманинг ривожланиш даражаси, инновация фаолияти ҳуқуқий асослари; солиқ тизимининг сифати ва солиққа тортиш даражаси; банк тизими ва бошқа молиявий институтлар ҳолати ва ишончлилиги; инновацияларга бўлган талаб ва таклиф нисбати, мамлакатда хусусий капиталнинг ривожланиш даражаси; фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция ривожланиш даражаси, ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши; давлат бошқарув тизими кабиларни келтириш мумкин.

3.3-жадвалда ЎзБАТ молиявий натижалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Корхонада 2015-2019 йилларда маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан соф тушум 94,7 %га ошган. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ялпи фойда ҳажми ушбу даврда 1,97 мартага ошган. Асосий фаолиятдан олинган фойда ҳажми эса таҳлил этилаётган йиллар оралиғида 97,7 %га ўсган. Умумхўжалик фаолияти фойдаси 138,3 %, корхонада соф фойда ҳажми 2,62 мартага ошган. 2015 йилда корхона ялпи фойдасининг сотишдан тушган соф тушумга нисбати 63,8 %ни, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 64,7 %ни ташкил этган. Шунингдек, мос равишда соф фойда ҳажмининг сотишдан тушган соф

тушумга нисбати 2015 йилда 35,8 %ни, 2019 йилда эса 48,2 %ни ташкил этган (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

ЎзБАТ корхонасининг молиявий натижалари⁹⁵ (млн. сўм)

Кўрсаткичлар номи	2015 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	837601,1	1206299,6	1386931,1	1630536,6
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархи	303087,0	489562,7	531440,0	576045,6
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (зарар)	534519,4	716666,9	855491,1	1054491,0
Давр харажатлари, жами, шундан:	131110,1	279140,9	323131,7	381992,3
Сотиш харажатлари	40180,2	124195,3	167748,3	244822,8
Маъмурий харажатлар	29993,9	40281,1	50233,0	67617,9
Бошқа операцион харажатлар	60935,9	114664,5	105150,3	69551,6
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	20366,2	94454,2	139136,4	165105,2
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	423775,6	531980,2	671495,7	837603,9
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами, шу жумладан:	41082,8	37803,9	16413,7	13089,3
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	-	-	-	-
Фоиз шаклидаги даромадлар	21172,1	13992,3	2107,1	-
Молиявий ижара даромадлар	-	-	-	-
Валюта курси фарқидан даромадлар	19910,7	23811,6	14306,6	13089,3
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	-	-	-	-
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:	113193,2	1571184,6	26087,8	12829,4
Фоизлар шаклидаги харажатлар	-	-	-	-
Молиявий ижара фоизлари шаклидаги харажатлар	588,3	1037,9	-	-
Валюта курси фарқидан зарарлар	112604,9	1570146,67	26087,8	12829,4
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	-	-	-	-
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	351665,1	1001400,5	661821,6	837863,8
Фавкулудда фойда ва зарарлар	-	-	-	-
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	351665,1	1001400,5	661821,6	837863,8
Фойда солиғи	25690,8	287,1	48172,9	52161,4
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	26077,9	-27,4	-	-
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	299896,4	1001660,2	613648,6	785702,3

⁹⁵ ЎзБАТ қўшма корхонаси молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

Бизнинг фикримизча, республикамиз саноати тармоғида инновация муҳити яхшиланишига қуйидагилар ўз таъсирини ўтказади:

- саноат корхоналарида самарали бошқарув тизимини шакллантириш;
- саноат мажмуаси ташкилотлари ва корхоналари ликвидлигини таъминлаш чоралари бўйича аудит ўтказиш ва ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- саноат мажмуаси корхона ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган инновацион фаолиятларни молиялаштиришнинг ташқи манбалар ҳисобига рағбатлантирувчи тизимини ишлаб чиқиш;

- бюджет маблағлари ҳисобига илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш билан бирга хусусий капитал асосида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни рағбатлантириш;

- иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг мотивацион механизми-ни яратиш ва рақобат муҳитини шакллантириш;

- саноат корхоналарида фойданинг илмий-тадқиқот ишланмаларига йўналтирилган қисмини солиқдан озод этиш.

Таҳлил натижаларига кўра, «ЎзБАТ» қўшма корхонасига инновацион-инвестицияларни киритиш орқали нисбатан юқори самарадорлик таъминланган. Корхонада иқтисодий самарадорликни ифодаловчи маълумотлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: ЎзБАТ корхонасида янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида, олдинги технологияга нисбатан янги технологияда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 26,4 %га, маҳсулот рентабеллиги эса 15,5 %дан 18,3 %га ошган. Шу билан бирга, инвестицияни ўзини оқлаш муддати деярли икки баробарга, фонд сифими ва электр энергияси сифими мос равишда 40,9 % ва 66,7 %гача қисқаришига эришилган (3.4-жадвал).

**2019 йилда ЎзБАТ корхонасининг инновацион инвестицияларни
жорий этиш самарадорлиги кўрсаткичлари⁹⁶**

№	Кўрсаткичлар	ЎзБАТ	Инновацион технология	Фарқи, фоизда
1.	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	1630536,6	1752558,3	7,5
2.	Фойданинг соф дисконт нормаси, минг сўм	254165,8	377323,37	148,5
3.	Фойданинг ички нормаси, минг сўм	2,8	3,8	135,7
4.	Соф дисконт нормаси, минг сўм	1,25	1,35	108,0
5.	Зарарсиз маҳсулот ҳажми, млн. сўм	223052,7	366397,3	164,3
6.	Инвестицияни ўзини оқлаш муддати, йил	9,5	5,2	54,7
7.	Фонд сифими, сўм	52,5	21,47	40,9
8.	Электр энергияси сифими, квт. с/т	146,9	98,0	66,7
9.	Маҳсулот рентабеллиги, %	15,5	18,3	-

Республикаимиз саноати тармоғининг замонавий моддий-техник базасини мустаҳкамлаш омили сифатида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, тармоқ ривожланишининг рақобат муҳитини яратиш, товар ва хизматларнинг илғор дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

3.2. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш

Инновацион ривожланишнинг мақсадлари ва вазифаларини аниқлашдаги хатолар инновацион фаолиятга йўналтирилган молиявий ва бошқа ресурсларни натижасиз сарфлашга олиб келиши мумкин. Айниқса, корхонанинг инновацион фаолиятга самарасиз сарфланган вақти саноат тармоғида фан сифими юқори ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг

⁹⁶ Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

мавжуд юқори суръатлари билан боғлиқ молиявий ресурслар қаторида кам бўлмаган йўқотиш ҳисобланади.

Саноатни инновацион ривожланишининг белгиланган йўналишлари доирасида лойиҳалар ўртасидаги ўзаро боғлиқ ва тўлиқ бўлмаган реализацияни амалга ошириш корхона фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ижобий самарага эга бўлиши мумкин, бироқ корхонанинг умумий инновацион ривожланиши синергетик самарадан маҳрум бўлади. Инновацион лойиҳани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишда ресурслар манбалари ва якуний инновациялар истеъмолчилари таҳлил қилинган бўлиши зарур, яъни корхонанинг ташқи муҳит таҳлили ўтказилиши керак. Мазкур омиллар бир вақтнинг ўзида инновацион лойиҳани амалга ошириш ва қарор қабул қилиш жараёнида ҳисобга олиниши керак. Айнан шунинг учун молиявий ва ресурс таъминотидаги мавжуд чекловларни ҳисобга олган ҳолда, инновацион фаолиятни амалга ошириш доирасида улардан фойдаланишни оптималлаштириш натижасида инновацион ривожланишнинг мақсад ва вазифалари асосида корхонанинг инновацион фаолиятини комплекс бошқаришни амалга ошириш муҳимдир.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида келтирилган 2.2-расмга мувофиқ корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш схемасини амалга оширишда қуйидаги воситаларни киритиш муҳим ҳисобланади:

- инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш воситаси;
- инновацион фаолиятнинг ташқи ва ички омилларини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳаларни баҳолаш воситалари;
- саноатнинг фан сиғими юқори тармоқлари корхоналарида инновацион лойиҳаларни амалга оширишни оптималлаштириш воситалари.

Корхонанинг инновацион фаолиятини бошқаришнинг юқорида келтирилган воситаларини ҳисобга олган ҳолда уни реализация қилиш алгоритми қуйидаги босқичлардан иборат (3.1-расм).



3.1-расм. Корxonанинг инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми⁹⁷

Биринчи босқичда корxonанинг ривожланишига давлат, тармоқ ва корxона раҳбарияти қарашларининг расмийлигидан иборат корxonанинг инновацион фаолиятини бошқариш мезонларини шакллантириш зарур. Бу қарашлар корxonанинг инновацион фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, корxона фаолиятининг алоҳида устувор йўналишлари, реализация қилинаётган лойиҳаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган риск даражаси,

⁹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лойиҳаларнинг инновационлиги ва иқтисодий самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларида ифодаланади.

Иккинчи босқичда корxonанинг инновацион инфратузилмаси ҳолати ва унинг инновацион фаолияти кўрсаткичлари ҳамда ушбу соҳада мавжуд статистик ахборотлар таҳлилини ўтказиш керак. Мазкур ахборот турли йўналишларда инновацион фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун корхона имкониятга эга эканлигини ифодалайди.

Турли хил йўналишлар бўйича инновацион фаолиятга қўйилмалар самарадорлиги қараб чиқилаётган корхона доирасида техник жиҳозланиши, кадрлар салоҳияти, мавжуд анъаналар ва у ёки бу инновацион ишланмалар тажрибасига боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилади.

Учинчи босқичда инновацион ривожланишнинг мавжуд жаҳон тренди ва ҳамда инновацион маҳсулотлар, хизматлар ва технологияларга давлат ва тармоқ эҳтиёжлари таҳлилини ўтказиш зарур. Инновацион фаолият самарадорлигининг ажралмас қисми бўлиб, унинг натижаларига талаб ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг кутилаётган натижаларига талабни истиқболлаштиришга ҳаракат қилиш учун корхона фаолиятининг йўналишларига инновацион қарорларда давлат буюртмалари, тармоқ ва бозор талабини аниқлаш зарур. Бироқ инновацион лойиҳаларни амалга ошириш етарлича узокроқ вақтни қамраб олиши мумкин. Бунинг асосий сабаби давлат буюртмаси, тармоқ ва бозордаги талабга қараб инновацион қарорлар ўзгариши мумкин. Шунинг учун инновацион фаолиятнинг турли йўналишларида трендлар ва тенденцияларнинг ўзгаришини мониторинг ва таҳлил этиш керак.

Тўртинчи босқичда корxonанинг инновацион ривожланишини истиқболли йўналишларини аниқлаш зарур. Корxonанинг инновацион лойиҳаларини реализация қилишнинг устувор йўналишларини аниқлашда қуйидаги омилларни эътиборга олиш керак:

- корxonанинг ички ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари;
- инновацион фаолият соҳасида мавжуд тенденциялар;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш доирасида корхонанинг манфаатлари;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш доирасида тармоқ манфаатлари;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш доирасида давлат манфаатлари;

– инновацион фаолиятни молиялаштиришни амалга оширишда инвестор манфаатлари.

Ҳар бир аниқ ҳолатда юқорида келтирилган омиларнинг муҳимлиги мулк шакли ва иқтисодий фаолиятни олиб бориши, инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ва корхона раҳбариятининг муносабатига боғлиқдир.

Бешинчи босқичда корхонада реализация қилиш учун инновацион лойиҳалар рўйхатини шакллантириш керак. Рўйхатда келтирилган ҳар бир лойиҳа учун иқтисодий кўрсаткичлар (соф жорий қиймат ёки соф дисконтланган даромад, даромадлиқнинг ички нормаси, лойиҳани қоплашнинг дисконтланган муддати, дисконтланган харажатлар, дисконтланган харажатларнинг даромадлиқ индекси) ва инновацион кўрсаткичлар (инновацияларни ўз-ўзини молиялаштириш коэффиценти, инновацион лойиҳаларнинг фан сиғимкорлиги коэффиценти, инновацион лойиҳанинг натижаси ҳисобланган маҳсулотлар ва хизматларнинг фан сиғимкорлиги коэффиценти, инновацияларни жорий қилгандан кейин маҳсулотлар рентабеллигининг ўсиши коэффиценти)нинг ҳисоб-китоби ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Олтинчи босқичда инновацион фаолиятга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда фан сиғими юқори тармоқ корхоналарининг инновацион лойиҳаларини реализация қилишни баҳолашни ўтказиш керак. Инновацион лойиҳаларнинг реализацияси лойиҳанинг якуни муваффақиятига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ташқи омилларнинг фаол таъсири остида амалга оширилади. Инновацион

лойиҳаларни паст кўрсаткичлар асосида реализация қилиш самарасиз бўлиши мумкин. Инновацион фаолиятни реализация қилиш доирасида корхонада мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалга оширишни баҳолашни ўтказиш таклиф этилади. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш муайян молиялаштириш билан қўйилган иш ҳажми кўпчилик турларини бажаришни камраб олади. Ҳар бир ишни бажарилиш муваффақияти кўпчилик омиллар билан боғлиқ бўлиб, унинг асосийси молиялаштириш ҳисобланди. Инновацион лойиҳалар иқтисодий жиҳатдан амалга оширилишини аниқлаш учун бажарилган ишлар ҳажмида лойиҳанинг таркибий тузилишини ўрганиш ва ушбу кўринишдаги ишлар бўйича йиғилган статистика асосида муайян молиялаштириш ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар бир иш ҳажмини муваффақиятли тугатиш эҳтимоллигини аниқлаш таклиф этилади. Инновацион фаолиятни амалга ошириш тўғрисида ахборот ва статистик маълумотлар лойиҳаларни амалга ошириш ва корхоналарнинг инновацион фаолияти тўғрисида статистик ахборотларни сақлаш учун мўлжалланган махсус маълумотлар базасига йиғилган, қайта ишланган ва берилган бўлиши зарур.

Еттинчи босқичда инновацион лойиҳалар портфелларининг шаклланиши ва танланиши ўтказилади. Мавжуд технологик ривожланиш трендлари, томонларнинг инновацион фаолиятда иштирок этиш устунликлари, лойиҳаларнинг иқтисодий ва инновацион тавсифи, лойиҳалар рўйхатида келтирилганларнинг ўрнатилган мезонларга тўлиқ мос келадиганларини танлаш кабиларни ҳисобга олиш зарур.

Саккизинчи босқичда саноатнинг фан сиғими юқори тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларни оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда танланган инновацион лойиҳалар реализациясини бошлаш керак. Юқорида келтирилган корхоналар инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми реализацияси ҳозирги вақтда республикамиз саноат тармоғида

долзарб ҳисобланган инновацион ривожланиш муаммоларини ҳал қилиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

- инновацион лойиҳаларни реализация қилиниши даражасини ошириш;
- инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;
- инновацион фаолият натижасида халқаро, давлат ва тармоқ эҳтиёжлари ва буюртмалари доирасида корхоналарнинг инновацион фаолиятини фаоллаштириш.

Инновацион фаолиятни бошқаришнинг келтирилган функционал тизими корxonанинг самарали фаолият юритиш мақсадларига мувофиқликда унинг ташкилий тузилмалари ўртасида аниқ тақсимланган бўлиши керак.

Саноатнинг фан сиғими юқори тармоқ корхоналарининг келгусидаги ривожланиши корxonанинг инновацион фаолиятини бошқариш механизми, унинг асосий ҳолати тартибни белгиловчи концептуал ҳужжатни яратишни талаб этади. Бундай концепцияни амалда реализация қилиш юқори технологик, фан сиғими юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида рақобат устунлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Саноат корхоналарида инновацион лойиҳаларни жорий этиш учун унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини баҳолаш зарур. Шу сабабли технологик инновацияларни жорий этиш асосида саноат ишлаб чиқаришида юқори самарадорликка эришиш учун техник чора-тадбирларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш зарур.

Корхоналарда технологик инновацияларни жорий этиш тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- машина ва механизмларнинг янги ҳамда такомиллашган турлари ва конструкцияларини жорий этиш;
- хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергиянинг янги турларини яратиш;

– технологик инновацияларнинг янги ва такомиллашган турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

– технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини ошириш;

– корхона фаолиятини бошқаришнинг инновацион шакллари жорий этиш;

– ихтирочилик ва новаторлик таклифларини ишлаб чиқиш.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарур. Бу фаолият маълум иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асосида амалга оширилади. Чора-тадбирлар албатта самарали бўлиши керак. Уни ҳисобга олмасдан, баҳоламасдан инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиб бўлмайди.

Илмий-техникавий тадбирлар ва новаторлик ишларининг кўп йиллик тажрибаларига асосланган турли кўрсаткичлар, жумладан, машина ва техникавий воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида эришиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидагича аниқланади:

$$C = (X_1 \times a - X_2 \times \Pi) \times A_2 - \Gamma, \quad (3.4)$$

бу ерда X_1 ва X_2 – мавжуд ва янги техника ёрдамида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатлари; a – янги техникавий воситаларнинг сифатини, нисбий афзаллигини ифодаловчи коэффициент.

Янги техникавий воситаларнинг сифатини, нисбий афзаллигини ифодаловчи коэффициент қуйидагича ҳисобланади:

$$a = \frac{Q_2 P_1 + C_n}{Q_1 P_2 + C_n}, \quad (3.5)$$

бу ерда Q_1 ва Q_2 – мавжуд ва янги техникавий воситалар бирлигига йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

P_1 ва P_2 – мавжуд ва янги техникавий воситалар қийматида уларни тиклаш учун ажратмалар салмоғи;

Π – янги техникадан фойдаланиш даврида эришиладиган самарадорлик.
У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Pi = \frac{(U_1^1 - U_2^1) - C_n(K_2^1 - K_1^1)}{P_2 + C_n}, \quad (3.6)$$

бу ерда: U_1^1 ва U_2^1 – мавжуд ва янги техникадан фойдаланиш давридаги жорий харажатлар;

K_1^1 ва K_2^1 – мавжуд ва янги техникадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмалар;

C_n – капитал қўйилмаларининг норма даражасидаги самарадорлик коэффиценти;

A_2 – янги техника жорий этилгандан кейин унинг ёрдами билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми;

Γ – янги техникани лойиҳалаштириш харажатлари.

Инновацион техника самарадорлигини баҳолаш жараёни таққослама самарадорликни аниқлаш тамойилларига асосланади. Бугунги кунда бундай ҳисоб-китоблар саноат корхоналарида инновацион лойиҳалардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули асосида амалга оширилади.

Ушбу усулга мувофиқ корхоналарда иқтисодий самара қуйидаги кўрсаткич асосида аниқланади:

$$IS = (Q_1 - Q_2) \times A_2, \quad (3.7)$$

бу ерда IS – йиллик иқтисодий самара (сўм);

Q_1 ва Q_2 – янги техника ёрдами билан тайёрланган маҳсулот бирлигига сарфланган харажатлар;

A_2 – ҳисобот йилида янги техника ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йиллик ҳажми.

Инновацион техника ва технологиянинг иқтисодий самарадорлигини режалаштириш ва истиқболлаштиришда унинг асосий техник-иқтисодий

кўрсаткичларига, жумладан, фойданинг ва меҳнат унумдорлигининг ошиши, меҳнат, моддий ва капитал сиғимининг пасайиши, маҳсулот таннархининг камайишига таъсир этиши ҳисобга олинади.

Саноат корхоналарида янги техника ва технология самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил этишда унинг ижтимоий натижаларини ифодаловчи меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсизлик ва ишлаб чиқариш жараёнидаги қулайликларни таъминлаш, ходимларнинг билими ва малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ходимлар учун энг қулай шароит-шароитларни яратиш билан боғлиқ омилларни ҳам ҳисобга олиш керак.

3.3. Саноатнинг фан сиғими юқори тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг концептуал йўналишлари

Йирик саноат корхоналари инновацион фаолиятини амалга ошириш мувофиқ муаммолари, амалиёти ва инновацион ривожланиш дастурлари тадқиқотининг кўрсатишича, уларнинг кўпчилигида иқтисодий воситаларни ишлаб чиқиш бўйича корxonанинг инновацион фаолиятини бошқаришни амалда реализациясини таъминлашда муайян камчиликлар мавжуддир.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда республикамиз амалиётида замонавий саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш концепцияси етарлича такомиллаштирилмаган. Бу концепция корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш жараёнини ўз ичига қамраб олади. Бунга боғлиқ ҳолда, корxonанинг инновацион фаолиятини бошқариш тизимини яратишда андоза сифатида корхоналар фойдаланиши мумкин бўлган концепция асосларини шакллантириш таклиф этилди.

Бизнинг фикримизча, саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш тизимини шаклланиши инновацион фаолиятга йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал қилувчи бир қатор амалий

воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобига мавжуд бошқарув тизимини модернизациялаш асосида амалга оширилади.

Саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар бўлиб, инновацион фаолиятнинг ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион лойиҳаларни амалга оширишни баҳолаш ҳамда мазкур тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларни амалга оширишни оптималлаштиришга ёндашувлар, инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш усуллари ҳисобланади.

Юқорида ўтказилган тадқиқот натижаларидан фойдаланган ҳолда саноатнинг фан сиғими юқори бўлган тармоқ корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган концепция куйидаги тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади.

1. Концепциянинг асосий мазмуни. Концепцияни ишлаб чиқишнинг зарурати корхонада инновацион фаолиятни бошқариш вазифаларининг кўп омилли эканлиги ва мураккаблиги, уларни реализация қилишга ёндашувларнинг турли хиллиги билан шартланади.

Концепцияни ишлаб чиқишнинг мақсади – саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари ва услубларини аниқлашдан иборат.

Концепцияда ушбу мақсадга мувофиқ куйидагилар аниқланган:

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш мақсадлари ва вазифалари;

– корхоналарни бошқаришнинг умумий тизимига кирувчи саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимининг шаклланиш тамойиллари;

– саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш соҳасида кўйилган мақсадларга эришиш услублари, усуллари ва воситалари.

Саноатнинг фан сиғими юқори бўлган сектори корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимида концепциянинг ўрни: Концепция инновацион фаолиятга ажратилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминловчи қарорларни қабул қилишнинг амалий воситаларини яратиш учун асос бўлиши мумкин.

Саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни бошқаришга таъсир кўрсатувчи концепцияни яратишнинг дастлабки шарт-шароитлари: Республикамизда саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолият куйидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ венчурли молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида «Инвестицион ва бошқарув компаниялар тўғрисида» Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги 414-сон қарори билан тасдиқланди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон «Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган дастурлар доирасида мақсадлар ва вазифаларга эришиш ҳар хил йўналишлардаги инновацион лойиҳаларни ўз ичига камраб олади. Улар молиявий ресурслар тақчиллиги ва иқтисодий беқарорлик шароитида инвесторларнинг талабларини максимал даражада қондириш имкониятига эга бўлган лойиҳаларни аниқлашни талаб этади.

Шундай экан, республикада амалда бўлган соҳа ривожланишига оид қонунчилик тизимдан келиб чиққан ҳолда, саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш услубиятини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини оптималлаштириш ва реализация қилинишини баҳолаш зарур.

2. Саноатнинг фан сиғими юқори бўлган корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш мақсадлари ва вазифалари. Инновацион фаолиятни бошқариш тизимининг асосий мақсади – ташқи иқтисодий ҳолатни нобарқарорлиги шароитида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширувчи илмий-техник заҳирани яратиш ва эга бўлиш базасида инновацион лойиҳалар шаклланиши ва реализация қилиниши учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Корхона инновацион фаолиятини бошқариш тизимининг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– давлат ва тармоқ ривожланишининг устуворлиги ҳамда бозор тенденциялари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар инновацион фаолияти мақсад ва вазифаларини аниқлаш ва тузатиш киритиш;

– корхонанинг инновацион ривожланишини мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ҳамда инновацион лойиҳалар реализация қилинишини ошириш мақсадида унинг ресурс таъминотини ошириш;

- корхона ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини ошириш учун ташқи муҳит ҳолати ўзгаришига корхонанинг ўз вақтида жавоб қайтариши;
- мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг инновацион фаолиятини оптималлаштириш;
- халқаро инновацион майдонга ҳамда ҳудуд ва тармоқ инновацион тизимига корхона интеграциясини таъминлаш.

Корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш тизимининг вазибалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш бўйича қисқа муддатли (тактик), ўрта муддатли (оператив) ва узок муддатли (стратегик) қарорларни қабул қилиш учун аналитик ахборотлар билан раҳбарият ва бошқа шахсларни таъминлаш;
- корхонанинг инновацион фаолиятида бажариладиган ишларни автоматлаштириш;
- корхона умумий бошқарув тизими билан инновацион бошқариш тизими интеграциясини таъминлаш;
- давлат, тармоқ ва ҳудуд даражасида инновацион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари билан корхонанинг ўзаро алоқаларини таъминлаш.

3. Иқтисодий усуллар. Мавжуд амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг фан сиғими юқори тармоқларининг давлат ва инновацион фаолиятни бошқаришнинг иқтисодий усулларини ишлаб чиқишга юқори даражада боғлиқлиги давлатнинг алоҳида имтиёзларини ишлаб чиқишни зарурат этади. Шунинг учун мамлакат ва тармоқ даражасида қуйидаги усулларни жорий этиш керак:

- корхона томонидан реализация қилинадиган инновацион лойиҳалар портфелини шакллантириш учун тадқиқот ишида инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш методикаси таклиф этилади. Ушбу методикани қўллашнинг асосий афзаллиги бўлиб, томонларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги манфаатлари

ўртасидаги балансни таъминлаш ҳамда «юқоридан пастга» тамойили асосида инновацион ривожланишни режалаштириш имкониятлари ҳисобланади;

– инновацион лойиҳани амалга оширишни баҳолаш учун инновацион фаолиятнинг ички ва ташқи омиллари ҳисоби билан ушбу лойиҳалар реализациясини баҳолаш методикасидан фойдаланиш ҳисобланади. Мазкур методиканинг фарқли жиҳати малакали иш ҳажмига инновацион лойиҳанинг мувофиқлиги ва бажарилган ишлар бўйича статистик база асосида ҳар бир киритилган ишни реализация қилишни баҳолаш ҳисобланади. Тақдим этилган моделнинг яна бир хусусияти бўлиб, ташқи омиллар тизими ривожланишининг ҳар бир сценариясига инновацион лойиҳани бошқаришни тест ўтказиш асосида лойиҳани амалга оширишнинг ташқи муҳит омиллари ўзгаришининг эҳтимолли сценариясига лойиҳалар реализациясининг боғлиқлигини аниқлаш ҳисобланади. Ушбу моделни амалда қўллаш инновацион лойиҳаларни бошқаришни заиф жойини аниқлаш ва уларнинг реализация қилинишини ошириш бўйича таклифларни шакллантириш имконини беради;

– инновацион фаолият доирасида ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун диссертацияда инновацион лойиҳаларни амалга оширишни оптималлаштиришга муаллифлик ёндашуви келтирилган. Мазкур ёндашувларнинг амалиётга жорий этилиши куйидаги мезонлар бўйича инновацион лойиҳаларни бажарилишини оптималлаштиришни назарда тутади: корхонанинг инновацион тизимини ички ресурсларидан максимал фойдаланиш, дастурларнинг бажарилиш муддатлари ва харажатларини минималлаштириш. Бу корхонага ташқи иқтисодий ва геосиёсий ҳолатга боғлиқ ҳолда инновацион ривожланиш дастурларини реализация қилишнинг оптимал йўлини танлаш имконини беради.

4. Саноатнинг фан сиғими юқори корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш тизими. Саноатнинг фан сиғими юқори корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш тизими асосий тизим

таркибига тегишли бўлиб, бошқаришнинг комбинациялашган услуби билан ўзгаришнинг содир бўлиши ва тавсифи бўйича бириккан муҳит қамровига муносабат бўйича очик ҳисобланади.

Саноатнинг фан сиғими юқори корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш тизими мураккаб тизим таркибига эга. Шундай экан, унинг самарали тавсифи (ҳолати, қонунларнинг шаклланиши) ва бошқарув параметрлар тавсифини аниқлаш учун ресурслар (биринчи ўринда ахборот ресурслари) етишмайди. Шунинг учун инновацион фаолиятни бошқариш тизимини шаклланишида асосий ва мураккаб тизимлар учун қабул қилинадиган ёндашувлар ва тамойиллар ҳисобга олиниши керак.

Инновацион фаолиятни бошқариш тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши зарур:

- инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш ва инновацион ривожланишнинг давлат ва тармоқ устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда реализация қилиш учун инновацион лойиҳалар портфелини шакллантириш;

- тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларнинг реализация қилинишини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

- тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларнинг реализация қилинишини оптималлаштириш.

Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқаришнинг комплекс тизими шаклланиши қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- технологик сиёсат концепцияси, энергия самарадорлигини ошириш дастурлари, технологик йўл харитаси кабиларни ўз ичига олувчи корхонанинг инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари тўғрисида тасаввурни шакллантирувчи ўзаро боғлиқ ҳужжатлар рўйхатини яратиш;

- корхонанинг инновацион ривожланишига масъул бўлган ташкилий тузилмаларнинг мувофиқ функцияларини шакллантириш ва тақсимлаш;

- корхонанинг инновацион ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини ўтказиш;

– ишлаб чиқариш, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар ҳамда мавжуд миллий, ҳудудий, тармоқ, корпоратив ва бошқа инновацион тизимларга корхонани интеграциялаш билан унинг илмий ва ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– корхонанинг интеллектуал мулкани ҳимоялаш ва бошқариш тизимини яратиш.

Инновацион фаолиятни бошқариш тизими шаклланишининг умумий тамойиллари қуйидагиларга таснифланади:

– инновацион фаолиятни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий, услубий ва ахборот базасини мувофиқлаштириш;

– мақсадли кўрсаткичлар рўйхатини ҳамда инновацион ривожланиш дастурлари ва лойиҳаларини баҳолаш мақсадида уларни олиш методологиясини аниқлаш;

– лойиҳаларнинг илмий-техник экспертизасини мустақил ва объектив ўтказиш билан танлов тартибини ўрнатиш асосида инновацион лойиҳаларни танлашни амалга ошириш;

– алоҳида лойиҳалар реализациясини оралиқ натижалари бўйича ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва қайта тақсимлаш натижасида лойиҳаларни амалга оширишнинг доимий мониторингини ўтказиш.


Саноатнинг фан сифими юқори корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш тизимининг таклиф этилаётган ахборотлар базасига давлат, ҳудудий, тармоқ дастурлари, корхоналарнинг технологик ривожланиш йўл хариталари, инновацион ривожланиш дастурлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқбол кўрсаткичлари, корхоналарнинг инновацион лойиҳаларини реализация қилиш натижалари тўғрисидаги аналитик ва ахборот материаллари ва самарадорлик кўрсаткичлари кабилар киради.

Тизимга чиқишда корхонанинг инновацион фаолиятини бошқаришда қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун аналитик маълумотлар юзага келади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– корхонанинг инновацион лойиҳаларини реализация қилиш доирасида инновацион лойиҳалар портфелини шаклланиши бўйича тавсиялар;

– инновацион фаолиятнинг ташқи ва ички омилларини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳаларни баҳолаш усуллари.

Қуйидаги 3.2-расмда инновацион фаолиятни бошқариш доирасида ахборотлар ҳаракатланиши чизмаси келтирилган.



3.2-расм. Инновацион фаолиятни бошқариш доирасида ахборотлар ҳаракатланиши чизмаси⁹⁸

Саноатнинг фан сифими юқори корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми қуйидаги кўринишда келтирилган:

1. Давлат ва тармоқ ривожланишига мувофиқ инновацияларнинг устувор йўналишларини жами рўйхатини шакллантириш.

2. Корхонада инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун унинг рўйхатини шакллантириш.

⁹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3. Давлат ва тармоқ ривожланишига мувофиқ инновацияларнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалар рўйхатининг ўзаро нисбатини аниқлаш.

4. Энг истиқболли инновацион лойиҳаларни аниқлаш.

5. Энг истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш қийматини ҳисоб-китоб қилиш.

6. Инновацион лойиҳалар реализациясига таъсир кўрсатувчи ташқи иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда барча мавжуд манбалардан лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурслар рўйхатини шакллантириш.

7. Молиялаштириш ҳажмига боғлиқ ҳолда лойиҳаларни реализация қилинишини баҳолаш. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврларда молиялаштириш ҳажмининг етарлича эмаслиги ҳолатида қуйидагилар амалга оширилади: аҳамиятлилик даражаси бўйича тадбирларни тартибга келтириш; ресурс таъминотининг қўшимча манбаларини қидириш; тартибга келтирилган лойиҳалар самарадорлигини истиқболли баҳолаш.

8. Лойиҳаларни амалга ошириш учун корхонанинг фаолият юритаётган бўлимларининг календар-тармоқ жадвалини аниқлаш.

9. Инновацион лойиҳалар реализациясини бошлаш.

10. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мониторинги тизимини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш. Тизим мониторингининг лойиҳа бўйича салбий натижалар олинган тақдирда лойиҳа муваффақиятсизлигининг сабабларини аниқлаш керак ва уларга боғлиқ ҳолда қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқиш зарур: молиялаштириш ҳажмини ошириш; лойиҳани амалга ошириш доирасида корхона ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш; лойиҳа самарадорлигини баҳолаш.


11. Маҳсулот ишлаб чиқариш.

12. Лойиҳани давом эттириш ёки ёпиш ҳақида қарор қабул қилиш.

13. Лойиҳа самарадорлигини баҳолаш.

Корхоналар инновацион фаолиятини бошқаришни олдиндан аниқланган ва мақсадга мувофиқ таклиф этилган воситалар тўплами доирасида уларнинг фаолият йўналишлари билан мувофиқликда корхонанинг турли бўлимлари ўртасида инновацион фаолиятни бошқариш доирасида фойдаланиладиган функцияларни тақсимлаш керак.

Корхона инновацион фаолиятини бошқаришнинг ташкилий чизмаси қуйидаги 3.3-расмда келтирилган.



3.3-расм. Корхонани инновацион фаолиятини бошқаришнинг ташкилий чизмаси⁹⁹

Корхона инновацион фаолиятини бошқаришнинг келтирилган чизмаси доирасида қуйидаги функционал элементлари аниқланди. Инновацион фаолиятни бошқариш тизимини амалда жорий этиш марказлаштирилган ва тақсимланган шаклда амалга оширилиши мумкин. Мазкур бошқарув тизимини марказлашган тарзда реализация қилиниши зарурий тайёргарликка эга мутахассисларнинг етарлича сонини ўз ичига олувчи махсус бўлимларни

⁹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

яратиш амалга оширилади. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг бундай ташкилий тузилмаларида бозорни тадқиқ этиш, рискларни бошқариш бўйича мутахассислар, аналитиклар, технологлар, АТ-мутахассислари, молиячилар, менежерлар ва ёрдамчи персонал иштирок этиши зарур. Ушбу ҳолатда корхонанинг қолган бўлимлари ёрдамчи, кўпроқ ахборот функциясини бажаради. Ахборотларни бошқаришнинг йирик ва юқори малакали бўлимларининг мазмуни мувофиқ равишда молиялаштиришни талаб этади. Шунинг учун инновацияларни бошқаришнинг бундай модели одатда йирик корпорацияларда бўлиши мумкин.

Агарда корхона йирик корпорация бўлмаса ва молиявий жиҳатдан чекланганлик шароитида бўлса, инновацион фаолиятни бошқариш бўйича зарурий функционал тизимда корхонада инновацияларни бошқариш тизимининг дастлабки шакли бўлимлар ўртасида тақсимланади. Бундай ҳолатда инновацион ривожланишни бошқариш бўйича бўлимларда бошқа бўлимлардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил этиш ва қайта ишлаш, инновацион фаолият йўналишлари бўйича қарорларни тайёрлаш ва бошқа бўлимлар ишларини мувофиқлаштириш бўйича функциялар зиммасига юкланади. Умум қабул қилинган ташкилий тузилма доирасида таклиф этилаётган функциялар мақсадга мувофиқ бўлимлардан иборат (3-илова).

Бизнинг фикримизча, мазкур 3-иловада келтирилган инновацион фаолиятни бошқариш тизимининг функционал тақсимланиши пировардида самарадорликни ошириш мақсадида корхона ичида инновацион жараёнларни тизимлаштириш ва тартибга солиш, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш имконини беради.

Тармоқ ёки корпорация даражасида инновацион фаолиятни бошқаришнинг мақбул тизимини қабул қилиш инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш, ресурс харажатлари пасайиши ва инновацион фаолиятни амалга оширишдан юқори самара олиш имконини беради.

5. Концепцияни амалга оширишдан ижтимоий, иқтисодий ва техник самарага эга бўлиш тавсифи. Концепцияда ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган тадбирлар таклиф этилди.

Кутилаётган умумий самара – концепция тадбирларини реализация қилиш натижасида эришилиши кутилаётган асосий интеграл самара sanoatning фан сиғими юқори корхоналари кўрсаткичларини яхшилаш имконини берувчи инновацион фаолиятга маблағлар сарфлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Концепцияни амалга ошириш давлат мақсадли дастурлари ва sanoatning фан сиғими юқори тармоқ корхоналарининг инновацион ривожланиш дастурларини қабул қилишнинг мақсадли индикаторларига эришишга замин яратади.

Концепцияни амалга оширишнинг умумлашган иқтисодий самараси қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

– режалаштирилган бюджетни реализация қилиш харажатлари ошиши билан инновацион лойиҳалар сонининг камайиши;

– режалаштирилган муддат ошиши билан инновацион лойиҳалар сонининг камайиши;

– мақсадли давлат дастурлари, тармоқ ривожланиш дастурлари ва sanoatning фан сиғими юқори тармоқ корхоналари инновацион ривожланиш дастурларини реализация қилиш доирасида инновацион лойиҳалар портфели самарадорлигининг ошиши.

Концепцияни амалга оширишнинг ташкилий самараси сифатида sanoatning фан сиғими юқори тармоқлари корхоналарида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жадаллиги кутилади ва натижада республика sanoatining инновацион ривожланиши рағбатлантирилади.

6. Концепцияни амалга ошириш учун зарур норматив базани такомиллаштириш. Концепцияни амалга ошириш доирасида қуйидаги тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур:

– саноат фан сиғими юқори тармоқлари корхоналарининг инновацион ривожланишини бошқариш концепциясини тасдиқлаш;

– инновацион фаолиятнинг ташқи ва ички омилларини ҳисобга олган ҳолда саноат фан сиғими юқори тармоқлари корхоналарининг инновацион лойиҳаларини реализация қилишни баҳолаш методикасини тасдиқлаш;

– инновацион ғояларни жорий этиш учун истиқболли лойиҳаларни танлаш методикасини тасдиқлаш.

7. Хулоса. Саноат фан сиғими юқори тармоқлари корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш инновацион лойиҳаларни амалга ошириш портфелини шакллантиришни назарда тутувчи ҳамда давлат ва тармоқнинг инновацион ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда реализация қилиш бўйича талабни қондирувчи ташкилий-иқтисодий механизмларни жорий қилишга асосланади. Бу ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига корхонанинг инновацион ривожланиш имконини беради.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Инновацион лойиҳани амалга оширишнинг молиявий тўловга қодирлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари, инвестициялардан фойдаланиш ҳамда молиявий ҳолатни баҳолаш кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилди.

2. Саноат корхоналарида инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизими иқтисодий ривожланиш босқичларига мос ҳолда дисконтланган кўрсаткичлар ва дисконтланмаган кўрсаткичлар асосида қўлланилиш жараёни бўйича таснифи ишлаб чиқилди.

3. Саноат фан сиғими юқори тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларни оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда танланган инновацион лойиҳалар реализациясини амалга оширишга йўналтирилган инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди.

4. Иновацион лойиҳаларни амалга ошириш портфелини шакллантиришни назарда тутувчи ҳамда давлат ва тармоқнинг инновацион ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда саноат фан сиғими юқори бўлган тармоқ корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган концепция шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Диссертацияда саноат корхоналари хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг муҳим мезони сифатида «инновация» ва «инновацион фаолият»га оид категорияларнинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Инновация – бу янги маҳсулотлар ёки хизматлар, уларни ишлаб чиқариш услублари, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа доиралардаги янгиликларни жорий қилиш, сарф-харажатларни тежаш имкониятини яратиш, маҳсулотни янгича ҳаётий даврини амалга оширувчи жараён сифатида бозорда реализация қилиш, ишлаб чиқарувчи учун даромад келтириш ва истеъмолчиларга янги маҳсулотдан муваффақиятли фойдаланиш босқичини намоён этувчи фаолият натижасидир. Инновацион фаолият – инновацион ғоя ва ишланмаларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг қўлланилиши ва амалга оширилишини таъминловчи фаолият.

2. Инновация кўринишлари, уларни жорий этиш босқичлари ва натижаларини реализация қилиш доирасида кўрсатилган фаолият йўналишлари асосида инновацияларни амалга оширишнинг муҳим тавсифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, инновацион жараёнлар турли босқичларда амалга оширилади ва барча кўринишдаги инновациялар ихтиро сифатида тижорат мақсадида фойдаланилади.

3. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш йўналишлари, ҳаётийлик даврининг тармоқ тузилиши, ўзгаришлар даражаси, инновацион фаолиятни амалга ошириш манбаи, ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, эҳтиёжларни қондириш тавсифи, янгилик даражаси, бозорга чиқиш вақти, вужудга келиш сабаблари, қўллаш предмети ва кўламига кўра инновациялар таснифлаш белгилари бўйича турларга ажратилди.

4. Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини фойдаловчи кўрсаткичлар тизими интеграл самара, инновациялар

рентабеллиги, харажатларни қоплаш, янгиликларни ўзлаштиришга харажатларни ифодаловчи кўрсаткичлар асосида такомиллаштирилди.

5. Корхонанинг инновацион фаоллигини яхлит ҳолда кўриб чиққанда, моддий харажатлар, натижадорлик ва вақт омилларидан фойдаланишнинг умумий таъсир даражасини ҳисобга олиш зарур. Шунга кўра, корхоналар инновацион фаоллигини оширишнинг муҳим иқтисодий ва институционал шарт-шароитлари сифатида ташқи рақобат муҳити, илм-фан ва таълим тизимининг ривожланиши ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштириш йўналишлари илмий-услубий жиҳатдан асосланди.

6. Корхона инновацион фаолияти ресурслар таъминоти, бошқарув жараёни ва инновацион салоҳият билан боғлиқ ички ҳамда контрагентлар, бозордаги рақобат, илм-фан ва инновацион инфратузилма ривожланишининг ташқи омиллари таъсирини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

7. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши юқори технологик ривожланиш ҳамда интенсив иқтисодий ўсишнинг омили сифатида ЯХМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, асосий капиталга киритилган ялпи инвестициялар ҳажмини ЯИМнинг ўсишига таъсирини аниқловчи ICOR (incremental capital output) кўрсаткичи аниқланди.

8. Саноат корхонасининг инновацион ривожланиш муаммосини аниқлаш, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил этиш, инновацион ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, инновацион салоҳиятни баҳолаш, унинг истиқболли йўналишларини аниқлашга йўналтирилган инновацион стратегияни танлаш жараёнининг алгоритми ишлаб чиқилди.

9. Инновацион лойиҳани амалга оширишнинг молиявий тўловга қодирлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари, инвестициялардан фойдаланиш ҳамда молиявий ҳолатни баҳолаш кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилди.

10. Саноат корхоналарида инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизими иқтисодий ривожланиш босқичларига мос ҳолда дисконтланган кўрсаткичлар ва дисконтланмаган кўрсаткичлар асосида қўлланилиш жараёни бўйича таснифи ишлаб чиқилди.

11. Саноат фан сиғими юқори тармоқ корхоналарида инновацион лойиҳаларни оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда танланган инновацион лойиҳалар реализациясини амалга оширишга йўналтирилган инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди.

12. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш портфелини шакллантиришни назарда тутувчи ҳамда давлат ва тармоқнинг инновацион ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда саноатнинг фан сиғими юқори бўлган тармоқ корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган концепция шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2019. -46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида» Қонуни. –Т., 2020.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Қонуни. –Т., 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» Қонуни. –Т., 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» Қонуни. –Т., 2003.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Қонуни. –Т., 2000.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» Қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 2004. 11 февраль, №29.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида»ги 2017 йил 15 мартдаги ПҚ-2836-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича Давлат Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2868-сон қарори.
10. «Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 4 январдаги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича Давлат Қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сон Фармони.
12. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиш ва Қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги 302-сон қарори, 2017 йил 19 май.
14. «Инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 285-сон қарори, 2017 йил 15 май.
